

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

26-сон
(1202)
2025 йил
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

317. «Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 23 июндаги ЎРҚ–1070-сон Қонуни
318. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 26 июндаги ЎРҚ–1071-сон Қонуни
319. ««Жинойят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қамоққа олинганларга нисбатан қийноққа солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 26 июндаги ЎРҚ–1072-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

320. «Мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 июндаги ПФ–97-сон Фармони

321. «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 июндаги ПФ–98-сон Фармони
322. «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан замонавий хизматларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 июндаги ПФ–105-сон Фармони
323. «Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 июндаги ПК–207-сон қарори

Учинчи бўлим

324. «Туризм объектлари ҳамда жойлаштириш воситаларида атроф-муҳитга салбий таъсири камайтирилган маҳсулотлардан фойдаланиш ва экологик талабларга мувофиқ кўрсатиладиган хизматларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 июндаги 385-сон қарори

Бешинчи бўлим

325. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 28 майдаги 6-сон “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомнинг 33-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-6*)
326. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi boshlig‘ining 2025-yil 16-maydagi 2-son “Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishda Inson hayoti va sog‘lig‘iga yuqori xavf soluvchi omillar reyestriga kiritiladigan ma’lumotlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 23-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3633*)
327. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2025-yil 17-iyundagi 33-son “Karantin ostidagi mahsulotni olib qo‘yish, qaytarib yuborish va yo‘q qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 1-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3191-3*)

328. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 23-maydagi 260-son "Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 24-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2773-12*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ****317 Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
13 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 29 апрелда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади банкларни санация қилиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши банкларга, банклар гуруҳларига ва банк акцияларининг назорат пакетига эгалик қилувчи холдинг компанияларига нисбатан татбиқ этилади.

Агар ушбу Қонунда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг банкларга тааллуқли қоидалари банклар гуруҳларига ва банк акцияларининг назорат пакетига эгалик қилувчи холдинг компанияларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

2-модда. Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисидаги қонунчилик

Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

банк акцияларининг назорат пакетига эгалик қилувчи холдинг компанияси (бундан буён матнда холдинг компанияси деб юритилади) — банк акцияларининг назорат пакети билан бирга бошқа молия институтлари акцияларининг (улушларининг) назорат пакетига эга юридик шахс;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 июнда эълон қилинган.

капитал воситалари — санация қилинаётган банк регулятив капиталнинг таркибий элементлари;

махсус бошқарувчи — санация қилинаётган банк кузатув кенгаши ва бошқарувининг ваколатлари ўтказиладиган жисмоний шахс;

олувчи — санация қилинаётган банкнинг акциялари ўзига ўтказиладиган (сотилаётган) жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек санация қилинаётган банкнинг активлари, талаблари ва мажбуриятлари ўзига ўтказиладиган (сотилаётган) банк;

санация қилиш — банкларда тўловга қобилиятсизлик ҳолати юзага келганда уларнинг ўта муҳим вазифалари узлуксизлигини таъминлашга, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган санация қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;

санация қилиш тартиб-таомиллари — санация қилиш воситаларини қўллаш ва санация қилишга доир ваколатларни амалга ошириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

субординар қарз — банкнинг кредитор талабига кўра муддатидан олдин қайтарилмайдиган ҳамда банк тугатиладиганда омонатчиларнинг ва бошқа кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин қаноатлантириладиган, таъминланмаган қарз мажбурияти;

ўта муҳим вазифалар — банк хизматлари ёки операцияларининг шундай турларики, уларни ўзга банкнинг бошқа хизматлари ёки операциялари билан алмаштириш мураккаблиги туфайли ушбу хизматларни кўрсатиш ва операцияларни амалга ошириш тугатилган тақдирда, молиявий барқарорликнинг бузилишига ёки реал иқтисодиёт учун зарур бўлган хизматларнинг кўрсатилиши чекланишига олиб келиши мумкин;

қарз воситалари — қарз муносабатларини тасдиқловчи қимматли қоғозлар, шу жумладан облигациялар, шунингдек қарз қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи воситалар.

4-модда. Банкларни санация қилиш ва тугатиш соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) банкларни санация қилиш ва тугатиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир.

Марказий банк банкларни санация қилиш ва тугатиш бўйича вазифалари ва ваколатлари доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақил равишда қарорлар қабул қилади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

5-модда. Марказий банкнинг банкларни санация қилиш бўйича вазифалари унинг бошқа вазифаларидан ажратилганлиги

Марказий банк банкларни санация қилиш бўйича вазифаларини қонун-

чиликда белгиланган бошқа вазифаларидан, шу жумладан назоратга доир вазифаларидан алоҳида тарзда амалга оширади.

Марказий банк банкларни санация қилишни амалга оширувчи таркибий бўлинмасининг банклар фаолиятини назорат қилиш вазифаларини амалга оширувчи таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

6-модда. Банкларни санация қилиш ва тугатиш соҳасидаги ҳамкорлик

Марказий банк банкларни санация қилиш ва тугатиш бўйича ўз ваколатларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи банкнинг фаолияти устидан консолидациялашган назоратни амалга оширувчи чет давлат назорат органлари (бундан буён матнда чет эл назорат органлари деб юритилади) билан ҳамкорликни ҳамда ахборот алмашинувини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади.

Марказий банк банкни санация қилиш билан боғлиқ бўлган қарор ҳақида мазкур қарор кучга кирган куннинг ўзида Омонатларни кафолатлаш агентлигини, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигини (бундан буён матнда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги деб юритилади), Молиявий барқарорлик кенгашини, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини, шунингдек банк иштирокчи бўлган тўлов тизимларини хабардор қилади.

Марказий банк чет эл банкига тегишли ва Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи банкни санация қилиш ёки мажбурий тугатиш билан боғлиқ қарорлари тўғрисида чет эл назорат органини хабардор қилади.

7-модда. Молиявий барқарорлик кенгаши

Молиявий барқарорлик кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) Ўзбекистон Республикасида молиявий барқарорликни таъминлаш, тизимли молиявий инқирозларнинг келиб чиқиш хавфларини ўрганиш (таҳлил қилиш), уларнинг юзага келишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек юзага келган молиявий инқирозларни бошқариш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида идоралараро мувофиқлаштиришга доир ваколатларни амалга оширади.

Кенгаш маслаҳат органи бўлиб, унинг қарорлари Кенгаш аъзоларининг ўзаро келишуви асосида қабул қилинади ва тавсиявий хусусиятга эга бўлади.

Кенгашнинг навбатдаги мажлиси ҳар олти ойда камида бир марта, навбатдан ташқари мажлиси эса Кенгаш аъзоларининг талаби бўйича ўтказилади.

Марказий банк Кенгашнинг ишчи органи вазифасини бажаради.

Кенгаш аъзолари Кенгашга унинг фаолияти учун аҳамиятга эга бўлган барча зарур маълумотларни, шу жумладан қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни тақдим этади. Кенгаш аъзоларининг

ва унинг мажлисларига таклиф этилган шахсларнинг, шунингдек Кенгаш учун тегишли маълумотларни тайёрлашда иштирок этадиган бошқа шахсларнинг қонунчилик билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни ошкор этиши тақиқланади.

Кенгашнинг таркиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек Кенгаш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

2-боб. Банкни санация қилиш

1-§. Санация қилиш мақсадлари ва принциплари

8-модда. Банкни санация қилиш мақсадлари

Банкни санация қилиш мақсадлари қуйидагилардан иборат:
тизимли молиявий инқироз юзага келишининг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини минималлаштириш;

банкнинг ўта муҳим вазифалари узлуксизлигини таъминлаш;

омонатчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) банкни санация қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини минималлаштириш.

Санация қилиш мақсадлари бирдек муҳим бўлиб, Марказий банк санация қилиш билан боғлиқ айрим ҳолларда муайян мақсадларга устуворлик беришга ҳақли.

9-модда. Банкни санация қилиш принциплари

Банкни санация қилиш принциплари қуйидагилардан иборат:

зарарларнинг ўрни биринчи навбатда санация қилинаётган банк акциядорлари ҳисобидан қопланиши;

банк омонатчилари ҳамда кредиторлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатланиши;

кафолатланган омонатларни ва уларнинг кафолатлаш чегарасидан ошадиган қисмини тўлиқ ҳимоя қилиш;

бошқарув органлари ваколатларининг ўтиши;

жавобгарликнинг муқаррарлиги;

банк омонатчилари ва кредиторлари зарарларининг чекланиши.

10-модда. Зарарларнинг ўрни биринчи навбатда санация қилинаётган банк акциядорлари ҳисобидан қопланиши принципи

Санация қилишда зарарларнинг ўрни биринчи навбатда санация қилинаётган банк акциядорлари ҳисобидан қопланади. Бунда ҳар бир акциядор зарарнинг умумий миқдорига нисбатан банк устав капиталидаги ўз улуши миқдорига мутаносиб равишда ҳамда ўзига тегишли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўлади.

11-модда. Банк омонатчилари ҳамда кредиторлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатланиши принципи

Санация қилинаётган банк омонатчилари ҳамда кредиторларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ушбу Қонуннинг 64-моддасида белгиланган талабларни қаноатлантириш навбатига риоя этиш орқали кафолатланади. Бунда бир турдаги омонатчилар ҳамда кредиторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тенг даражада кафолатланади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

12-модда. Кафолатланган омонатларни ва уларнинг кафолатлаш чегарасидан ошадиган қисмини тўлиқ ҳимоя қилиш принципи

«Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кафолатланган омонатларга ва уларнинг кафолатлаш чегарасидан ошадиган қисмига нисбатан ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаси қўлланилмайди.

13-модда. Бошқарув органлари ваколатларининг ўтиши принципи

Санация қилинаётган банк акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатлари Марказий банкка, кузатув кенгаши ва бошқарувининг ваколатлари эса Марказий банк томонидан тайинладиган банк кузатув кенгашига ва бошқарувига ёки махсус бошқарувчига ўтади.

14-модда. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи

Банкни тўловга қобилиятсизлик ҳолатига олиб келган айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

15-модда. Банк омонатчилари ва кредиторлари зарарларининг чекланиши принципи

Банкнинг санация қилиниши натижасида омонатчилар ёки кредиторлар мазкур банк мажбурий тугатилиши доирасида кўриши мумкин бўлганидан кўпроқ зарар кўришига йўл қўйилмайди.

2-§. Санация қилишга тайёргарлик кўриш

16-модда. Банкни санация қилиш режаси

Марказий банк тизимли аҳамиятга молик банк учун санация қилиш режасини ишлаб чиқади. Санация қилиш режаси тизимли аҳамиятга молик банкка нисбатан Марказий банк томонидан қўлланилиши мумкин бўлган санация қилиш тартиб-таомилларини ўз ичига олади.

Тизимли аҳамиятга молик банк учун ишлаб чиқилган санация қилиш ре-

жаси бир йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши, шунингдек банкнинг ташкилий тузилишида ва (ёки) молиявий ҳолатида сезиларли ўзгаришлар юзага келганда ёки санация қилиш режасининг қўлланилишига ёхуд мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа омиллар мавжуд бўлганда қайта кўриб чиқилиши ва зарур бўлганда янгиланиши керак.

Марказий банк тизимли аҳамиятга молик бўлмаган, лекин ўта муҳим вазифаларни бажарувчи банклар учун ҳам санация қилиш режасини ишлаб чиқиши мумкин. Бунда санация қилиш режасини қайта кўриб чиқиш даврийлиги Марказий банк томонидан белгиланади.

Банк учун ишлаб чиқилган санация қилиш режасининг қисқача мазмуни мазкур банкка тақдим этилади.

Ўзи учун санация қилиш режаси ишлаб чиқилган банк уни қайта кўриб чиқиш ёки янгилаш талаб этиладиган ҳар қандай ҳолат тўғрисида Марказий банкни дарҳол хабардор қилади.

Банк ўзига нисбатан санация қилиш режасини ишлаб чиқишда ва янгилашда Марказий банкнинг талабига кўра иштирок этади.

Санация қилиш режасида белгиланган, ўз долзарблигини йўқотган тартиб-таомилларни амалга ошириш Марказий банк учун мажбурий аҳамият касб этмайди.

Банкни санация қилишни бошлаш учун асослар юзага келганда Марказий банк уни санация қилиш тўғрисидаги қарорни, агар ушбу банк учун санация қилиш режаси ишлаб чиқилмаган бўлса ҳам қабул қилиши мумкин.

Санация қилиш режасини ишлаб чиқиш тартиби ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар Марказий банк томонидан белгиланади.

17-модда. Банкни санация қилиш мумкинлигини баҳолаш ва мавжуд тўсиқларни бартараф этиш

Банкни санация қилиш режаси мазкур банкни санация қилиш мумкинлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Агар санация қилиш мақсадларига санация қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш орқали эришиш имконияти мавжуд бўлса, банкни санация қилиш мумкин деб ҳисобланади.

Банкни санация қилиш мумкинлигини баҳолашда Марказий банк қуйидаги омилларнинг таҳлилини ўтказди:

банк фаолиятининг асосий йўналишини ва ўта муҳим вазифаларини учинчи шахсларга топшириш (ўтказиш) имкониятининг;

банк корпоратив бошқарув тизимининг банк фаолиятининг асосий йўналишига ва ўта муҳим вазифаларига мувофиқлик даражасининг;

банк фаолиятининг асосий йўналишларини ва ўта муҳим вазифалари бажарилишини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган ходимлар, инфратузилма, шунингдек молиялаштириш, ликвидлилики ва капитални таъминлаш механизмлари мавжудлигининг;

хизмат кўрсатиш шартномалари банкни санация қилишда банк томонидан тўлиқ ҳажмда бажарилишининг;

банкда доимий равишда аниқ ва тўлиқ ахборот олинишини таъминловчи ахборот тизими мавжудлигининг;

санация қилиш воситаларини санация қилиш мақсадларига эришиш учун қўллаш самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигининг;

банкни санация қилишнинг молия тизимига, тўлов тизимларининг фаолият кўрсатишига, банк тизимига бўлган ишончга ҳамда иқтисодиётга таъсири даражасининг;

санация қилиш воситалари ва ваколатларидан фойдаланиш орқали банкнинг бошқа банкларга ёки молия бозорига салбий таъсирини камайтириш имкониятининг;

чет эл назорат органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ахборот алмашишни амалга ошириш имкониятининг;

Марказий банк зарур деб ҳисоблаган бошқа омилларнинг.

Марказий банк банкни санация қилиш мумкинлигини баҳолашда қуйидаги омилларни инобатга олмайди:

давлатнинг молиявий ёрдамини;

таъминланганлик, муддатлилик ва тўловлилик шартлари асосида Марказий банк томонидан тақдим этиладиган кредит ҳисобидан ликвидлилик тақчиллигини қоплашни, бундан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига мувофиқ тижорат банкларининг ликвидлигини фавқулодда қўллаб-қувватлаш мустасно.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган қоида санация қилишда давлатнинг молиявий ёрдамидан фойдаланишни истисно этмайди.

Агар банкни санация қилиш мумкинлигини баҳолаш натижасида Марказий банк томонидан санация қилишни амалга ошириш учун муайян тўсиқлар мавжудлиги аниқланса, Марказий банк кўрсатилган муддат ичида ушбу тўсиқларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқирилишини банкдан талаб қилади.

Санация қилиш имкониятлари учун тўсиқларни бартараф этиш бўйича банк томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режаси Марказий банк билан келишилади ва унинг белгиланган муддатларда ижро этилиши бўйича банк томонидан чоралар кўрилади.

Агар Марказий банк ишлаб чиқилган тадбирлар режаси санация қилиш имкониятлари учун тўсиқларни бартараф этишга қодир эмас деган хулосага келса, банкдан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

таваккалчиликларнинг миқдорини чеклашни;

айрим активларни сотишни;

банк хизматлари кўрсатишни, жорий ва (ёки) режалаштирилган операцияларни амалга оширишни чеклашни ёки тўхтатиб туришни;

банк акцияларига бевосита эгалик қилувчиларнинг мулккий ҳуқуқларига, банкнинг ва (ёки) банклар гуруҳининг ташкилий тузилишига ва (ёки) фаолиятига дахл қилмаган ҳолда, акцияларга эгалик қилувчиларнинг (потенциал олувчидан то бенефициар мулкдоргача) уч поғонадан кўп даражага табақалаштирилишини камайтириш, шунингдек санация қилишни енгил-

лаштириш ва банкнинг ўта муҳим вазифалари узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида холдинг компанияси, асосий жамият ёки шуъба компания ташкил этишни;

санация қилиш мақсадларида доимий равишда ёки Марказий банкнинг талабига кўра қўшимча ахборот тақдим этишни.

18-модда. Санация қилиш учун баҳолашни ўтказиш

Санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар Марказий банк банкнинг активлари ва мажбуриятлари, шунингдек балансдан ташқари моддалари баҳолашдан (бундан буён матнда баҳолаш деб юритилади) ўтказилишини таъминлайди.

Баҳолаш «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 75-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ бўлган аудиторлик ташкилоти ёки баҳоловчи ташкилот (бундан буён матнда баҳоловчи деб юритилади) томонидан ўтказилади.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги бухгалтерия ҳужжатларига ва бошқа ҳужжатларга асосланади:

банкнинг баҳолаш ҳисоботи тузилаётган санадаги бухгалтерия баланси-га, шунингдек фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи-га;

банк активлари ва мажбуриятларини ҳисобга олиш қийматининг таҳли-лига ва баҳоланишига;

банк бухгалтерия ҳисоботининг балансидаги ва балансдан ташқари ҳисоб-варақларида акс эттирилган мажбуриятларнинг рўйхатига, уларни бажариш муддати кўрсатилган ҳолда;

баҳолаш учун аҳамиятга эга бўлган, Марказий банк томонидан талаб қилинадиган бошқа маълумотларга.

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда банкнинг санация қилиш бошланган пайтдаги барча зарарлари акс эттирилиши керак.

Баҳолаш натижаларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

банкка нисбатан турли санация қилиш тартиб-таомилларини амалга оши-ришнинг молиявий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни олиш, шунинг-дек санация қилишнинг мақбул воситаларини танлаш;

ушбу Қонунга мувофиқ талабларни қаноатлантириш навбати бўйича кре-диторларни таснифлаш, шунингдек банк мажбурий тугатилганда кредитор-лар ва акциядорларнинг ҳар бир тоифаси олиши мумкин бўлган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни олиш;

тегишли капитал воситаларини ва (ёки) мажбуриятларни ҳисобдан чиқа-риш ва (ёки) конвертация қилиш даражаси тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ўтказиладиган (сотиладиган) активлар, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва (ёки) акциялар, шунингдек санация қилинаётган банкка ёки унинг акциядорларига тўланадиган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни олиш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган баҳолашнинг ўтка-зилмаганлиги Марказий банк томонидан санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилмайди.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган тартибда тўлиқ баҳолашдан ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳамда санация қилиш мақсадларига эришишни хавф остига қўювчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, Марказий банк ёки Марказий банк томонидан тайинланган баҳоловчи банкнинг активларини, мажбуриятларини ва балансдан ташқари моддаларини дастлабки баҳолашдан ўтказди. Бунда дастлабки баҳолаш имкон қадар ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ ўтказилиши керак.

Агар ушбу модданинг еттинчи қисмига мувофиқ дастлабки баҳолаш ўтказилган бўлса, ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган талабларга тўлиқ мувофиқ бўлган якуний баҳолаш Марказий банк тайинлаган баҳоловчи томонидан қуйидаги мақсадлар учун қисқа муддатларда ўтказилиши керак:

акциядорларнинг ёки кредиторларнинг талабларини ҳисобдан чиқариш ёки қаноатлантириш тўғрисидаги қарорни асослантириш ёхуд мажбуриятлар бўйича амалга оширилган тўловлар суммасини ошириш ёки камайтириш;

банкнинг аввал ўтказилган активлари ва мажбуриятларига қўшимча тарздаги активлари ва мажбуриятларини оралиқ банкка ўтказиш ёки аввал ўтказилган активлари ва мажбуриятларини қайтариш.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмига мувофиқ ўтказилган якуний баҳолаш:

активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасини қўллаш чоғида олувчилар томонидан амалга оширилган тўловларга;

активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасини қўллаш мақсадида ҳисобдан чиқаришни ва (ёки) конвертация қилишни амалга оширишда санация қилинаётган банк акциядорлари ва кредиторлари томонидан олинган маблағларга таъсир кўрсатмайди.

Ўтказилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг қисқача мазмуни Марказий банкнинг расмий веб-сайтида белгиланган тартибда эълон қилинади.

Баҳолаш устидан шикоятлар санация қилиш тўғрисидаги қарордан алоҳида тарзда кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Ушбу моддада назарда тутилган баҳолашдан ушбу Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ компенсация миқдорини аниқлаш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Ушбу моддага мувофиқ баҳолашни ўтказиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

19-модда. Баҳоловчини танлаш тартиби ва шартлари

Марказий банк банкни санация қилишга тайёргарлик кўриш доирасида ва санация қилиш тўғрисида ўз вақтида қарорлар қабул қилиш мақсадида дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхатини шакллантиради.

Дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхатига киритилган ташкилотлар Марказий банк билан ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назарда тутувчи шартнома тузади. Дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхати Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Баҳоловчиларни дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхатига киритиш очик ва шаффоф тарзда амалга оширилади.

Муайян банкни санация қилиш учун баҳолашдан ўтказиш мақсадида Марказий банк дастлабки танланган баҳоловчилар орасидан баҳоловчини танлаб олади. Марказий банк дастлабки танланган баҳоловчиларга танловда иштирок этиш тўғрисида хабарнома юборади.

Икки ёки ундан ортиқ баҳоловчи мавжуд бўлмаган тақдирда Марказий банк дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхатига киритилган битта баҳоловчига хабарнома юборади.

Агар икки ёки ундан ортиқ баҳоловчига хабарнома юборилган бўлса, баҳолаш бўйича эса фақат битта баҳоловчидан таклиф келиб тушса, ушбу баҳоловчи баҳолашни ўтказиш учун тайинланади.

Дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхатидаги баҳоловчилар баҳолашни ўтказишни рад этган ёки Марказий банк ушбу рўйхатдаги баҳоловчиларнинг ҳеч бири билан ушбу моддага мувофиқ келишувга эришмаган тақдирда, Марказий банк дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхатига киритилмаган, лекин тегишли талабларга жавоб берадиган бошқа баҳоловчини баҳолашни ўтказиш учун танлаб олиши мумкин.

Баҳоловчилар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

баҳоловчининг тажрибаси, билими ва кўникмалари;

баҳолашни ўтказиш учун таклиф этилаётган муддат;

баҳолашни ўтказиш ҳақи.

Баҳолашни ўтказиш учун Марказий банк танлаб олинган баҳоловчи билан баҳолаш ўтказиш тўғрисида шартнома имзолайди.

Баҳолаш ўтказиш тўғрисида шартномада кўрсатилган баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган барча тўловлар, агар банкнинг молиявий ҳолати имкон берса, мазкур банк ҳисобидан амалга оширилади. Акс ҳолда Марказий банк бундай харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

Баҳоловчиларни дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхатига киритиш тартиби, баҳоловчиларга қўйиладиган талаблар, шунингдек баҳоловчиларни баҳолаш қоидалари Марказий банк томонидан белгиланади.

3-§. Санация қилишнинг бошланиши

20-модда. Санация қилишни бошлаш учун асослар

Қуйида санаб ўтилган барча асосларнинг мавжудлиги банкни санация қилишни бошлаш учун асос деб ҳисобланади:

банкнинг тўловга қобилятсизлиги ёки банкнинг тўловга қобилятсизлиги юзага келиши эҳтимолининг юқорилиги;

банк, банклар гуруҳи, холдинг компанияси ва (ёки) банк акциядорлари томонидан қўрилган чораларнинг, шунингдек Марказий банк томонидан қўлланилган назорат чораларининг ушбу қисмнинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатни бартараф этишга қодир бўлмаганлиги ёхуд мазкур чоралар орқали олти ой ичида шундай натижани таъминлаш эҳтимолининг мавжуд эмаслиги;

банкнинг тизимли аҳамиятга молик эканлиги ёки тизимли аҳамиятга молик бўлмаган банкни мажбурий тугатиш орқали ушбу Қонун 8-моддасининг биринчи қисмида белгиланган бир ёки бир нечта мақсадларга эришиб бўлмаслиги сабабли ушбу Қонунга мувофиқ санация қилиш зарурлиги.

Қуйидаги ҳолатлардан бири юзага келганда банк тўловга қобилятсиз деб ҳисобланади:

банк ўз мижозларининг талабларини маблағлар етарли эмаслиги сабабли етти кун ичида қаноатлантиришга қодир бўлмаганда;

банкнинг мажбуриятлари унинг активларидан ортиб кетганда;

банк капитали монандлиги коэффицентлари ва (ёки) устав капиталининг миқдори қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан эллик ва ундан кўп фоизга камайганда;

банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ҳисоботларда тўғри акс эттирилиши ушбу қисмнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган асосларнинг юзага келишига олиб келадиган ҳоллар Марказий банк томонидан аниқланганда;

омонатчилар ва кредиторлар томонидан банкка ишониб топширилган пул маблағларининг бут сақланишига хавф солувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда.

Банкда ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган асосларнинг олти ой ичида юзага келишидан дарак берувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда мазкур банкнинг тўловга қобилятсизлиги юзага келиши эҳтимоли юқори деб ҳисобланади.

Санация қилиш тартиб-таомиллари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бобида назарда тутилган назорат чораларидан алоҳида тарзда қўлланилади ва мазкур чораларнинг қўлланилишига тўсқинлик қилмайди.

Банк кузатув кенгаши ва (ёки) бошқаруви ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда ёки мазкур ҳолатларнинг юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлганда Марказий банкни зудлик билан бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

Банкда ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар мавжудлиги, бироқ ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида белгиланган асос мавжуд эмаслиги аниқланган тақдирда, Марказий банк бошқаруви ушбу банкнинг банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясини (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) чақириб олиш ҳамда уни мажбурий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қуйидаги асосларнинг барчаси мавжуд бўлганда Марказий банк бошқаруви холдинг компаниясини санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

холдинг компаниясининг тўловга қобилятсизлиги ёки холдинг компаниясининг тўловга қобилятсизлиги юзага келиши эҳтимолининг юқорилиги;

холдинг компанияси, банклар гуруҳи ва (ёки) холдинг компанияси эгалари томонидан кўрилган чораларнинг ушбу қисмнинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатни бартараф этишга қодир эмаслиги ёки мазкур чоралар

орқали олти ой ичида шундай натижани таъминлаш эҳтимолининг мавжуд эмаслиги;

холдинг компанияси назорати остидаги банкни санация қилиш бошланганлиги;

санация қилишнинг бир ёки бир нечта мақсадига холдинг компаниясини мажбурий тугатиш орқали эришиб бўлмаслиги сабабли уни санация қилиш зарурлиги.

Холдинг компанияси қуйидаги ҳолатлардан бири юзага келганда тўловга қобилиятсиз деб ҳисобланади:

холдинг компаниясининг капитал монандлиги коэффициентлари ва (ёки) устав капитали миқдори консолидациялашган назорат асосида Марказий банк томонидан белгиланган энг кам миқдордан эллик ва ундан кўп фоизга камайганда;

холдинг компанияси бажарилиши лозим бўлган ўз мажбуриятларини маблағлар етишмовчилиги сабабли етти кун ичида бажаришга лаёқатсиз бўлганда;

банкнинг ёки холдинг компаниясининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ҳисоботларда тўғри акс эттирилиши ушбу қисмнинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган асосларнинг юзага келишига олиб келадиган ҳоллар Марказий банк томонидан аниқланганда.

Холдинг компаниясида ушбу модда саккизинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган асосларнинг олти ойдан ошмайдиган муддат ичида юзага келишидан дарак берувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда холдинг компаниясининг тўловга қобилиятсизлиги юзага келиши эҳтимоли юқори деб ҳисобланади.

Марказий банкнинг холдинг компаниясини санация қилиш тўғрисидаги қарори кучга кирган пайтдан эътиборан санация қилиш тугагунига қадар «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари мазкур холдинг компаниясига нисбатан қўлланилмайди.

Холдинг компанияси фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган ва Марказий банк ўртасидаги ҳамкорлик қилиш тартиби санация қилиш бошлангунига қадар Марказий банк томонидан белгиланади.

21-модда. Банкни санация қилишни бошлаш тўғрисидаги қарор ва унинг оқибатлари

Ушбу Қонуннинг 20-моддасида белгиланган санация қилиш учун асослар юзага келган тақдирда, Марказий банк бошқаруви банкни санация қилиш тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қилади:

санация қилиш учун асосларни;

ушбу Қонуннинг 18-моддасида белгиланган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг қисқача мазмунини;

санация қилишнинг аниқ бошланиш вақтини;

банкка нисбатан қўлланилиши режалаштирилаётган санация қилиш тартиб-таомилларини;

зарурат бўлганда Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишни.

Банкни санация қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин Марказий банк мазкур қарорда назарда тутилган санация қилиш тартиб-таомилларига ўзгартириш киритишга ҳақли.

Банкни санация қилиш тўғрисидаги қарор кучга кириши билан санация қилинаётган банк акциядорлари умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ва бошқарувининг ваколатлари Марказий банкка ўтади. Бунда Марказий банк санация қилинаётган банк кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини тугатишга, бошқаруви аъзоларини ишдан четлатишга ва (ёки) улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Санация қилинаётган банк кузатув кенгашининг ва (ёки) бошқарувининг вазифалари Марказий банк томонидан қуйидагилардан бирининг зиммасига юклатилади:

Марказий банк томонидан тайинланган махсус бошқарувчининг;

Марказий банк томонидан тайинланган банк кузатув кенгашининг ва бошқарувининг.

Санация қилинаётган банкнинг ишдан четлаштирилган бошқаруви аъзолари Марказий банкка, махсус бошқарувчига ҳамда Марказий банк томонидан тайинланган банк кузатув кенгаши ва бошқарувига санация қилиш мақсадларига эришиш учун зарур ёрдам кўрсатади.

Санация қилиш тўғрисидаги қарор кучга кириши билан Марказий банк, ўзи томонидан тайинланган банк кузатув кенгаши ва бошқаруви, махсус бошқарувчи банкнинг барча активларини, мол-мулкни, автоматлаштирилган ахборот тизимларини, бухгалтерия ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларини, шунингдек банкнинг барча ҳужжатларини чекловларсиз тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Санация қилинаётган банкнинг Марказий банк томонидан тайинланган кузатув кенгаши ва бошқаруви ёки махсус бошқарувчиси санация қилинаётган банк ходимлари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Санация қилинаётган банк билан меҳнат шартномаси бекор қилинган бошқарув аъзоларига ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди.

Санация қилиш тўғрисидаги қарор, шунингдек санация қилиш воситаларидан фойдаланилиши банкнинг контрагентларига мазкур банк билан тузилган амалдаги шартномавий мажбуриятларни бажаришни бир томонлама тўхтатиб туриш, шунингдек мазкур шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб этиш ёки уни бекор қилиш, мазкур шартнома бўйича банк ўз мажбуриятларини бажариб келаётган ҳолларда, гаров таъминотини реализация қилиш ёки шартномага мувофиқ олдиндан ҳисоб-китоб қилишни талаб этиш ҳуқуқларини бермайди.

Банкни санация қилиш тўғрисидаги қарор масъул шахслар томонидан тегишли реестрларга тезкорлик билан зарур ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Санация қилинаётган банкнинг акциядорларини ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилиш мақсадида Марказий банк ва ўзига нисбатан санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган банк санация қилиш тўғрисидаги қарор кучга кирган куннинг ўзида мазкур қарор ҳақида ўз расмий

веб-сайтларида ва ижтимоий тармоқлардаги ўз расмий саҳифаларида эълон қилади. Мазкур эълоннинг шакли ва мазмуни Марказий банк томонидан белгиланади.

22-модда. Махсус бошқарувчи

Марказий банк санация қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда ёки шундай қарор қабул қилинганидан кейин бир ёки бир неча жисмоний шахсларни санация қилинаётган банкнинг махсус бошқарувчиси ёки махсус бошқарувчилари (бундан буён матнда махсус бошқарувчи деб юритилади) сифатида тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Махсус бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги қарорда камида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

махсус бошқарувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

махсус бошқарувчи ваколатларининг бошланиш ва тугаш вақти;

махсус бошқарувчининг ваколатлари ва мажбуриятлари, шу жумладан фақат Марказий банк билан келишилган ҳолда амалга ошириладиган ваколатлари;

махсус бошқарувчининг ваколатлари муддати давомида банкка нисбатан қўлланиладиган чекловлар рўйхати, агар бундай чекловлар мавжуд бўлса;

махсус бошқарувчига нисбатан чекловлар, тавсиялар ва фармойишларнинг тавсифи, агар улар мавжуд бўлса;

махсус бошқарувчига ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалалар.

Марказий банк ҳар бир махсус бошқарувчи билан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларни акс эттирувчи алоҳида шартнома тузади.

Махсус бошқарувчи этиб тайинланадиган шахс санация қилинаётган банкка нисбатан манфаатлар тўқнашувидан холи бўлиши ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 36-моддасига мувофиқ банкнинг бошқарув органлари аъзоларига ва муҳим аҳамиятга эга ходимларига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Марказий банк ходими махсус бошқарувчи этиб тайинланиши мумкин эмас.

Агар санация қилинаётган банкнинг молиявий ҳолати имкон берса, махсус бошқарувчига тўланиши лозим бўлган барча маблағлар мазкур банк ҳисобидан қопланади. Акс ҳолда Марказий банк бундай харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

Махсус бошқарувчи тайинланганлиги тўғрисидаги ахборот ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шартнома тузилганидан кейин бир иш куни ичида Марказий банкнинг расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилинади.

Махсус бошқарувчи ўз фаолиятида ушбу Қонунга, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек Марказий банкнинг топшириқларига амал қилади.

Марказий банк махсус бошқарувчи билан тузилган меҳнат шартномасини қонунчиликка мувофиқ бекор қилиш ва ушбу модданинг талабларига асосан бошқа махсус бошқарувчини тайинлаш ҳуқуқига эга.

Махсус бошқарувчи тайинланган пайдан эътиборан унинг фаолияти муддати давомида махсус бошқарувчи ёки у томонидан тайинланган шахс билан келишилмаган ҳолда, банкнинг номидан ёки банкнинг топшириғига асосан амалга ошириладиган барча операциялар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

Махсус бошқарувчи фақат Марказий банкка ҳисобдор бўлиб, унинг вазифаларининг бажарилишини назорат қилиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Марказий банк махсус бошқарувчининг фаолияти устидан назорат қилиш бўйича қуйидаги ваколатларга эга:

махсус бошқарувчига унинг фаолияти даврида фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар бериш, шу жумладан асосий тадбирлар режасини таклиф қилиш;

махсус бошқарувчига бажарилиши шарт бўлган йўриқномалар бериш;

махсус бошқарувчидан унинг фаолияти ва банкнинг фаолияти тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни сўраб олиш;

махсус бошқарувчининг ваколатлари муддатини узайтириш ёки муддатидан олдин тугатиш.

Махсус бошқарувчи санация қилиш мақсадларига эришиш ҳамда Марказий банкнинг қарорларида, шунингдек буйруқлари ва кўрсатмаларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча чораларни кўради.

Махсус бошқарувчи санация қилиш мақсадларига эришиш ва санация қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча ҳоллар тўғрисида Марказий банкни дарҳол хабардор қилиши шарт.

Махсус бошқарувчи ҳар чоракда камида бир марта, шунингдек Марказий банкнинг сўровига кўра, Марказий банкка санация қилинаётган банкнинг молиявий ҳолати ҳамда махсус бошқарувчи томонидан ўз фаолияти давомида амалга оширилган ҳаракатлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиб боради.

Санация қилинаётган банкка махсус бошқарувчини тайинлаш тартиби ва махсус бошқарувчининг фаолияти билан боғлиқ қоидалар Марказий банк томонидан белгиланади.

4-§. Санация қилиш воситалари

23-модда. Санация қилиш воситаларининг турлари

Санация қилиш воситалари қуйидагилардан иборат:

активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш);

оралиқ банкни ташкил этиш;

ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш.

Марказий банк санация қилиш мақсадларига эришиш учун санация қилишнинг мақбул воситаларини банкнинг ва (ёки) молия тизимининг ҳолатини инобатга олган ҳолда танлайди.

Марказий банк санация қилиш воситаларини биргаликда ёки алоҳида-алоҳида қўллаши мумкин.

Агар Марказий банк санация қилинаётган банкнинг активлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қисман ўтказиш (сотиш) учун фақат ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган санация қилиш воситаларини қўлласа, Марказий банк қолдиқ активлар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган ушбу банкнинг лицензиясини чақириб олади ҳамда банкни ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Санация қилиш воситаларини қўллашда давлат органлари ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек санация қилинаётган банк акциядорлари ҳамда кредиторлари билан келишиш ёки уларнинг рухсатини олиш талаб этилмайди.

24-модда. Активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситаси тўғрисидаги умумий қоидалар

Активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситаси санация қилинаётган банкнинг акциялари, активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятлари олувчига ўтказилишини (сотилишини) назарда тутади.

Марказий банк бир ёки бир неча олувчига (бундан оралиқ банк мустасно) қуйидагиларни ўтказиш (сотиш) тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

санация қилинаётган банк томонидан чиқарилган янги акцияларни;

санация қилинаётган банк активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларининг барчасини ёки бир қисмини.

Акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни ўтказишда (сотишда):

санация қилинаётган банкнинг мажбуриятлари ушбу Қонуннинг 64-моддасида белгиланган кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбатида олувчига ўтказилади;

санация қилинаётган банкнинг активлари ва ҳуқуқлари, шунингдек Омонатларни кафолатлаш агентлигининг Омонатларни кафолатлаш жамғармаси (бундан буён матнда Кафолатлаш жамғармаси деб юритилади), санация қилиш жамғармаси ҳисобидан тақдим этилган маблағлар банкнинг бир турдаги кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, мазкур мажбуриятлар ушбу кредиторларнинг талаблари миқдорида мутаносиб равишда ўтказилади.

Молиявий барқарорликни таъминлаш ёки активлар қийматининг жуда паст даражага тушиб кетишининг олдини олиш мақсадида Марказий банк мажбуриятларнинг айрим турларини ушбу Қонуннинг 64-моддасида белгиланган бир турдаги кредиторлар доирасида танлаб олиб, ушбу модда учинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган қоидалардан четга чиққан ҳолда ўтказишга ҳақли. Бу ҳолда қоидалардан четга чиқиш сабаби Марказий банк томонидан асослаб берилиши ва тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиши керак.

Активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни ўтказишда (сотишда) қуйидагилар талаб этилмайди:

санация қилинаётган банк акциядорлари, омонатчилари ва кредиторларнинг, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг (хусусан, санация қилинаётган банкка гаров таъминоти ва кафолат тақдим этган шахсларнинг) розилигини олиш;

санация қилинаётган банк томонидан омонатчилар ва кредиторлар, шунингдек бошқа тарафлар (хусусан, санация қилинаётган банкка гаров таъминоти ва кафолат тақдим этган шахслар) билан тузилган шартномаларга шартномаларнинг янги тарафини кўрсатиш мақсадида ўзгартиришлар киритиш;

санация қилинаётган банкнинг омонатчилари билан олувчи банк томонидан янги банк ҳисобварағи шартномаларини тузиш.

Акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларнинг ўтказилиши (сотилиши) ўтказиш (олди-сотди) тўғрисидаги шартномага биноан амалга оширилади. Бунда ўтказиш тўғрисидаги шартномага ўтказилаётган (сотилаётган) акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган топшириш-қабул қилиш далолатномаси илова қилинади.

Олувчи акцияларни ўтказиш (сотиш) тўғрисидаги шартномани қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олувчи органга тегишли реестрга ўзгартириш киритиш учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан бирга тақдим этади.

Акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларнинг ўтказилиши (сотилиши) уларга бўлган мулк ҳуқуқининг олувчига ўтишига олиб келади. Бунда олувчи шартнома имзоланган пайтдан эътиборан мазкур ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий вориси бўлади.

Акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) тўғрисидаги шартнома имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради ва сотиш билан боғлиқ барча ҳуқуқий тартиб-таомилларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) тўғрисидаги шартнома тузилганидан кейин санация қилинаётган банкнинг акциядорлари ва кредиторлари ўтказилаётган (сотилаётган) акциялар ва (ёки) бошқа талаблар учун олувчидан бирор-бир компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятлар ўтказилганидан (сотилганидан) кейин олувчи билан келишувга кўра Марказий банк:

ўтказилган (сотилган) активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларнинг бир қисмини олувчидан санация қилинаётган банкка (шу жумладан мажбурий тугатиш жараёнида бўлган санация қилинаётган банкка) қайтариши. Бунда банк уларни қайтариб олишни рад этишга ҳақли эмас;

санация қилинаётган банкдан (шу жумладан мажбурий тугатиш жараёнида бўлган санация қилинаётган банкдан) қўшимча активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни олувчига ўтказиши (сотиши) мумкин.

Ушбу модданинг ўн биринчи қисмида назарда тутилган активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларнинг ўтказилиши (сотилиши) ушбу моддада белгиланган ўтказиш (сотиш) тартибига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши керак.

25-модда. Активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасини қўллаш

Марказий банк санация қилинаётган банкнинг ўтказилиши (сотилиши) режалаштирилган акцияларини, активларини, ҳуқуқларини ва (ёки) мажбуриятларини ўтказиш (сотиш) бўйича чоралар кўради. Активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятлар алоҳида-алоҳида ўтказилиши (сотилиши) мумкин. Активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасини қўллаш билан боғлиқ харажатлар, агар санация қилинаётган банкнинг молиявий ҳолати бунга имкон берса, мазкур банк томонидан қопланади. Акс ҳолда Марказий банк бундай харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

Акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) қўйидаги талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

ўтказиш (сотиш) жараёнининг шаффоф бўлиши;

ўтказиш (сотиш) жараёнининг манфаатлар тўқнашувидан холи бўлиши;

ўтказиш (сотиш) жараёнида потенциал олувчилар орасида устунликлар берилишига йўл қўйилмаслиги;

санация қилиш бўйича тезкор чоралар кўриш заруриятининг ҳисобга олиниши;

акциялар, активлар ва ҳуқуқларнинг юқори нархда ўтказилиши (сотилиши).

Марказий банк фақат битта потенциал олувчи мурожаат қилган тақдирда ҳам акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни ўтказишга (сотишга) ҳақли.

Марказий банк акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни қўйидаги ҳолларда потенциал олувчиларга тўғридан-тўғри, оммавий эълон бермасдан ўтказиши (сотиши) мумкин:

оммавий эълон бериш санация қилиш мақсадларига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлганда;

камида иккита потенциал олувчи жалб қилинганда.

Марказий банк санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) бўйича зарур тайёргарлик тадбирларини амалга оширишга ваколатлидир. Тайёргарлик тадбирлари санация қилинаётган банкнинг акциялари, активлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари маркетингини, потенциал олувчилар билан бевосита алоқа боғлашни, шунингдек активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасини самарали қўллаш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни ўз ичига олади.

Активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасининг қўлланилиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

26-модда. Активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасининг қўлланилиш шартлари

Санация қилинаётган банкнинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларини олувчи фақат банк бўлиши мумкин.

Санация қилинаётган банкда ҳал қилувчи эгаликни олувчи олди-сотди шартномаси тузилгунига қадар Марказий банкнинг банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномасини олиши керак.

Санация қилишда Марказий банк санация қилинаётган банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани беришнинг соддалаштирилган тартибини белгилаши мумкин.

Санация қилинаётган банкнинг акцияларини сотишни кечиктирмасдан амалга ошириш ва санация қилиш мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмаслик мақсадида, санация қилинаётган банк акцияларининг олди-сотди шартномаси банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома берилгунига қадар тузилиши мумкин. Бунда акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқи Марказий банкда сақланиб қолади. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш Марказий банк учун мажбурий бўлмайди ҳамда ундан фойдаланганлик ёки фойдаланмаганлик Марказий банк учун ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома олинганидан кейин акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқи олувчига ўтади.

Марказий банк банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани беришни рад этган тақдирда, акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқи Марказий банк ихтиёрида қолади ҳамда Марказий банк олувчидан уч ой ичида акцияларни бошқа шахсга сотишни талаб қилади.

Агар акциялар уч ой ичида бошқа шахсга сотилмаса, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган олди-сотди шартномаси бекор қилинади ва Марказий банк санация қилинаётган банкка нисбатан санация қилишнинг муайян тартиб-таомилларини амалга ошириш ёки ушбу банкни мажбурий тугатиш ёхуд «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа чораларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасини қўллаш доирасида амалга ошириладиган ўтказишга (сотишга) нисбатан ушбу бобнинг 7-параграфида назарда тутилган кафолатлар қўлланилади.

Санация қилинаётган банк иштирокчи бўлган тўлов тизимлари ва ушбу банк аъзо бўлган фонд биржалари ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган олувчига, агар олувчи мазкур тўлов тизимлари ва фонд биржалари томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, санация қилинаётган банк билан тузилган шартнома бўйича барча ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятини бериши керак.

Агар олувчи ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган тўлов тизимлари ва фонд биржалари томонидан белгиланган иштирок этиш ёки аъзолик талабларига мувофиқ бўлмаса, Марказий банк олувчига тўлов тизимларига ёки фонд биржаларига олти ойдан кўп бўлмаган муддат давомида уланиш учун рухсат бериши мумкин.

27-модда. Оралиқ банк

Оралиқ банк санация қилинаётган банкнинг ўта муҳим вазифаларини сақлаб қолиш мақсадида мазкур банк активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларининг барчасини ёки бир қисмини ўтказиш учун ташкил этилади. Кейинчалик оралиқ банк ва (ёки) унинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятлари сотилади.

Марказий банк бир ёки бир нечта санация қилинаётган банк активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларининг барчасини ёки бир қисмини ўтказиш учун бир ёки бир нечта оралиқ банкни ташкил этиши мумкин.

Оралиқ банкка санация қилинаётган банкнинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларини ўтказишда қуйидаги қоидалар қўлланилади:

санация қилинаётган банкнинг мажбуриятлари оралиқ банкка ушбу Қонуннинг 64-моддасида белгиланган кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбатига риоя этилган ҳолда ўтказилади;

санация қилинаётган банкнинг активлари ва ҳуқуқлари, шунингдек Кафолатлаш жамғармаси, санация қилиш жамғармаси ҳисобидан тақдим этилган маблағлар банкнинг бир турдаги кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, ушбу мажбуриятлар мазкур кредиторларнинг талаблари миқдорига мутаносиб равишда ўтказилади;

молиявий барқарорликни таъминлаш ёки активлар қийматининг жуда паст даражага тушиб кетишининг олдини олиш мақсадида, Марказий банк ушбу қисмнинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган қоидалардан четга чиққан ҳолда мажбуриятларнинг муайян турларини танлов асосида ўтказишга ҳақли. Бунда қоидалардан четга чиқиш сабаби Марказий банк томонидан асослаб берилиши ва тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиши керак.

Оралиқ банкка ўтказилган мажбуриятларнинг умумий қиймати санация қилинаётган банкнинг мазкур оралиқ банкка ўтказилган активлари ва ҳуқуқларининг баҳолаш натижасида шакллантирилган умумий қийматидан ёки бошқа манбалардан ўтказилган маблағлардан ошиб кетиши мумкин эмас.

Марказий банк оралиқ банкка санация қилинаётган банкнинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларини ўтказганидан кейин қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

санация қилинаётган банкнинг (шу жумладан мажбурий тугатиш жараёнида бўлган санация қилинаётган банкнинг) қўшимча активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларини оралиқ банкка ўтказиш;

ўтказилган активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларнинг бир қисмини ушбу модданинг олтинчи қисмига мувофиқ оралиқ банкдан санация қилинаётган банкка (шу жумладан мажбурий тугатиш жараёнида бўлган санация қилинаётган банкка) қайтариш.

Оралиқ банкдан санация қилинаётган банкка активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларнинг бир қисмини қайтаришга қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганда йўл қўйилади:

активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятларни қайтариш улар оралиқ банкка ўтказилган кундан эътиборан 90 кун ичида амалга оширилиши;

қайтарилаётган мажбуриятларнинг ушбу Қонун 33-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган мажбуриятлар эмаслиги;

қайтаришнинг санация қилиш мақсадларига эришиш ва (ёки) омонатчилар ва кредиторларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатланиши принципига риоя этилишини таъминлаш учун зарурлиги.

Оралиқ банкка санация қилинаётган банкнинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятлари ўтказилаётганда ҳамда ўтказилган активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятлар санация қилинаётган банкка қайтарилаётганда қуйидагилар талаб этилмайди:

санация қилинаётган банк акциядорлари, омонатчилари ва кредиторларнинг, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг (хусусан, санация қилинаётган банкка гаров таъминоти ва кафолат тақдим этган шахсларнинг) розилигини олиш;

санация қилинаётган банк томонидан омонатчилар, кредиторлар, шунингдек бошқа тарафлар (хусусан, санация қилинаётган банкка гаров таъминоти ва кафолат тақдим этган шахслар) билан тузилган шартномаларга шартномаларнинг янги тарафини кўрсатиш мақсадида ўзгартиришлар киритиш;

санация қилинаётган банкнинг омонатчилари билан оралиқ банк томонидан янги банк ҳисобварағи шартномаларини тузиш.

Санация қилинаётган банкнинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларини оралиқ банкка ўтказиш тўғрисидаги шартнома имзоланган пайдан эътиборан активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятлар ўтказилган деб ҳисобланади ва ўтказиш билан боғлиқ барча ҳуқуқий тартиб-таомиллар учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда оралиқ банк барча ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий вориси бўлади.

Санация қилинаётган банк ва оралиқ банк ўртасида амалга оширилган ўтказишга нисбатан ушбу бобнинг 7-параграфида назарда тутилган кафолат чоралари қўлланилади.

Санация қилинаётган банк иштирокчи бўлган тўлов тизимлари ва ушбу банк аъзо бўлган фонд биржалари оралиқ банкка, башарти мазкур оралиқ банк тўлов тизимлари ва фонд биржалари томонидан қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлса, санация қилинаётган банк билан тузилган шартнома бўйича барча ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятини таъминлаши керак.

Агар оралиқ банк тўлов тизимлари ва фонд биржалари томонидан белгиланган иштирок этиш ёки аъзолик талабларига мувофиқ бўлмаса, Марказий банк оралиқ банкка унинг фаолияти давомида ушбу тўлов тизимларида иштирок этишга ва фонд биржаларига аъзо бўлишга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Марказий банк бошқарувининг қарори билан:

оралиқ банкнинг барча акциялари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ оралиқ банкнинг фаолият юритиши кафолатланса, учинчи шахсларга сотилиши мумкин. Бунда учинчи шахслар томонидан оралиқ банкнинг акцияларини сотиб олиш «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда ва

шартлар асосида амалга оширилади. Оралик банкнинг акциялари учинчи шахслар томонидан сотиб олинган пайтдан эътиборан оралик банк ўз оралик банк мақомини йўқотади ва ўз фаолиятини «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширади;

оралик банкнинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятлари бошқа банкка ўтказилиши (сотилиши) мумкин.

Марказий банк оралик банкнинг сотилиши ёки унинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятлари ўтказилиши (сотилиши) учун масъулдир.

Санация қилинаётган банкнинг кредиторлари оралик банкдан ёки ушбу модданинг ўн иккинчи қисмида назарда тутилган оралик банк акцияларини сотиб олувчидан ўтказилган талаблари бўйича компенсация талаб қилишга ҳақли эмас.

28-модда. Оралик банк ташкил этилишининг ва фаолият юртишининг ўзига хос хусусиятлари

Оралик банкни ташкил этиш ушбу моддада белгиланган қоидалар инobatга олинган ҳолда, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган банк фаолиятига рухсат бериш шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Оралик банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилиши мумкин:

ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситасини қўллаган ҳолда оралик банкка ўтказилган мажбуриятларни мазкур оралик банкнинг акцияларига конвертация қилиш;

ушбу Қонуннинг 37-моддаси талабларини ҳисобга олган ҳолда Давлат бюджети маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Марказий банк оралик банк устав капиталининг энг кам миқдорини «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланганидан кам миқдорда белгилаш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатлидир.

Оралик банкни лицензиялаш тартиб-таомили бир босқичдан иборат бўлиб, оралик банкни давлат рўйхатига олиш лицензия бериш билан бир вақтда амалга оширилади.

Оралик банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензиялаш банкнинг уставига, банк кузатув кенгашининг ва бошқарувининг аъзолари тўғрисидаги маълумотларга, шунингдек банкнинг бизнес-режаси ҳақидаги маълумотларга асосан амалга оширилади. Бунда Марказий банк қонунчиликка мувофиқ банкни лицензиялаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли.

Марказий банк «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари тўлиқ бажарилмаган ҳолларда ҳам оралик банкка лицензия бериши мумкин. Бундай ҳолларда, лицензия бериш тўғрисидаги қарорда оралик банкнинг зиммасига «Банклар ва банк фаолияти

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини олти ойдан ошмайдиган муддат ичида бажариш мажбурияти юклатилади.

Оралиқ банкни давлат рўйхатига олишда ва лицензиялашда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасида, 17-моддасининг учинчи қисмида, 20-моддасида, шунингдек оралиқ банкнинг акциядорлари билан боғлиқ муносабатларга нисбатан 22-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилмайди.

Оралиқ банкка лицензия бериш тўғрисидаги қарор Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Лицензия берилганидан кейин оралиқ банк «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ омонатларни кафолатлаш тизими иштирокчисига айланади.

Оралиқ банк акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатлари Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Оралиқ банк устав капиталининг асосий қисми давлат маблағлари ҳисобидан шакллантирилган ёки оралиқ банк акциялари бўйича овоз бериш ҳуқуқининг асосий қисми давлатга тегишли бўлган ҳолларда, Марказий банк оралиқ банкнинг уставини тасдиқлаш, кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш ҳамда оралиқ банкни сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилишни қонунчиликка мувофиқ давлат акциялари пакетлари бўйича акциядорлар ҳуқуқларини амалга оширишга ваколатли бўлган давлат органи билан олдиндан келишиб олади.

29-модда. Оралиқ банк фаолиятини тугатиш

Оралиқ банкнинг фаолияти унга лицензия берилган пайдан эътиборан ўн икки ойдан ошмаслиги керак. Мазкур муддат қуйидаги ҳолларда Марказий банк томонидан кўпи билан ўн икки ойга узайтирилиши мумкин:

агар муддатнинг узайтирилиши санация қилиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлса;

агар узайтирилган муддат давомида оралиқ банкнинг акциялари ёки унинг активлари, ҳуқуқлари ва (ёки) мажбуриятларининг барчаси ёхуд бир қисми сотилиши мумкинлиги ҳақида асосли хулоса мавжуд бўлса.

Оралиқ банкнинг фаолияти қуйидаги ҳолатларнинг бирида тугатилган деб ҳисобланади:

оралиқ банкнинг барча акциялари учинчи шахсларга сотилганда;

оралиқ банкнинг барча активлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари учинчи шахсларга ўтказилганда;

оралиқ банкнинг активлари тўлиқ қопланганда ва мажбуриятлари тўлиқ бажарилганда;

ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддат тугаганда;

оралиқ банкнинг лицензияси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 77-моддасида назарда тутилган асосларга кўра қақриб олинганда.

Марказий банк ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, агар оралиқ

банкнинг акцияларини ёки активларини, ҳуқуқларини ва мажбуриятларини ўтказишни (сотишни) амалга ошириш истикболлари мавжуд эмас деб ҳисобласа, оралиқ банкнинг лицензиясини чақириб олади ҳамда уни мажбурий тугатиш жараёнига ўтказди.

Оралиқ банк фаолиятини ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган асосларга кўра тугатиш натижасида келиб тушган маблағлар оралиқ банк акциядорларининг ҳисобига ўтказилади.

Оралиқ банкни ташкил этиш, унинг фаолиятини амалга ошириш ва уни тугатиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

30-модда. Капитал воситаларини ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш

Марказий банк қуйидагиларни қоплаш учун ҳисобдан чиқарилиши ва (ёки) конвертация қилиниши лозим бўлган капитал воситаларининг умумий суммасини белгилайди:

ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ўтказилган баҳолаш асосида аниқланган зарарлар суммасини;

санация қилинаётган банк капитали монандлиги коэффицентлари ҳамда устав капитали миқдорининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш, шунингдек бозор иштирокчиларининг санация қилинаётган банкка бўлган ишончини сақлаб туриш учун зарур бўлган капитал миқдорини;

ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаси қўлланилганидан кейин оралиқ банкка бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида фаолиятни амалга ошириши учун зарур бўлган капитал миқдорини.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ва санация қилинаётган банк капитали монандлиги коэффицентлари ҳамда устав капитали миқдорининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш мақсадида капитал воситалари қуйидаги кетма-кетликда ҳисобдан чиқарилади ва (ёки) акцияларга конвертация қилинади:

биринчи даражали асосий капитал воситаларининг баланс қиймати;

биринчи даражали қўшимча капитал воситаларининг баланс қиймати;

иккинчи даражали капитал воситаларининг баланс қиймати.

Ҳар қайси кейинги навбатдаги ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш олдинги навбатдаги капитал воситалари тўлиқ ҳисобдан чиқарилганидан ва (ёки) конвертация қилинганидан кейин амалга оширилади.

Санация қилинаётган банкнинг капитал воситаларини ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш ваколатларини амалга оширишда Марказий банк ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган суммани ушбу капитал воситаларининг қийматига мутаносиб равишда тақсимлайди.

Капитал воситалари қуйидаги шартларнинг барчасига тўлиқ риоя этилган тақдирда акцияларга конвертация қилинади:

агар капитал воситаларининг эгалари конвертацияни амалга ошириш натижасида санация қилинаётган банкда ёки оралиқ банкда ҳал қилувчи

эгалликни қўлга киритса, мазкур шахслар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши керак;

конвертация амалга оширилганидан кейин чиқарилган оддий акциялар ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ баҳолаш ўтказилганидан кейин бир ҳафта ичида берилади;

капиталнинг ҳар бир тегишли воситаси учун бериладиган акциялар сонини белгилловчи конвертация коэффициенти ушбу Қонуннинг 32-моддаси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Ушбу моддага мувофиқ ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаси қўлланилгунига қадар капитал воситасининг баланс қиймати қисман ҳисобдан чиқарилган тақдирда, Марказий банк капитал воситасининг қолдиқ баланс қийматига нисбатан ҳисобдан чиқаришни ва (ёки) конвертация қилишни амалга оширади.

31-модда. Мажбуриятларни ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш

Ушбу Қонуннинг 33 ва 34-моддаларида назарда тутилган мажбуриятлар (бундан буён матнда мақбул мажбуриятлар деб юритилади) санация қилинаётган банкнинг капитал воситаси таркибига киритилган мажбуриятларни ўз ичига олмайди. Мажбуриятларни ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш:

санация қилинаётган банкнинг ушбу Қонуннинг 33-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари қийматини қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқаришни;

санация қилинаётган банкнинг ушбу Қонуннинг 33-моддасида кўрсатилган мажбуриятларини мазкур санация қилинаётган банкнинг ёки оралиқ банкнинг акцияларига қисман ёки тўлиқ конвертация қилишни назарда тутилади.

Марказий банк ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ санация қилинаётган банкнинг капитал воситаларини ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш бўйича ваколатини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятлар ҳисобдан чиқарилгунига ва (ёки) конвертация қилингунига қадар амалга оширади.

Санация қилинаётган банкнинг капитал воситалари ҳисобдан чиқарилганидан ва (ёки) конвертация қилинганидан кейин Марказий банк ҳисобдан чиқарилиши ва (ёки) конвертация қилиниши лозим бўлган мажбуриятларнинг умумий суммасини қуйидагиларнинг ўрнини коплаш учун аниқлайди:

ушбу Қонуннинг 18-моддасида белгиланган баҳолаш асосида аниқланган зарарлар суммасини;

санация қилинаётган банк капитали монандлиги коэффициентлари ҳамда устав капитали миқдорининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш, шунингдек бозор иштирокчиларининг санация қилинаётган банкка бўлган ишончини сақлаб туриш учун зарур бўлган капитал миқдорини;

ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаси қўлланилганидан кейин оралиқ банк (оралиқ банк ташкил этилган тақдирда) бир йилдан

кам бўлмаган муддат давомида фаолиятни амалга ошириши учун зарур бўлган капитал миқдорини.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ва санация қилинаётган банк капитали монандлиги коэффициентлари ҳамда устав капитали миқдорининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш мақсадида мақбул мажбуриятлар қуйидаги кетма-кетликда ҳисобдан чиқарилади ва (ёки) оддий акцияларга конвертация қилинади:

капитал воситаси бўлмаган субординар қарзнинг баланс қиймати;
банкка алоқадор шахслар олдидаги мажбуриятларнинг баланс қиймати;
бошқа мақбул мажбуриятларнинг баланс қиймати.

Ҳар қайси кейинги навбатдаги ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш олдинги навбатдаги мажбуриятлар тўлиқ ҳисобдан чиқарилганидан ва (ёки) конвертация қилинганидан кейин амалга оширилади.

Банкнинг регулятив капиталини ҳисоб-китоб қилишда инobatга олинadиган субординар қарзларга қўйилadиган талаблар Марказий банк томонидан белгиланади.

Санация қилинаётган банкнинг мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш ваколатларини амалга оширишда Марказий банк ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган суммани ушбу мажбуриятларнинг қийматига мутаносиб равишда тақсимлайди.

Агар санация қилинаётган банкнинг ёки оралиқ банкнинг мақбул мажбуриятларини уларнинг акцияларига конвертация қилиш натижасида санация қилинаётган банкнинг ёки оралиқ банкнинг кредиторлари ҳал қилувчи эгалликни қўлга киритса, ушбу шахслар «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши керак.

Санация қилинаётган банкнинг ёки оралиқ банкнинг капитал воситаларини ва (ёки) мақбул мажбуриятларини ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш ваколатларини амалга ошириш мақсадида Марказий банк ваколатли органлар ва ташкилотлардан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

барча тегишли реестрлардаги ёзувларга ўзгартиришлар киритилишини;

қимматли қоғозлар бозорида савдоларнинг вақтинча тўхтатиб турилишини, акциялар ва қарз воситаларининг савдолардан ёки котировкалаш варағидан чиқарилишини;

қимматли қоғозлар бозоридаги янги акцияларнинг котировкалаш варағига киритилишини;

қимматли қоғозлар бозоридаги қарз воситаларининг пасайтирилган қиймат бўйича котировкалаш варағига такроран киритилишини.

Ушбу модданинг тўққизинчи қисмида кўрсатилган талаблар Марказий банк томонидан ўзига юборилган ваколатли органлар ва ташкилотлар мазкур талабларни ўз вақтида бажариши шарт.

Санация қилинаётган банкнинг мажбуриятларини акцияларга конвертация қилишда мавжуд акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқлари инobatга олинмайди.

Санация қилишда қимматли қоғозларни эмиссия қилиш, сотиш, сотиб олиш ҳамда бекор қилишда санация қилинаётган банк тўғрисидаги маълумотлар ва тегишли ҳужжатлар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига вақтинча тақдим этилмаслиги ва рўйхатдан ўтказилмаслиги, шунингдек қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласи эълон қилинмаслиги мумкин.

32-модда. Капитал воситаларини ва (ёки) мақбул мажбуриятларни улушли воситаларга конвертация қилиш коэффициенти

Марказий банк санация қилиш мақсадларига эришишни таъминлаш ва санация қилиш принципларига риоя этиш шарти билан бир навбатда ҳисобдан чиқариладиган ва (ёки) конвертация қилинадиган капитал воситалари ва (ёки) мажбуриятлар учун ягона конвертация қилиш коэффициентини қўллайд.

Марказий банк санация қилиш мақсадларига эришиш учун турли навбатда ҳисобдан чиқариладиган ва (ёки) конвертация қилинадиган капитал воситалари ҳамда мажбуриятлар учун турли конвертация қилиш коэффициентини қўйидаги талабларнинг барчасига риоя этган тақдирда қўллаши мумкин:

ҳар бир турдаги акциядорлар ва кредиторлар учун конвертация қилиш коэффициентлари алоҳида белгиланиши ҳамда ҳар бир акциядор ва кредитор олиши кутилаётган сумманинг, банк санация қилинган санада мазкур банк тугатилган тақдирда, ҳар бир акциядор ёки кредитор олиши мумкин бўлган суммага тенг ёки ундан ортиқ бўлиши;

зарарларнинг ўрни санация қилинаётган банк акциядорлари томонидан биринчи навбатда қопланиши;

агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, санация қилинаётган банк кредиторлари томонидан зарарларнинг ўрни акциядорлардан кейин ва банкни мажбурий тугатиш тартиб-таомили доирасида талабларни қаноатлантириш навбатида мувофиқ қопланиши;

бир турдаги кредиторларга нисбатан бир хил тартибда ёндашув қўлланилиши.

33-модда. Ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш учун мақбул бўлган мажбуриятлар

Ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаси санация қилинаётган банкнинг барча мажбуриятларига нисбатан қўлланилиши мумкин, бундан банкнинг ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган мажбуриятлари мустасно.

Ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаси қўйидаги мажбуриятларга нисбатан татбиқ этилмайди:

кафолатланган омонатларга ва уларнинг кафолатлаш чегарасидан ошадиган қисмига;

таъминланган мажбуриятларга таъминот билан тўлиқ қопланган ҳажмда;

мижозларнинг активларини ишончли бошқариш ҳамда инвестиция ва пенсия жамғармаларига депозитар хизматлар кўрсатиш натижасида юзага келадиган мажбуриятларга;

бошқа маҳаллий ва чет эл банклари олдидаги дастлабки бажарилиш муддати етти кунгача бўлган мажбуриятларга, бундан банк тегишли бўлган банклар гуруҳи иштирокчилари олдидаги мажбуриятлар мустасно;

банкнинг тўлов, клиринг ва ҳисоб-китоб тизимларида иштирок этиши билан боғлиқ бўлган, мазкур тизимлар ҳамда уларнинг иштирокчилари олдидаги бажарилиш муддати етти кунгача бўлган мажбуриятларига;

санация қилинаётган банкнинг ўз ходимларига иш ҳақи, пенсия ва бошқа қатъий белгиланган тўловларни тўлаш мажбуриятларига, бундан мукофотлар мустасно;

банкнинг ҳар кунги фаолияти учун зарур бўлган товарлар олди-сотдисига ёки банкка хизматлар кўрсатишга доир шартномалардан келиб чиқадиган кредиторлар олдидаги мажбуриятларига;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича давлат олдидаги мажбуриятларга;

Омонатларни кафолатлаш агентлиги олдидаги мажбуриятларга.

34-модда. Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришни ва (ёки) конвертация қилишни истисно этиш

Марказий банк қуйидаги шартлардан бири мавжуд бўлганда муайян мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман ҳисобдан чиқаришни ва (ёки) конвертация қилишни истисно этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, бундан ушбу Қонун 31-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган мажбуриятлар мустасно:

мажбуриятни қисқа муддат ичида ҳисобдан чиқаришнинг ёки акцияларга конвертация қилишнинг имконсизлиги;

истисно этишнинг санация қилинаётган банкнинг ёки оралиқ банкнинг ўта муҳим вазифалари ва фаолият йўналишларини сақлаб қолиш учун зарурлиги;

истисно этишнинг санация қилинаётган банкнинг, оралиқ банкнинг ва (ёки) молия тизимининг барқарорлигига салбий таъсирларнинг олдини олиш учун зарурлиги.

Ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситасини қўллаш, шу жумладан капитал воситаларининг ва мажбуриятларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва (ёки) конвертация қилиниши лозим бўлган суммасини аниқлаш, ушбу моддага мувофиқ истисно этиладиган мажбуриятларни аниқлаш шартлари ва тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

35-модда. Санация қилинаётган банк фаолиятини қайта ташкил этиш режаси

Агар ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситасидан санация қилинаётган банк капитали монандлиги коэффицентларининг ҳамда устав капитали миқдорининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун-

чиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш, шунингдек бозор иштирокчиларининг санация қилинаётган банкка бўлган ишончини сақлаб туриш мақсадида фойдаланилса, санация қилинаётган банк ёки махсус бошқарувчи ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаси қўлланилган кундан эътиборан бир ой ичида ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ санация қилинаётган банк фаолиятини қайта ташкил этиш режасини (бундан буён матнда қайта ташкил этиш режаси деб юритилади) ишлаб чиқиши керак. Зарурат бўлганда Марказий банк қайта ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш муддатини кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин.

Қайта ташкил этиш режаси молия бозоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда ишончли ҳисоб-китобларга асосланган бўлиши ҳамда камида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

банкни санация қилиш учун асос бўлган омиллар, муаммолар ва ҳолатларнинг таҳлилини;

банкнинг узоқ муддат фаолият юритишини тиклаш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни, шунингдек ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш муддатларини.

Қайта ташкил этиш режаси Марказий банк томонидан тасдиқланади. Санация қилинаётган банк қайта ташкил этиш режаси тасдиқланганидан кейин мазкур режани амалга оширишга киришади ва амалга ошириш жараёнининг бориши тўғрисида Марказий банкка ҳар чоракда камида бир марта ёки унинг сўровига кўра ҳисобот тақдим этиб боради.

Агар тасдиқланган қайта ташкил этиш режасини амалга ошириш жараёнида Марказий банк уни ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида белгиланган мақсадларга эришиш учун қайта кўриб чиқишни талаб қилса, санация қилинаётган банк мазкур талабни бажариши керак.

Қайта ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, шунингдек уни баҳолаш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

5-§. Санация қилишни молиялаштириш механизмлари

36-модда. Санация қилишда Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш

Санация қилишда Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилиши мумкин:

активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) ёки оралиқ банкни ташкил этиш воситасини қўллаш доирасида ўтказиладиган активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқни қоплаш;

активлар ва (ёки) мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасини қўллашда ёки оралиқ банкни ташкил этишда, шунингдек оралиқ банкнинг Марказий банк томонидан тақдим этиладиган ликвидлиликни олишида санация қилинаётган банкнинг ёки оралиқ банкнинг активлари ва (ёки) мажбуриятлари бўйича кафолатлар тақдим этиш;

кредиторлар ва акциядорларга ушбу Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ компенсация тўлаш.

Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан санация қилинаётган банкни ёки оралиқ банкни қайта капиталлаштириш мақсадида (шу жумладан мазкур банкларнинг бирор-бир капитал воситасини сотиб олиш орқали) фойдаланиш тақиқланади.

Агар активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) ва (ёки) оралиқ банкни ташкил этиш воситаларидан фойдаланиш санация қилинаётган банкнинг акциялари ўтказилишини назарда тутса, санация қилишда Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан ушбу Қонуннинг 30 ва 31-моддаларига мувофиқ ҳисобдан чиқариш ва конвертация қилиш ваколатлари амалга оширилганидан кейин фойдаланилиши мумкин.

Агар активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) ва (ёки) оралиқ банкни ташкил этиш воситаларини қўллаш санация қилинаётган банкнинг активлари ва мажбуриятларини ўтказиш (сотиш)ни назарда тутса, санация қилишда Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан фақат, агар иккинчи даражали капитал воситалари ва санация қилинаётган банкка алоқадор шахслар олдидаги мажбуриятлар ўтказилмаса, фойдаланилиши мумкин.

Санация қилишда (шу жумладан кафолат тақдим этиш учун) Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан қуйидаги чегаралардан ошмаган миқдорда фойдаланилиши мумкин:

санация қилинаётган банкдаги кафолатланган омонатлар суммасидан;

Омонатларни кафолатлаш агентлигининг ушбу модданинг еттинчи қисмида кўрсатилган қарори қабул қилинган санада Кафолатлаш жамғармасида мавжуд бўлган маблағлар умумий суммасининг 40 фоизидан.

Санация қилишда Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги қарор Марказий банк томонидан қабул қилиниб, унда қуйидагилар белгиланади:

санация қилишда Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш зарурияти;

Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш миқдори, муддатлари ва тартиби;

Марказий банк томонидан зарур деб топилган бошқа масалалар.

Санация қилишда Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор Марказий банк сўрови асосида Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан қабул қилинади.

37-модда. Санация қилишда Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш

Агар санация қилиш тўғрисидаги қарорда Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш ва (ёки) санация қилиш жамғармасининг мажбуриятлари юзасидан кафолат тақдим этиш назарда тутилса, Марказий банк мазкур масалани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишади. Бунда Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ва ажратилган маблағларни Давлат бюджетига қайтариш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади.

Санация қилишда Давлат бюджети маблағларидан ҳисобдан чиқариш

ва (ёки) конвертация қилиш воситаси қўлланилганидан, шунингдек ушбу Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ Кафолатлаш жамғармаси маблағларидан фойдаланилганидан кейин фойдаланилади. Бунда Давлат бюджети маблағлари санация қилиш жамғармаси орқали ажратилади.

38-модда. Санация қилишда тақдим этилган пул маблағларининг ва қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаш

Санация қилишда тақдим этилган пул маблағларининг ва қилинган харажатларнинг ўрни қуйидаги кетма-кетликда қопланади:

ушбу Қонун 19-моддасининг ўнинчи қисмига, 22-моддасининг бешинчи қисмига ва 25-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ Марказий банк томонидан қилинган харажатлар;

Давлат бюджети ҳисобидан, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобидан санация қилиш жамғармасига тақдим этилган маблағлар;

Кафолатлаш жамғармаси ҳисобидан тақдим этилган маблағлар.

Санация қилишда қилинган бошқа харажатларнинг ўрни ушбу Қонуннинг 64-моддасига мувофиқ қопланади.

Банкка нисбатан ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъво Марказий банк томонидан, ушбу модда биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган маблағларни ундириш тўғрисидаги даъво эса Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан тақдим этилади.

39-модда. Санация қилиш жамғармаси

Санация қилишни молиялаштириш мақсадида Марказий банкнинг ҳамда Омонатларни кафолатлаш агентлигининг қўшма қарори асосида санация қилиш жамғармаси ташкил этилади.

Санация қилиш жамғармасининг маблағларидан ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаси қўлланилганидан, шунингдек Кафолатлаш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилганидан кейин фойдаланилади.

Санация қилиш жамғармаси томонидан амалга ошириладиган молиялаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

санация қилинаётган банкка ёки оралиқ банкка қарз беришни ёхуд оралиқ банк устав капиталига маблағ киритишни;

санация қилинаётган банкнинг ёки оралиқ банкнинг мажбуриятлари бўйича кафолат тақдим этишни;

активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасини қўллаш доирасида олувчига кафолат тақдим этишни;

ушбу Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ компенсация тўлашни;

активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) ёки оралиқ банкни ташкил этиш воситасини қўллаш доирасида олувчига ўтказилаётган активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги фарқни қоплашни.

Санация қилиш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджетидан тақдим этиладиган маблағлар;

маҳаллий, халқаро ёки хорижий донорларнинг грантлари ва хайрия бадаллари;

жалб қилинган қарзлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ушбу Қонун 37-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ ваколатли орган санация қилиш жамғармаси мажбуриятлари бўйича кафолат тақдим этиши мумкин.

Марказий банкка санация қилиш жамғармасини молиялаштириш тақиқланади.

Санация қилиш жамғармаси маблағларидан ушбу Қонун талабларига мувофиқ фойдаланилганидан кейин Омонатларни кафолатлаш агентлиги Марказий банк билан келишилган ҳолда, лицензияга эга бўлган барча банклар учун ушбу моддага мувофиқ санация қилиш жамғармасини молиялаштириш мақсадида вақтинчалик хусусиятга эга бўлган мажбурий бадаллар белгилаш ваколатига эга.

Мажбурий бадалларнинг умумий миқдори санация қилиш жамғармаси томонидан жалб қилинган маблағлар (қарзлар) бўйича мажбуриятлар доирасида белгиланиши ва банклар ўртасида уларнинг депозит базасига мутаносиб равишда тақсимланиши керак.

Муайян календарь йил учун банклар томонидан тўланадиган мажбурий бадаллар миқдори банкнинг «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган депозит базасининг 0,5 фоизидан ошмаслиги керак.

Санация қилиш жамғармаси Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан унинг асосий фаолиятдан алоҳида тарзда бошқарилади. Санация қилишни ташкил этиш мақсадида Марказий банкда санация қилиш жамғармаси учун алоҳида ҳисобварақ очилади.

Марказий банк санация қилиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилади.

Омонатларни кафолатлаш агентлиги санация қилиш жамғармасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Санация қилиш жамғармасининг маблағларига банд солиниши, ундирувнинг ушбу маблағларга қаратилиши ёки уларнинг санация қилиш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлар бўйича ушлаб қолиниши мумкин эмас.

Омонатларни кафолатлаш агентлиги санация қилиш жамғармасининг молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўз бухгалтерия ҳисобидан алоҳида тарзда тайёрлайди, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг мустақил аудитдан ўтказилишини таъминлайди.

Санация қилиш жамғармасини бошқариш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

**6-§. Санация қилиш бўйича ваколатлар ва уларни
амалга ошириш**

**40-модда. Марказий банкнинг санация қилиш бўйича ваколат-
лари**

Марказий банк банкни санация қилиш бўйича қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

санация қилинаётган банкни ўз бошқарувига олиш;

санация қилиш устидан назорат ўрнатиш;

санация қилинаётган банкнинг активлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини дастлабки баҳолашдан ўтказиш, шунингдек мустақил баҳоловчини тайинлаш;

санация қилинаётган банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзоларини, муҳим аҳамиятга эга ходимларини, шунингдек махсус бошқарувчисини тайинлаш ва махсус бошқарувчига бериладиган ваколатларни белгилаш;

санация қилинаётган банк кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини тугатиш, унинг бошқаруви аъзолари, муҳим аҳамиятга эга ходимлари ва (ёки) махсус бошқарувчиси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш;

санация қилинаётган банкка раҳбарлик қилиш, уни бошқариш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш, хусусан, санация қилинаётган банкнинг барча ёки айрим операцияларини, транзакцияларини, жорий ва (ёки) режалаштирилган фаолиятини зарурат бўлганда чеклаш ёки тўхтатиб туриш;

санация қилинаётган банкнинг активларини ва мол-мулкни бошқариш, санация қилинаётган банк учун активлар сотиб олиш ёки унинг активларини сотиш;

санация қилиш воситаларини қўллаш;

молиявий барқарорликка таъсирини инобатга олган ҳолда, санация қилинаётган банк тарафи бўлган муайян шартнома бўйича тўловларни амалга оширишни ёки мажбуриятларни бажаришни тўхтатиб туриш;

санация қилинаётган банкнинг қарз воситалари ва бошқа мажбуриятларини бекор қилиш, уларни тўлаш муддатларини ўзгартириш ва (ёки) мазкур қарз воситалари ва мажбуриятлар бўйича фоизлар тўлаш шартларини ўзгартириш;

санация қилинаётган банк тараф бўлган шартномани ушбу Қонун талабларига мувофиқ бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органидан қимматли қоғозлар бозорида савдо қилиш имкониятининг ёки котиловкалаш варағига қимматли қоғозлар расмий равишда киритилишининг бекор қилинишини ёки тўхтатиб турилишини талаб қилиш;

санация қилинаётган банк ва (ёки) банклар гуруҳи аъзоларининг зиммасига хизматлар кўрсатиш мажбуриятини юклатиш ёхуд олувчига ёки оралик банкка унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган воситалардан фойдаланишга рухсат бериш;

санация қилиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ҳолларда, судга

санация қилинаётган банк тараф бўлган ёки ушбу банк тегишли вақт даврида тарафга айланадиган суд амалиётини ёки муҳокамасини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома юбориш;

ушбу Қонун талабларига мувофиқ бир турдаги кредиторларга бир хил тарзда ёндашиш қоидаларидан четга чиқиш;

санация қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар санация қилинаётган банк томонидан бир йил ичида амалга оширилган фаолият ёки транзакциялар юзасидан судда низолашиш, шу жумладан, агар санация қилинаётган банкка алоқадор шахслар амалга оширилган фаолият ёки транзакция натижасида афзаллик ёки имтиёз олган бўлса, мазкур амалга оширилган фаолиятни ёки транзакцияни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш;

ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) банкнинг санация қилинишига олиб келган банк раҳбарларидан ёки бошқа ходимларидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ зарарларнинг, мукофот пулларининг ёки бошқа тўловларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш;

санация қилинаётган банк маблағлари ҳисобидан ишончли вакилларни, бухгалтерларни, аудиторларни, баҳоловчиларни, маслаҳатчиларни ёки бошқа мутахассисларни санация қилиш мақсадларига эришиш учун жалб этиш ва улар билан шартномалар тузиш;

банкларни санация қилиш ва тугатиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

санация қилинаётган банкда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ текширувлар ўтказиш ҳамда ундан маълумотларни сўраб олиш;

санация қилиш режасини ишлаб чиқиш, янгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган барча ахборотни ҳамда маълумотларни банкдан сўраб олиш, шунингдек банкларнинг ахборот тизимларидан ва маълумотлар базасидан фойдаланиш;

акцияларни чиқариш учун банклардан улар қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган акцияларни ўз уставида белгилашни талаб қилиш. Эмитент уставида эмитент жойлаштирган акцияларга (эълон қилинган акцияларга) қўшимча равишда жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг сони, номинал қиймати ва турлари кўрсатилиши мумкин;

ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситаларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида банкларнинг капитал монандлиги нормативларига нисбатан қўшимча талаблар белгилаш;

санация қилиш мақсадларига эришиш, шунингдек санация қилиш воситаларидан фойдаланиш учун зарур бўлган бошқа чораларни амалга ошириш.

Марказий банк ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи, йигирма иккинчи, йигирма учинчи ва йигирма тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ваколатлардан санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар ҳам фойдаланиши мумкин.

41-модда. Мажбуриятларнинг бажарилишини тўхтатиб туриш

Санация қилинаётган банк томонидан тузилган шартномалар бўйича

унинг тўловларга ва ўтказмаларга доир (шу жумладан тузилган шартномаларга мувофиқ кредитлар ажратишга доир) муайян мажбуриятларини Марказий банк санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ҳафтадан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туришга (бундан буён матнда тўхтатиб туриш деб юритилади) ваколатлидир.

Агар санация қилинаётган банкнинг тўловлар ва ўтказмалар бўйича мажбуриятлари ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ тўхтатиб турилса, санация қилинаётган банк контрагентларининг тўловлар ва ўтказмалар бўйича мажбуриятлари худди шундай муддатга тўхтатиб турилади. Бунда тўхтатиб турилган муддат давомида тўланмаган қолдиқ маблағлар учун пеня ҳисобланмайди.

Тўхтатиб туриш Марказий банк, тўлов тизимлари ва қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоб тизимлари олдидаги тўловлар ва ўтказмалар бўйича мажбуриятларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Агар тўхтатиб туриш кафолатланган омонатлар бўйича тўловларга нисбатан ҳам татбиқ этилса, тўловларни тўхтатиб туриш муддати бу ҳақда Марказий банкнинг расмий веб-сайтида ва унинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилинган кундан эътиборан кейинги кун соат 24:00 га қадар амал қилади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган муддат Кенгашнинг асосланган тавсиясига асосан берилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг дастлабки ижобий ҳулосасига биноан санация қилиш тўғрисида Марказий банк томонидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ҳафтагача узайтирилиши мумкин.

Кафолатланган омонатлар бўйича тўловларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорда мазкур омонатларнинг тегишли кунлик қисми омонатчилар томонидан олиниши мумкинлиги назарда тутилиши мумкин.

7-§. Кафолатлар ва санация қилишни якунлаш

42-модда. Санация қилишда кредиторларнинг ҳолати ёмонлашишига йўл қўймаслик

Агар санация қилинаётган банк акциядорлари ва кредиторларининг санация қилиш натижасида кўрган зарарлари санация қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кунда мазкур банк мажбурий тугатилган тақдирда улар кўриши мумкин бўлган зарарлардан ошадиган бўлса, санация қилинаётган банкнинг акциядорлари ва кредиторлари ушбу Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда компенсация санация қилиш натижасида кўрилган ҳақиқий зарарлар суммаси ва банк мажбурий тугатилган тақдирда улар кўриши мумкин бўлган зарарлар суммаси ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

Компенсация харажатларининг ўрни кўрсатилган кетма-кетликда қуйидагилар ҳисобидан қопланади:

ушбу Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ Кафолатлаш жамғармаси;

Давлат бюджетидан ва ушбу Қонунда белгиланган бошқа манбалардан маблағлар жалб этиш орқали санация қилиш жамғармаси.

Компенсацияни тўлаш мақсадида Марказий банк ушбу Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ ўтказилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни олганидан кейин Омонатларни кафолатлаш агентлигига ва (ёки) Иқтисодиёт ва молия вазирлигига қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

компенсация тўлаш заруриятини юзага келтирган шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни;

компенсация тўланиши зарур бўлган акциядорлар ва кредиторларнинг рўйхатини, ушбу компенсациянинг тегишли миқдорлари кўрсатилган ҳолда;

ушбу Қонуннинг 43-моддасида назарда тутилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни.

Марказий банк ўз расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида компенсация тўланиши керак бўлган акциядор ва кредиторларни хабардор қилишга қаратилган хабарномани эълон қилади.

43-модда. Акциядорлар ва кредиторларнинг зарарларини баҳолаш

Санация қилиш тартиб-таомиллари амалга оширилганидан кейин санация қилинаётган банк акциядорлари ва кредиторларининг санация қилиш натижасида кўрган зарарлари санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда мазкур банк мажбурий тугатилган тақдирда улар кўриши мумкин бўлган зарарлардан ошганлигини ёки ошмаганлигини аниқлаш учун Марказий банк қисқа муддат ичида баҳолаш ўтказилишини таъминлайди.

Баҳолашни ўтказиш учун Марказий банк томонидан ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ баҳолашни ўтказган баҳоловчи ёки Марказий банк томонидан белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа баҳоловчи таъинланиши мумкин.

Баҳолашни ўтказган баҳоловчи Марказий банкка қуйидагиларни ўз ичига олган баҳолаш тўғрисидаги хулосани тақдим этади:

агар банкни санация қилиш бошланган кунда мазкур банкни мажбурий тугатиш жараёни ташаббус қилинган бўлса, санация қилинаётган банк акциядорлари ва кредиторлари кўриши мумкин бўлган зарарларнинг миқдорини;

санация қилинаётган банкнинг акциядорлари ва кредиторлари кўрган ҳақиқий зарарларнинг миқдорини;

ушбу қисмнинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган зарарлар ўртасидаги фарқни.

Баҳолаш қуйидаги шартларга асосланади:

банкни мажбурий тугатиш жараёни мазкур банкни санация қилишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бошланган деб ҳисобланиши;

ҳеч қандай санация қилиш воситалари ёки ваколатлари қўлланилмаганлиги;

давлат томонидан банкка молиявий ёрдам кўрсатилмаганлиги.

Ушбу Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ компенсациялар тўлаш тартиби,

шунингдек зарарларни баҳолашни ўтказиш қоидалари, баҳоловчига қўйиладиган талаблар ҳамда баҳоловчиларни танлаб олиш шартлари ва тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

44-модда. Таъминланган мажбуриятларни ҳимоя қилиш

Бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 259-моддасида назарда тутилган усулларда таъминланадиган мажбуриятлар таъминланган мажбуриятлардир.

Таъминланган мажбуриятларга нисбатан Марказий банк қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкин эмас:

мажбуриятнинг таъминоти бўлган активларни ушбу мажбуриятлардан ажратган ҳолда учинчи шахсга ўтказишни, бундан мазкур активлар ва мажбуриятларни биргаликда ўтказиш ҳоллари мустасно;

агар таъминот ҳам ўтказилмаса, таъминланган мажбуриятни ўтказишни;

агар таъминланган мажбурият ҳам ўтказилмаса, таъминотни ўтказишни;

агар гаров тўғрисидаги шартномага киритиладиган ўзгартиришлар ёки унинг бекор қилиниши мажбуриятлар таъминланганлигининг қисман ёки тўлиқ бекор бўлишига олиб келса, гаров тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритишни ёки уни бекор қилишни.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалардан қатъи назар, Марказий банк қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шартномалар ва келишувларнинг бир қисми бўлган кафолатланган омонатларни ушбу шартномалар ва келишувларнинг бир қисми бўлган бошқа активлар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ажратган ҳолда ўтказиш;

ушбу қисмнинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган активлар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларни кафолатланган омонатлардан мустақил равишда ўтказиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш.

45-модда. Санация қилишда тўлов ва ҳисоб-китоб тизимларини ҳимоя қилиш

Банкни санация қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш тўлов тизимларида ва қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоб тизимларида ҳисоб-китобларнинг якунига етказилишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

46-модда. Санация қилишни якунлаш

Марказий банк бошқаруви банкни санация қилишни якунлаш тўғрисида қўйидаги ҳоллардан бирида қарор қабул қилади:

санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳол якунланганда;

банкни санация қилишга доир барча зарур тартиб-таомиллар амалга оширилганда ва якунланганда.

3-боб. Банкни тугатиш**1-§. Банкни тугатишга оид қоидалар****47-модда. Банкни тугатишга оид умумий қоидалар**

Банк фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш ихтиёрий тугатиш ёки мажбурий тугатиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Банкни ихтиёрий тугатиш Марказий банкнинг ихтиёрий тугатишга доир розилигига асосан амалга оширилади.

Банкни мажбурий тугатиш Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш ва банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарори (бундан буён матнда банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор деб юритилади) асосида амалга оширилади.

Агар ихтиёрий тугатиш жараёнида банкнинг тўловга қобилиятсиз эканлиги аниқланса, тугатувчи (тугатиш комиссияси ёки жисмоний шахс) зудлик билан Марказий банкни бу ҳақда хабардор қилиши ҳамда банкнинг молиявий ҳолатини тасдиқловчи тегишли ҳисоботни ва ҳужжатларни тақдим этиши керак.

Марказий банк ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда ушбу Қонун 20-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган асослардан бирортаси мавжуд бўлган тақдирда, банкни мажбурий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Банкларнинг давлат реестрига банк тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган кундан эътиборан банкни тугатиш тамомланган, банк эса тугатилган деб ҳисобланади.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни ихтиёрий ёки мажбурий шаклда тугатиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

48-модда. Банкни тугатиш жараёнида иштирок этувчи шахслар

Банк ихтиёрий тугатилаётганда тугатувчи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Агар тугатувчи тайинланмаган бўлса, у Марказий банк бошқарувининг қарори билан тайинланади.

Банк мажбурий тугатилаётганда тугатувчи Марказий банк томонидан тайинланади. Марказий банк тугатиш комиссияси таркибига Марказий банк ходимларини киритишга ҳақли. Тугатувчи мажбурий тугатилаётган банкнинг ягона вакилидир.

Тугатувчи (агар тугатиш комиссияси тайинланса, унинг раҳбари ва аъзолари) «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 36-моддасининг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Марказий банк банк ихтиёрий тугатилаётганда Марказий банкка тақдим этилган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланишини банкдан талаб қилишга ҳақли. Бунда аудиторлик ташкилоти «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 75-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

2-§. Банкни ихтиёрий тугатиш**49-модда. Марказий банкнинг банкни ихтиёрий тугатишга доир розилигини олиш**

Агар банк тўловга қобилиятсиз бўлмаса ёки унинг тўловга қобилиятсизлиги юзага келиши эҳтимоли юқори бўлмаса, у ихтиёрий тугатилиши мумкин.

Марказий банкнинг банкни ихтиёрий тугатишга доир розилигини олиш қўйидаги икки босқичда амалга оширилади:

банкни ихтиёрий тугатишга доир дастлабки рухсатномани (бундан буён матнда дастлабки рухсатнома деб юритилади) олиш;

банкни ихтиёрий тугатишга доир якуний рухсатномани (бундан буён матнда якуний рухсатнома деб юритилади) олиш.

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг дастлабки рухсатномани олиш тўғрисидаги қарорини дастлабки рухсатномани олмасдан туриб ҳамда банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарорини якуний рухсатномани олмасдан туриб учинчи шахсларга ошкор этиш тақиқланади.

50-модда. Дастлабки рухсатномани бериш

Дастлабки рухсатномани олиш учун банк акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар овозларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан дастлабки рухсатномани олиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида банк томонидан дастлабки рухсатномани олиш учун Марказий банкка қўйидагилар илова қилинган ҳолда ариза тақдим этилади:

дастлабки рухсатномани олиш тўғрисидаги қарор;

банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ихтиёрий тугатиш режаси;

банкнинг дастлабки рухсатномани олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги баланс ҳисоботи.

Банкни ихтиёрий тугатиш режаси қўйидагиларни ўз ичига олиши керак: аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган, банк активлари ва мажбуриятларининг тугатилиш қиймати ҳақидаги маълумотларни;

банкнинг кредиторлари тўғрисидаги маълумотларни;

жорий ва эҳтимолий суд жараёнлари ҳақидаги, шунингдек суд харажатлари ва суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотларни;

операцион харажатлар, активларни сотишдан кўриладиган эҳтимолий зарарлар, банк тарафларидан бири бўлган шартномаларни муддатидан илгари бекор қилиш чоғида юзага келадиган зарарлар, шунингдек прогноз қилинаётган ҳар қандай бошқа харажатлар ҳақидаги маълумотларни;

банкни ихтиёрий тугатишни амалга ошириш муддатини;

банкни ихтиёрий тугатиш жараёни босқичларининг, шу жумладан ҳар

бир босқич давомийлигининг, ҳар бир босқичда амалга ошириладиган ҳаракатларнинг тавсифини;

банкни ихтиёрий тугатиш жараёнининг ҳар бир босқичи учун истиқболли балансни, шунингдек уни тузишда фойдаланилган фаразлар ва эҳтимолликлар тавсифини.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар дастлабки рухсатномани бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаса, Марказий банк банкдан қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

Марказий банк дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги ёки дастлабки рухсатнома беришни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақидаги қарорни дастлабки рухсатномани олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан икки ой ичида қабул қилади.

Дастлабки рухсатнома берилганидан кейин банк «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида назарда тутилган кафолатлаш объектларининг (бундан буён матнда кафолатлаш объектлари деб юритилади) тўлиқ қайтарилиши ва (ёки) бошқа банкка ўтказилиши бўйича чоралар кўради.

51-модда. Дастлабки рухсатномани беришни рад этиш

Дастлабки рухсатномани беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади: ушбу Қонун 50-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки қонунчилик талабларига мувофиқ эмаслиги;

банк кредиторларнинг талабларини асосли кечиктиришсиз қаноатлантиришга қодир эмаслиги;

ихтиёрий тугатиш режасининг ушбу Қонун 50-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган талабларга мувофиқ эмаслиги;

банкнинг тўловга қобилиятсизлиги ёки тўловга қобилиятсизлигининг юзага келиши эҳтимоли юқорилиги.

Дастлабки рухсатномани бериш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган асосларга кўра рад этилган тақдирда, дастлабки рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш асослари ҳамда банк рад этиш асосларини бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Мазкур муддат рад этиш асосларини бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши, аммо ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Дастлабки рухсатномани беришни рад этиш асослари банк томонидан бартараф этилган тақдирда, аризани қайта кўриб чиқиш дастлабки рухсатномани олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади. Дастлабки рухсатномани олиш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқиш чоғида дастлабки рухсатномани беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

Дастлабки рухсатномани бериш банкнинг тўловга қобилиятсизлигига ёки тўловга қобилиятсизлиги юзага келиши эҳтимолининг юқорилигига доир асосларга кўра Марказий банк томонидан рад этилган тақдирда, Марказий банк банкни мажбурий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

52-модда. Якуний рухсатномани бериш

Якуний рухсатномани олиш учун банк акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар овозларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида банк томонидан якуний рухсатномани олиш учун Марказий банкка қуйидагилар илова қилинган ҳолда ариза тақдим этилади:

банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор;

кафолатлаш объектлари тўлиқ қайтарилганлигини ва (ёки) бошқа банкка ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кафолатлаш объектлари тўлиқ қайтарилганидан ва (ёки) бошқа банкка ўтказилганидан кейин банкнинг зиммасида қолган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар;

банкнинг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги баланс ҳисоботи;

тугатувчи тўғрисидаги ахборот, шу жумладан тугатувчининг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, банк томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар якуний рухсатномани бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаса, Марказий банк банкдан қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

Марказий банк якуний рухсатномани бериш тўғрисидаги ёки якуний рухсатномани беришни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақидаги қарорни якуний рухсатномани олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан йигирма иш куни ичида қабул қилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори якуний рухсатнома берилганидан кейин кучга киради.

53-модда. Якуний рухсатномани беришни рад этиш

Якуний рухсатномани беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади: ушбу Қонун 52-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки қонунчилик талабларига мувофиқ эмаслиги;

кафолатлаш объектларининг тўлиқ ҳажмда қайтарилмаганлиги ва (ёки) бошқа банкка ўтказилмаганлиги;

тугатувчининг белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги;

банкнинг тўловга қобилиятсизлиги ёки тўловга қобилиятсизлигининг юзага келиши эҳтимоли юқорилиги.

Якуний рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай банкка рад этиш учун асослар кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

Якуний рухсатномани бериш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган асосларга кўра рад этилган тақдирда, якуний рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш асослари ҳамда банк рад этиш асосларини бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Мазкур муддат рад этиш асосларини бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши, аммо ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Якуний рухсатномани беришни рад этиш асослари банк томонидан бартараф этилган тақдирда, аризани қайта кўриб чиқиш якуний рухсатномани олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўн иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади. Якуний рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқиш чоғида якуний рухсатномани беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

Якуний рухсатномани бериш банкнинг тўловга қобилиятсизлигига ёки банкнинг тўловга қобилиятсизлиги юзага келиши эҳтимолининг юқорилигига доир асосларга кўра Марказий банк томонидан рад этилган тақдирда, Марказий банк банкни мажбурий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Марказий банк томонидан якуний рухсатномани бериш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда банкнинг лицензиясини чақириб олиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Якуний рухсатномани бериш ва банкнинг лицензиясини чақириб олиш тўғрисидаги қарор ўша куннинг ўзида Марказий банкнинг расмий веб-сайтида ва унинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилинади.

54-модда. Банкни ихтиёрий тугатишда тугатувчининг ваколатлари ва вазифалари

Ихтиёрий тугатилаётган банк кузатув кенгашининг ва бошқарувининг ваколатлари якуний рухсатнома берилган пайтдан эътиборан тугатувчига ўтади.

Тугатувчининг банкни ихтиёрий тугатиш чоғидаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

оммавий ахборот воситаларида ва банкнинг расмий веб-сайтида банкни ихтиёрий тугатиш жараёни бошланганлиги, шунингдек кредиторлар томонидан талабларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида эълон қилиш;

банкнинг оралиқ тугатиш балансини тузиш;

кредиторлар билан ҳисоб-китобни амалга ошириш;

банк активларини сотиш бўйича чоралар кўриш;

банкнинг якуний тугатиш балансини тузиш;

Марказий банкка ҳисобот ва маълумотларни тақдим этиш.

Тугатувчи томонидан Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисобот ва маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

тугатиш жараёни тўғрисидаги, шу жумладан кредиторларнинг қаноатлантирилган талаблари, сотилган ва сотилаётган активлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган батафсил ҳисоботни;

банкни тугатиш режасини амалга оширишга ёки банкни тугатишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар тўғрисидаги ахборотни;

Марказий банкнинг сўровига кўра унинг тугатиш жараёни устидан назоратни амалга ошириши учун зарур бўлган бошқа маълумотларни.

Тугатувчининг зиммасига қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

55-модда. Ихтиёрий тугатишда Марказий банк билан келишилиши лозим бўлган қарорлар

Ихтиёрий тугатилаётган банкнинг тугатувчини алмаштиришни, тугатиш режасига ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қарорлари Марказий банк билан келишилиши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қарорларга тегишинча тугатувчи ва унинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар, тугатиш режасига киритилаётган ўзгартиришлар матни ва мазкур ўзгартиришларни киритиш асослари илова қилинади.

Марказий банк ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қарорларни улар тақдим этилган кундан эътиборан бир ой ичида келишади ёки келишилишни рад этади.

3-§. Банкни мажбурий тугатиш

56-модда. Банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор

Агар банк тизимли аҳамиятга молик деб эътироф этилмаган бўлса, у «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 77-моддасида назарда тутилган ҳолларда мажбурий тугатилиши мумкин.

Банкни мажбурий тугатиш суддан ташқари тартибда ва (ёки) ушбу Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

Банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарорда мазкур қарорнинг кучга кириш санаси ҳамда аниқ вақти кўрсатилган бўлиши керак. Банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор мазкур қарор кучга кирган кунда мажбурий тугатиладиган банк раҳбариятига имзо қўйдириб топширилади.

Банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор кучга кирган кунда Марказий банк бу ҳақда Омонатларни кафолатлаш агентлигини, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини, тугатилаётган банк иштирокчиси бўлган тўлов тизимларини, тугатилаётган банк вакиллик ҳисобварақларига эга бўлган чет эл банкларини хабардор қилади.

Банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор кучга киргандан эътиборан банк иштирокчи бўлган тўлов тизимлари пул маблағларининг тўлов ти-

зимларига ўтказилишига, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси эса қимматли қоғозларга доир битимлар рўйхатдан ўтказилишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриши керак.

Банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор тугатилаётган банкнинг акциядорларини ва манфаатдор тарафларни хабардор қилиш мақсадида қарор кучга кирган куннинг ўзида Марказий банкнинг расмий веб-сайтида, қарор кучга кирган кундан эътиборан уч кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

57-модда. Банкни мажбурий тугатиш чоғидаги устувор вазифалар

Кафолатланган омонатлар бўйича компенсацияларнинг Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан тўланиши ва кредиторларнинг талаблари ушбу Қонуннинг 65-моддасида белгиланган тартибда қисқа муддатларда қаноатлантирилиши банкни мажбурий тугатиш чоғидаги устувор вазифалардир.

58-модда. Банкни мажбурий тугатиш жараёнида фойдаланиладиган воситалар

Банкни мажбурий тугатиш жараёнида мажбурий тугатилаётган банкнинг активлари ҳамда мажбуриятларини бошқа банкка ўтказиш ва (ёки) банкнинг активларини сотиш воситаларидан фойдаланилади.

Банкни мажбурий тугатиш жараёнида фойдаланиладиган воситалар қуйидагиларни таъминлаши керак:

банк активлари шаффоф тасарруф этилишини;

банк активлари кредиторлар талабларининг юқори даражада қаноатлантирилишини таъминловчи нархда ўтказилишини (сотилишини).

Ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажбурий тугатиш воситаларидан фойдаланишда акциядорларнинг, омонатчилар ва кредиторларнинг, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларнинг (тугатилаётган банкка гаров таъминотини ва кафолатлар тақдим этган шахсларнинг) розилиги талаб этилмайди. Банкнинг мажбуриятлари бошқа банкка ўтказилган тақдирда, тугатувчи бу ҳақда кредиторларни банкнинг мажбуриятлари ўтказилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида хабардор қилиши шарт.

59-модда. Банкни мажбурий тугатишни бошлаш оқибатлари

Банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан эътиборан:

банкнинг барча пул мажбуриятларини, шунингдек солиқлар ва йиғимлар бўйича кечиктирилган мажбуриятларини бажариш муддати бошланган деб ҳисобланади;

банкнинг барча турдаги мажбуриятлари бўйича фоизлар ва неустойкалар ҳисобланиши тўхтатилади;

мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек солиқлар ва йиғимлар бўйича

аввал ҳисобланган ҳамда ундирилмаган мажбуриятлар юзасидан пенялар ва жарималарнинг ҳисобланиши тўхтатиб турилади;

банк мол-мулкани сотишдан тушумларнинг кредиторлар талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган қисми қўшилган қиймат солиғидан ва даромад солиғидан озод этилади;

банк активларига нисбатан учинчи шахслар томонидан ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан талабларни қаноатлантириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ва ижро ишини юритиш бўйича ундирувни амалга ошириш тўхтатиб турилади, банкнинг мол-мулки хатлашдан озод этилади ва банкка нисбатан бошқа чекловлар олиб ташланади;

мижозларнинг банк ҳисобварақлари бўйича кирим ва чиқим операциялари тўхтатиб турилади;

банкнинг бошқа банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатиб турилади;

агар талаб ўтказилса ёки ундан бошқа шахс фойдасига воз кечилса, олувчи ёки сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини олаётган тараф (цессинарий) мазкур талаб бўйича дастлабки устуворликни сақлаб қолади;

банк томонидан берилган ишончномалар бекор қилинган деб ҳисобланади, бундан судда иш юритиш учун берилган ишончномалар мустасно;

ижро ҳужжатларини ижро этиш тугатилади. Пул мажбуриятлари, солиқлар ва йиғимлар бўйича барча талаблар, бошқа мулкӣ талаблар фақат мажбурий тугатиш доирасида банкка тақдим этилиши мумкин, бундан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунга хилоф эғалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш ҳақидаги, битимларни ҳақиқӣ эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқӣ эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблар, шунингдек жорий тўловлар бўйича талаблар мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисига мувофиқ тўхтатиб турилган жараёнлар, агар жараённинг предмети бўлган талаб оралиқ тугатиш балансига киритилган бўлса ва мазкур талабга нисбатан эътирозлар бўлмаса, Марказий банк томонидан оралиқ тугатиш баланси тасдиқланганидан кейин тугатилади.

Банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор кучга киргунига қадар тўлов тизимларига киритилган тўлов топшириқномаларининг ва қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоб тизимларига узатилган қимматли қоғозларни ўтказиш бўйича топшириқномаларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилинмайди.

60-модда. Банкни мажбурий тугатишда тугатувчининг ҳуқуқлари

Банкни мажбурий тугатишда тугатувчи тайинланган пайдан эътиборан банк ишларини бошқариш бўйича ваколатлар, шу жумладан банк акциядорлари умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ва бошқарувининг ваколатлари унга ўтади.

Банкни мажбурий тугатишда тугатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

банк номидан шартномалар тузиш ёки банк томонидан тузилган ҳар қандай шартномаларни, шу жумладан меҳнат шартномаларини, кўчар ва кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек бошқа ҳўжалик шартномаларини қонунчиликка мувофиқ бекор қилиш;

банк номидан операцияларни амалга ошириш, бунда қиймати банкнинг оралиқ тугатиш балансидаги соф активларининг ўн беш фоизидан кўпроғини ташкил этувчи активларни сотишда ёки бошқача тартибда ўтказишда (ҳисобдан чиқаришда) ва (ёки) мазкур миқдордаги, аммо банкка нисбатан шубҳали асосга эга бўлган талабларни камайтиришда ёки бекор қилишда Марказий банк билан дастлабки келишиш талаб этилади;

кредиторларнинг банкка тақдим этилган талабларига қарши эътирозларни шакллантириш;

банкнинг мажбуриятларини янгилаш;

банкнинг мол-мулкни сотиш;

банк номидан талаблар қўйиш, кредиторлар талабларининг қонунийлигини аниқлаш, асосли эканлигига шубҳа бўлган талабларнинг (даъволарнинг) қаноатлантирилишини рад этиш;

банкнинг мол-мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотни ёки бошқа мутахассисларни жалб этиш;

банкни тугатишни амалга ошириш учун шартнома асосида ходимларни (мутахассисларни), шу жумладан банк ходимларини ёллаш, бундан банк кредиторлари мустасно;

ушбу Қонуннинг 66-моддасида назарда тутилган тартибда кредиторларнинг талабларини ўзаро ҳисобга олиш йўли билан қаноатлантириш;

суд муҳокамаларида, бошқа давлат органларида ва ташкилотларда банкнинг манфаатларини ифодалаш;

банкни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш учун судга мурожаат қилиш.

Тугатувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

61-модда. Банкни мажбурий тугатишда тугатувчининг вазифалари

«Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланган омонатлар бўйича компенсацияларни тўлаш юзасидан қонунчиликда назарда тутилган чораларни кўриш тугатувчининг банкни мажбурий тугатиш жараёнидаги устувор вазифаси деб ҳисобланади.

Тугатувчи банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан эътиборан уч кун ичида оммавий ахборот воситаларида ва банкнинг расмий веб-сайтида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборотни эълон қилади:

банкни мажбурий тугатиш бошланганлиги тўғрисидаги;

тугатилаётган банкнинг фирма номи ва реквизитлари ҳақидаги;

банкнинг тугатувчиси тўғрисидаги;

кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан кафолатлаш объектлари эгалари бўлган кредиторларни (омонатчиларни) Омонатларни кафолатлаш агентлигига компенсациялар тўланиши учун тугатувчи томонидан тақдим этилган реестрдаги маълумотлар билан таништириш ҳақидаги;

зарур бўлган бошқа маълумотларни.

Кредиторлар томонидан талабларни тақдим этиш муддати банкни мажбурий тугатиш тўғрисида эълон қилинган пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак. Бунда кредиторларнинг барча талаблари фақат тугатувчига тақдим этилиши мумкин.

Тугатувчи ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ахборот эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ичида:

барча кредиторларга уларнинг банкка нисбатан талабларининг тури ва миқдори тўғрисида хабарнома юбориши;

банк сейфларида сақлашга топширилган қимматликларни ўз эгаларига қайтариш учун зарур чоралар кўриши;

банк активларини аниқлаши, уларни талаб қилиб олиш ва мазкур активларни баҳолаш бўйича чоралар кўриши керак.

Тугатувчи ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган вазифалардан ташқари:

банкнинг активлари ва пассивлари устидан назоратни амалга ошириши;

банк ҳужжатлари ва мол-мулки, шунингдек гаров таъминоти сифатида берилган бошқа мол-мулк бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши;

Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланган омонатлар бўйича компенсациялар тўланиши билан боғлиқ бўлган маълумотларни тақдим этиши;

Ушбу Қонун 54-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳисоботлар ва маълумотларни тақдим этиши;

банкни тугатиш жараёни устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига кўра тақдим этиши шарт.

Тугатувчи кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин икки ой ичида:

банк мол-мулкининг таркиби тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради;

кредиторларнинг талаблари реестрини шакллантиради;

оралиқ тугатиш балансини тузади. Оралиқ тугатиш баланси Марказий банк томонидан тасдиқланади.

Тугатувчининг зиммасига банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

62-модда. Банкни мажбурий тугатиш билан боғлиқ ишни судга ўтказиш

Тугатувчи оралиқ тугатиш баланси Марказий банк томонидан тасдиқланганидан кейин Марказий банкни хабардор қилган ҳолда, судга мажбурий

тугатилаётган банкни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ҳақидаги ариза билан қуйидаги ҳолларда мурожаат қилишга ҳақли:

банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор банкнинг тўловга қобилиятсизлиги муносабати билан қабул қилинганда;

банкни мажбурий тугатиш жараёнида ушбу Қонун 20-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган тўловга қобилиятсизлик аломатлари юзага келганда.

Бунда суд Марказий банкнинг банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарорига асосан банкни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида ёки буни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Аризага тугатувчи томонидан қуйидагилар илова қилинади:

банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор;

банкнинг оралиқ тугатиш баланси;

банк кредиторларининг тан олинган талаблари реестри.

Банкни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-боби талабларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда мажбурий тугатишни бошлаш оқибатларига нисбатан мазкур Қонуннинг 59-моддасининг қоидалари қўлланилади, кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш эса ушбу Қонуннинг 64 ва 65-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Банкни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида суд томонидан қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан тугатувчининг банкни мажбурий тугатишга доир вазифалари ва Марказий банкнинг бу борадаги ваколатлари тугатилади.

63-модда. Кредиторларнинг талаблари реестрини шакллантириш

Тугатувчига кредиторларнинг талаблари ёзма шаклда, ариза ва мазкур талабларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Кредитор талаблар баён этилган аризада:

ўзи ҳақидаги маълумотларни;

юридик шахслар учун — фирманинг тўлиқ номини, жойлашган ерини (почта манзилини), банк реквизитларини;

жисмоний шахслар учун — жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини, почта манзили, банк реквизитларини (мавжуд бўлган тақдирда);

электрон почта манзилини (мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатиши шарт.

Бунда аризада электрон почта манзилининг кўрсатилиши кредиторнинг банкка нисбатан талабларининг тури ва миқдори тўғрисидаги хабарномани, унинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилиши рад этилган тақдирда, бу ҳақдаги хабарномани электрон шаклда олишга бўлган розилигидир.

Кафолатлаш объектининг эгаси бўлган кредитор (омонатчи) тугатувчидан кафолатлаш объектининг фақат кафолатланган омонатдан ошадиган қисмини талаб қилишга ҳақли.

Тугатувчи банкнинг бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларига, шунингдек кре-

диторлар томонидан тақдим этилган аризаларга асосан кредиторларнинг талаблари реестрини шакллантиради. Банкнинг акциядорлари кредиторлар деб ҳисобланмайди.

Кредиторларнинг талаблари реестрида ҳар бир кредитор тўғрисидаги маълумотлар, талабларни қўриб чиқиш натижалари, яъни қаноатлантириш учун қабул қилинган ёки қаноатлантириш рад этилган талаблар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Банкнинг бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларига кўра аниқланган кредиторнинг талаблари ва кредитор томонидан тақдим этилган талаблар мувофиқ бўлмаган тақдирда, бундай талабларнинг миқдори мазкур талабларни асословчи ҳужжатларга ёки суд қарорига асосан белгиланади.

Кредиторларга кредиторларнинг талаблари реестри билан танишиш имконияти таъминланиши керак.

Тугатувчи кредиторнинг ёки унинг вакилининг талабига кўра, бундай талабнома олинган кундан эътиборан беш иш куни ичида мазкур кредиторга ёки унинг вакилига унинг талабларини қаноатлантириш миқдори, таркиби ва навбати тўғрисида кредиторларнинг талаблари реестридан кўчирма юбориши шарт. Бундай кўчирмани тайёрлашга ва юборишга доир харажатлар кредиторнинг зиммасига юклатилади.

Кредиторларнинг талаблари реестри шакллантирилганидан кейин тугатувчи кредиторлар ўз талабларининг кўриб чиқилиши натижалари тўғрисида, талабларни қаноатлантиришнинг навбати ва бошланиши ҳақида ахборот олиши мумкин бўлган сана ва жой тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилиши керак.

64-модда. Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбати

Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш оралиқ тугатиш баланси тасдиқланганидан сўнг кейинги кундан бошланади, бундан ушбу Қонун 62-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Кредиторларнинг ушбу Қонуннинг 68-моддасида назарда тутилган талаблари (бундан буён матнда банкни мажбурий тугатиш билан боғлиқ харажатлар деб юритилади) навбатдан ташқари қаноатлантирилади.

Кредиторларнинг банкни мажбурий тугатиш билан боғлиқ харажатлар деб ҳисобланмайдиган талаблари қуйидаги навбатда қаноатлантирилади:

биринчи навбатда — санация қилиш воситаларини қўллаш ва банкни тугатиш мақсадида берилган маблағлар бўйича Марказий банкнинг, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳамда Омонатларни кафолатлаш агентлигининг талаблари;

иккинчи навбатда — «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 150-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган талаблар;

учинчи навбатда — «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ Омонатларни кафолатлаш агентлигига ўтган талаблар;

тўртинчи навбатда — «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган кафолатлаш объектларининг кафолатланган омонат миқдоридан ошадиган қисмига доир талаблар;

бешинчи навбатда — ушбу қисмнинг иккинчи — бешинчи ҳамда еттинчи — ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган тоифаларга тушмайдиган таъминланмаган талаблар, шу жумладан банкнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар етарли бўлмаганлиги натижасида қаноатлантирилмаган талаблар;

олтинчи навбатда — банкка алоқадор шахсларнинг талаблари;

еттинчи навбатда — капитал воситаси бўлмаган субординар қарзларга доир талаблар;

саккизинчи навбатда — иккинчи даражали капитал воситаси бўлган талаблар;

тўққизинчи навбатда — биринчи даражали қўшимча капитал воситаси бўлган талаблар.

65-модда. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар

Тугатувчи кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тугатиш массаси ҳисобидан, кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ амалга оширади.

Ҳар бир кейинги навбатнинг талаблари олдинги навбатнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилганидан кейин қаноатлантирилади.

Кредиторларнинг банк мол-мулки билан таъминланган талабларини қаноатлантириш ушбу мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда гаров нарсаси бўлган банк мол-мулкни баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан мажбурий тартибда амалга оширилади.

Банк мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар мазкур кредиторларнинг талабларидан ортган тақдирда, уларнинг қолган қисми тугатиш массасига йўналтирилади.

Банк мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, мазкур талабларнинг қаноатлантирилмаган қисми ушбу Қонун 64-моддасининг учинчи қисмида белгиланган навбатга мувофиқ қаноатлантирилади.

Кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган талабни кредиторга қайтариш ёки маблағларни унинг ҳисобварағига ўтказиш мумкин бўлмаган тақдирда, мазкур кредиторга тегишли маблағлар бошқа банкда унинг фойдасига очилган ҳисобвараққа ўтказилади.

Бир турдаги кредиторларнинг талабларини тўлиқ қаноатлантириш учун маблағлар етарли бўлмаганда ушбу талаблар ҳар бир кредиторга тегишли бўлган суммага мутаносиб равишда қаноатлантирилади.

Кредиторларнинг тугатувчи томонидан шакллантирилган талаблар рўйхатига киритилмаган, банкни мажбурий тугатишни бошлаш тўғрисидаги эълонда белгиланган кредиторлар талабларини тақдим этиш муддати тугаганидан

кейин билдирилган талаблари, шунингдек мажбурий тугатиш бошланганидан кейин юзага келган солиқлар ва йиғимлар бўйича талаблар ушбу Қонуннинг 64-моддасида назарда тутилган тартибда, улар қайси муддатда тақдим этилганидан қатъи назар, талаблар рўйхатига киритилган кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин қаноатлантирилади.

Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, тугатувчи банкнинг активларини, шу жумладан мол-мулкни сотишга ҳақли. Бунда тугатувчи оралиқ тугатиш баланси Марказий банк томонидан тасдиқланган кундан эътиборан ўн икки ой ичида банк активлари сотилишини таъминлаши керак. Тугатувчининг асослантирилган сўровига асосан Марказий банк активларни сотиш муддатини кўпи билан ўн икки ойга узайтиришга ҳақли.

Банкнинг сотилиши қийин бўлган мол-мулки бир турдаги кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун уларнинг розилиги билан уларга тўғридан-тўғри топширилиши мумкин.

Кредиторларнинг банкнинг мол-мулки етарли бўлмаганлиги сабабли қаноатлантирилмаган талаблари қаноатлантирилган деб ҳисобланади.

Тугатувчи кредиторларнинг талаблари реестрига кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар якунланганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар якунланганидан кейин қолган тугатиш массаси акциядорлар ўртасида қонунчиликка мувофиқ тақсимланади.

66-модда. Тугатилаётган банк ва кредитор талабларини ўзаро ҳисобга олиш

Тугатилаётган банк ва кредитор талабларини ўзаро ҳисобга олишга қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда йўл қўйилади:

талаблар бўйича тўлов муддатининг етиб келган бўлиши;

иккала тарафнинг қарзни инкассо қилиш ва тўлаш ҳуқуқига эга бўлиши;

кредиторнинг талабларини қаноатлантириш навбати етиб келган бўлиши;

тарафлар бир-бирига ариза билан мурожаат қилган бўлиши;

турли валюталардаги талаблар ўзаро ҳисобга олинишининг уларни қаноатлантириш кундаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилиши.

Тугатилаётган банк ва кредитор талабларини ўзаро ҳисобга олишни амалга ошириш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

кредиторнинг тугатилаётган банкка нисбатан талаблари талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечишга доир шартнома туфайли юзага келган бўлса;

кредитор банкка алоқадор шахс бўлса.

67-модда. Тугатиш массаси

Тугатиш жараёни бошланиши пайтида банкнинг барча активлари ҳамда тугатиш жараёни давомида аниқланган мол-мулки тугатиш массасини шакллантириш манбаси бўлади. Бунда тугатиш массасига қуйидагилар кирмайди:

гаров нарсаси бўлган мол-мулк, бундан ушбу Қонун 65-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
банк сейфларида сақлаш учун топширилган қимматликлар;
банк ижара ҳуқуқи асосида фойдаланаётган, ишончли бошқарувда бўлган мол-мулк;
мажбурий тугатиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун Марказий банкдан жалб этилган маблағлар;
қонунчиликка мувофиқ банкнинг мулки бўлмаган бошқа мол-мулк.

68-модда. Банкни мажбурий тугатиш билан боғлиқ харажатлар

Банкни мажбурий тугатиш билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

коммунал хизматлар учун тўловларни, ижара ҳақини ва бошқа жорий хизматлар бўйича тўловларни;

тугатувчини мукофотлаш, банкнинг ходимларига ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш, тугатувчининг ва у банкни тугатишга жалб қилган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни;

суд харажатларини;

эълон бериш ҳамда хабарномалар юбориш билан боғлиқ харажатларни;

банк активларининг бут сақланишини таъминлаш, уларни бошқариш, баҳолаш ва инвентаризация қилиш билан боғлиқ харажатларни;

банкни мажбурий тугатиш билан боғлиқ бошқа харажатларни, шу жумладан солиқлар ва йиғимларни.

Тугатувчига тўланадиган мукофот миқдори тугатилаётган банкнинг ижро этувчи органи аъзоларига мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор кучга кирган санадан олдинги ўн икки ой ичида тўланган мукофотнинг ўртача ойлик миқдори инобатга олинган ҳолда Марказий банк томонидан белгиланади.

Мажбурий тугатилаётган банкда банкни тугатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, тугатувчининг асослантирилган мурожаатига асосан Марказий банк мазкур харажатларнинг ўрнини қоплашга ҳақли.

Марказий банк банкни мажбурий тугатиш билан боғлиқ харажатларга нисбатан шартлар ва чекловлар белгилашга ҳақли.

69-модда. Марказий банкнинг банкни тугатишга доир ваколатлари

Марказий банк тугатувчининг банкни суддан ташқари тартибда тугатиш жараёни, шу жумладан ихтиёрий тугатиш борасидаги ишлари устидан назоратни амалга оширади. Бунда Марказий банк:

тугатиш режасининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ва тугатиш жараёни ҳақидаги маълумотларни сўраб олишга;

банкни мажбурий тугатишнинг ҳар қандай босқичида тугатувчини алмаштиришга, бунда Марказий банкнинг алмаштириш тўғрисидаги қарори ушбу Қонун 56-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган тартибда эълон қилинади;

тугатиш жараёнида бўлган банкда қонунчиликда белгиланган тартибда текширувлар ўтказишга;

тугатувчи томонидан содир этилган қоидабузарликлар учун чоралар ва санкциялар қўллашга ҳақли.

Марказий банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларининг банкни тугатишга доир қисмини бузганлик, шунингдек Марказий банк томонидан сўралган ҳисоботларни ёки маълумотларни унга тақдим этмаганлик ёки уларни нотўғри тақдим этганлик учун қуйидаги чоралар ва санкцияларни қўллашга ҳақли:

тугатувчини алмаштириш. Агар тугатувчи банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарори билан тайинланган бўлса, банк акциядорлари умумий йиғилишининг зиммасига тугатувчини алмаштириш мажбуриятини юклатиш;

банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоизи миқдорида жарима ундириш.

70-модда. Банкни тугатишни якунлаш

Тугатувчи ушбу Қонуннинг 65-моддасида назарда тутилган тартиб-таомиллар якунланганидан кейин банк қимматли қоғозлари чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади.

Тугатувчи банк қимматли қоғозлари чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида Марказий банкка тугатиш якунланганлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

тугатувчи томонидан қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни;

банкни тугатиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида берилган эълонларнинг кўчирма нусхаларини;

банкнинг охириги иш кундаги балансини;

якуний тугатиш балансини;

балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича якуний тугатиш балансини;

банк ҳужжатларини ва йиғмажилдларини йўқ қилиш учун ажратиш тўғрисидаги далолатномани;

банк ҳужжатларини ва электрон базаси маълумотларини архивда сақлаш учун тузилган қабул қилиш-топшириш тўғрисидаги далолатномани;

банкнинг муҳрлари ва штамплари йўқ қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

банк қимматли қоғозлари чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни.

Тугатувчи томонидан қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар акс эттирилиши керак:

тугатилаётган банкнинг номи ва манзили;

тугатувчи тўғрисидаги маълумотлар;

ундирилган дебиторлик қарзларининг умумий суммаси;

шакллантирилган тугатиш массаси тўғрисидаги маълумотлар, шу жум-

ладан банкнинг мол-мулкни инвентаризация қилиш жараёни ва натижалари ҳақидаги, мол-мулкни баҳолаш жараёни ҳамда натижалари тўғрисидаги, уларни сотишдан тушган маблағлар ҳақидаги, банкнинг мол-мулкни сотиб олган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

яроқсиз ёки қимматга эга бўлмаган деб топилган активлар тўғрисидаги маълумотлар;

тугатувчининг банкнинг қолган активлари ликвидли эмаслиги ёки уларни сотиш мураккаблиги ҳақидаги хулосасининг асоси;

кредиторлар томонидан тақдим этилган талабларнинг умумий суммаси, шу жумладан тугатувчи томонидан тан олинган ва тан олинмаган талаблар суммаси, ҳар бир навбат кредиторлари талабларининг қаноатлантирилган умумий суммаси, банкнинг сотилмаган мол-мулки ҳисобидан тўғридан-тўғри қаноатлантирилган талаблар суммаси, банкнинг мол-мулки етарли бўлмаганлиги сабабли қаноатлантирилган деб ҳисобланадиган талаблар суммаси;

ушбу Қонуннинг 68-моддасида назарда тутилган харажатларнинг ҳар бир моддаси тўғрисидаги маълумотлар, мазкур харажатларнинг ўрнини қоплаш учун Марказий банкнинг маблағларидан фойдаланилган ҳолларда — мазкур маблағлар тўғрисидаги маълумотлар.

Марказий банк ҳисоботга банкни тугатишга тааллуқли бўлган бошқа маълумотларни ҳам киритишни талаб қилишга ҳақли.

Банк суддан ташқари тартибда мажбурий тугатилган тақдирда, Марказий банк якуний тугатиш балансини ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тасдиқлайди ҳамда Банкларнинг давлат реестрига банкни тугатиш якунланганлиги ва банк тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритади.

4-боб. Ахборотнинг махфийлиги ва ахборот алмашинуви

71-модда. Ахборотнинг махфийлиги

Ушбу Қонуннинг қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, ошкор қилинмайдиган ҳар қандай ахборот махфий ҳисобланади.

Ахборотнинг махфийлигини таъминлаш учун қуйидаги шахслар масъул бўлади:

Марказий банк, унинг бошқаруви аъзолари ва ходимлари;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг ходимлари;

Омонатларни кафолатлаш агентлиги, унинг бошқарув органи аъзолари ва ходимлари;

махсус бошқарувчи;

тугатувчи;

Марказий банк томонидан махфий ахборот тақдим этилган, санация қилинаётган банкнинг акцияларини, активларини, ҳуқуқларини ва (ёки) мажбуриятларини потенциал олувчилар, уларнинг бошқарув органлари аъзолари ҳамда ходимлари, акциялар, активлар, ҳуқуқлар ва (ёки) мажбуриятлар ўтказилганлигидан (сотилганлигидан) ёки ўтказилмаганлигидан (сотилмаганлигидан) қатъи назар;

санация қилинаётган банк, унинг бошқарув органлари аъзолари ва ходимлари;

аудиторлик ташкилотлари, юридик маслаҳатчилар, баҳоловчилар, мазкур ташкилотларнинг бошқарув органлари аъзолари ва ходимлари ҳамда хизматлар кўрсатувчи (хизматлар кўрсатган) бошқа шахслар;

оралиқ банк, унинг бошқарув органлари аъзолари ва ходимлари;

Кенгаш аъзолари, шунингдек унинг мажлисларида ҳозир бўлган бошқа шахслар;

махфий ахборотга эга бўлган ҳар қандай бошқа шахс.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг ахборот махфийлигини таъминлашга доир мажбурияти улар меҳнат фаолиятини тутатганидан кейин ҳам, мазкур ахборот махфийлигини йўқотгунга қадар амал қилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар махфий ахборотнинг ва ҳужжатларнинг бут сақланишига доир ички қоидаларни қабул қилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган махфий ахборотнинг ошкор қилинишига Марказий банкнинг олдиндан олинган розилиги билан ва қуйидаги шартлардан бирига риоя этилганда йўл қўйилади:

махфий ахборотнинг ошкор қилиниши ушбу Қонунга мувофиқ вазифалар ва мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлиши;

махфий ахборотнинг алоҳида жисмоний ёки юридик шахсларни идентификация қилиш имкони бўлмаслиги учун қисқартирилган ёки умумлаштирилган шаклда ошкор қилиниши;

махфий ахборотнинг эгаси бўлган жисмоний ёки юридик шахснинг олдиндан розилик бериши.

Қуйидагилар ўртасида махфий ахборотни алмашишга тўсқинлик қилинмайди:

ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар ўртасида, агар мазкур шахслар бир юридик шахс таркибида фаолиятни амалга оширса ёки ўз вазифаларини бажарса;

ушбу Қонун мақсадларида Марказий банк, чет эл назорат органлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Омонатларни кафолатлаш агентлиги, суд, потенциал олувчилар, оралиқ банк, мустақил баҳоловчи ҳамда Кенгаш ўртасида.

72-модда. Ахборот алмашинуви

Марказий банкнинг санация қилиш тўғрисидаги қарори Давлат бюджетидан маблағлар ажратилишини назарда тутган ҳолларда, Марказий банк мазкур қарор юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Кенгаш ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ахборот алмашади.

Марказий банк санация қилиш тўғрисидаги қарор ишлаб чиқирилишини режалаштириш ва уни амалга ошириш бўйича Омонатларни кафолатлаш агентлиги билан ахборот алмашади.

Қуйидаги шартларга риоя этилганда Марказий банк чет эл назорат органлари билан махфий ахборот алмашиши мумкин:

махфий ахборотни алмашиш ушбу Қонуннинг 71-моддасида белгиланган махфийлик талаблари ва стандартларига риоя этилган ҳолда амалга оширилса;

махфий ахборотни алмашиш Марказий банкнинг ёки чет эл назорат органининг ваколатларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлса.

Санация қилиш бўйича чет эл назорат органларидан олинган махфий ахборот қуйидаги шартларга риоя этилганда Марказий банк томонидан учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин:

махфий ахборотни берган чет эл назорат органи мазкур ахборотни ошкор қилишга розилик берганда;

махфий ахборот чет эл назорат органининг розилиги олинган мақсадлар учун ошкор қилинса.

**5-боб. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи, ҳуқуқий жиҳатдан
ҳимоя қилиш ва банкни тўловга қобилиятсизликка
(банкротликка) олиб келганлик учун жавобгарлик**

73-модда. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи

Марказий банкнинг банкни санация қилиш ёки мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарори ва (ёки) санация қилиш ёки мажбурий тугатиш тартиб-таомиллари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Марказий банкнинг санация қилиш ёки мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарори ва (ёки) санация қилиш тартиб-таомили устидан ушбу Қонунга мувофиқ судга шикоят қилиниши мазкур қарорларнинг ва (ёки) санация қилиш тартиб-таомилларининг тўхтатиб турилишига олиб келмайди.

Марказий банк томонидан қабул қилинган санация қилиш ёки мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор ижросининг тўхтатиб турилиши жамоат манфаатларига зид эканлигини назарда тутувчи раддия презумпцияси билан кафолатланади.

74-модда. Ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Марказий банк ва унинг ходимлари, Марказий банк томонидан тайинланган махсус бошқарувчилар, оралик банк бошқарувчилари, банкни мажбурий тугатишни амалга оширувчи шахслар ҳамда ушбу Қонунга ёки Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ санация қилиш тартиб-таомилини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа шахслар ўз мажбуриятларини бажариш чоғида инсофсизлик билан содир этган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгар бўлади, шу жумладан уларнинг ваколатлари тугатилганидан ёки улар билан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам жавобгар бўлади.

Марказий банк ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг манфаатларини, мазкур шахслар ушбу Қонунга мувофиқ бажарадиган вазифалар муносабати билан кўзғатилган суд ишини ва маъмурий ишни юритишда, шу жумладан уларнинг ваколатлари тугатилган ёки улар билан

меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда, ифодалашга доир ҳаражатларни тўлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) нисбатан учинчи шахсларнинг шикоятлари Марказий банкка ёки судга тақдим этилади.

75-модда. Банкни тўловга қобилиятсизликка (банкротликка) олиб келганлик учун жавобгарлик

Агар банкни санация қилишда ёки уни мажбурий тугатишда қуйидаги ҳаракатлари орқали банкни тўловга қобилиятсизликка (банкротликка) олиб келган шахслар аниқланса, мазкур шахслар зиммасига банкнинг мажбуриятлари бўйича солидар жавобгарлик юклатилиши мумкин:

банк активларидан шахсий манфаатларда фойдаланиш;

банк ҳисобидан шахсий мақсадларда тижорат фаолиятини амалга ошириш;

банкдан фирибгарлик йўли билан кредитлар олиш ва (ёки) банкнинг активларини қонунга ҳилоф равишда ўзлаштириш;

банк учун активларни бозор қийматидан юқори нархда сотиб олиш;

сохта бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек банкнинг бухгалтерия ҳужжатларини, ички ҳужжатларини ва муҳрини йўқ қилиш;

банкни тўловга қобилиятсизликка олиб келиши аниқ бўлган банк фаолиятини амалга ошириш ва (ёки) банк фаолиятини давом эттириш тўғрисида фармойиш бериш;

мажбуриятлар бўйича тўловлар тўхтатиб турилишидан олдинги бир ой ичида кредиторга имтиёзли равишда тўловни амалга ошириш, агар бу бошқа кредиторларга зарар етказса;

Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал талабларни, шунингдек ички талабларни бузган ҳолда кредитлаш;

молиявий ҳисоботларни қонунчилик талабларини бузган ҳолда тузиш;

банкнинг активларидан мақсадсиз равишда фойдаланишга ҳамда фирибгарликка сабаб бўлган фактларни ички текширувларни ўтказиш чоғида ўз мажбуриятларини бузган ҳолда аниқламаслик;

банкнинг устав капиталида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган, банкнинг охирги бенефициар мулкдорини аниқлаш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни бажармаслик;

банк акцияларига бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилардан ёки банкнинг охирги бенефициар мулкдорларидан, шунингдек банкка алоқадор бўлган шахслардан уларни идентификация қилиш учун зарур бўлган ахборотни олишга доир мажбуриятларни бажармаслик;

ушбу қисмнинг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахслар билан банк капитали монандлиги коэффицентларининг Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган доирадан камайишига олиб келган битимларни тузиш;

банкни тўловга қобилиятсизликка олиб келган ҳар қандай бошқа ҳаракатлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жавобгарлик чорасининг қўлланилиши мазкур шахсларнинг ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида) маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлса, уларни жавобгарликка тортишни истисно этмайди. Бунда Марказий банк ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни тегишли текширув ўтказилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар билан таъминлаши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган бир неча шахс мавжуд бўлган тақдирда, мазкур шахслар томонидан тегишли ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) банкда тўловга қобилиятсизлик аломатлари ёки санация қилиш учун асослар юзага келгунига қадар ёки шу вақтда амалга оширилганлигидан қатъи назар, мазкур шахслар солидар жавобгар бўлади.

Банкни тўловга қобилиятсизлик ёки санация қилиш ҳолатига олиб келишда коллегиял орган айбдор деб топилган тақдирда, коллегиял органнинг аъзоси, агар у тўловга қобилиятсизликка ёки санация қилишга олиб келувчи қарорга қарши эътироз билдирган ҳамда унинг тегишли қарорга қарши эътирози йиғилиш баённомасида қайд этилган бўлса ёки у қарорни қабул қилишда ҳозир бўлмаган бўлса, солидар жавобгарликдан озод қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жавобгарлик чорасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасида назарда тутилган даъво муддати татбиқ этилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

76-модда. Низоларни ҳал этиш

Банкларни санация қилиш ва тугатиш билан боғлиқ бўлган ҳамда ушбу Қонун билан тартибга солинмаган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

77-модда. Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

78-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 12-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«банкларни санация қилишни амалга оширади»;

ўн тўртинчи — йигирма тўртинчи хатбошилари тегишинча **ўн бешинчи — йигирма бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 20-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«банкни санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади»;

ўн иккинчи — ўттизинчи хатбошилари тегишинча **ўн учинчи — ўттиз биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) 51-модданинг:

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«51-модда. Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молиявий барқарорлик кенгаши билан ҳамкорлиги»;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати» деган сўзлар «Молиявий барқарорлик кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 60-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«банкларни санация қилиш ва тугатишга оид тартиб ҳамда қоидаларни»;

ўн бешинчи — йигирма учинчи хатбошилари тегишинча **ўн олтинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, №12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил,

№ 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда, № 11, 1193-модда) **2-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган белгиларга жавоб берадиган оилавий муносабатларга, меҳнат муносабатларига ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муносабатларга, шунингдек банкларни санація қилиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан фуқаролик қонунчилиги бу муносабатлар махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмайдиган ҳолларда қўлланилади».

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105, 111-моддалар, № 9, 965-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 13-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Марказий банк оралиқ банк устав капиталининг энг кам миқдорини ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланганидан кам миқдорда белгилашга ҳақли»;

учинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 15-модда қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Оралиқ банкнинг ташкил этилиши ва фаолиятни амалга оширишининг ўзига хос хусусиятлари «Банкларни санація қилиш ва тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади»;

3) 54-модданинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк ёки банклар гуруҳи капитали монандлиги коэффициентларининг ва (ёки) устав капитали миқдорининг қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан эллик фоизга ёки ундан кўп фоизга камайганлиги»;

4) 55-модданинг:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўн биринчи хатбошилари тегишинча **учинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) 11-бобнинг номидаги «ва тугатиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) 77-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг тўловга қобилиятсизлиги деганда қуйидаги ҳоллар тушунилади:

банкнинг ўз мижозлари талабларини маблағлар етарли эмаслиги сабабли етти кун ичида қаноатлантиришга қодир эмаслиги;

банк мажбуриятлари унинг активларидан ортиб кетганлиги;

банк капитали монандлиги коэффицентларининг ва (ёки) устав капитали миқдорининг қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордан эллик фоизга ва ундан кўп фоизга камайганлиги;

банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ҳисоботларда тўғри акс этирилиши ушбу қисмнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган асосларнинг юзага келишига олиб келадиган ҳоллар Марказий банк томонидан аниқланганлиги;

омонатчилар ва кредиторлар томонидан банкка ишониб топширилган пул маблағларининг бут сақланишига хавф солувчи ҳолатларнинг мавжудлиги»;

7) **78 — 81-моддалар** чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар; 2023 йил, № 1, 1-модда; 2024 йил, № 2, 110, 111-моддалар) **2-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонун банкларни санация қилиш ва тугатишга доир муносабатларга нисбатан махсус қонунчиликка зид бўлмаган ҳолларда қўлланилади»; **учинчи қисм тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сир** тўғрисида»ги 530–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 524-модда; 2022 йил, № 4, 337-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«банкни санация қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг учинчи шахсларга маълум қилиниши ёки тақдим этилиши»;

2) **13-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни васиятномада кўрсатилган шахсларга, меросхўрларга, васиятномани ижро этувчига, ҳуқуқий ворисларга, нотариал ва консуллик муассасаларига тақдим этиш

Жисмоний шахс вафот этган тақдирда банк сирини ташкил этувчи маълумотлар васиятномада кўрсатилган шахсларга, меросхўрларга ва васиятномани ижро этувчига ушбу Қонунда белгиланган тартибда, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тақдим этилади.

Нотариал ва консуллик муассасалари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда, агар банк сирини ташкил этувчи маълумотлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш чоғида мерос мол-мулкнинг таркиби ва жойлашган ерини текшириш учун зарур бўлса, ушбу маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг банк сирини ташкил этувчи маълумотлари унинг ҳуқуқий ворисларига ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тақдим этилади.

Агар ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган субъектларнинг банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатлари қонунчиликка мувофиқ тақдим этилмаса, банк камчиликларни ва мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини кўрсатган ҳолда ариза берувчини бу ҳақда беш иш куни ичида хабардор қилади.

Юқорида кўрсатилган шахслар томонидан ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ тақдим этилганда банк мурожаат этувчига тегишли мижоз тўғрисидаги тўлиқ ахборотни ва барча ҳужжатларни ёпиқ ва муҳрланган конвертда ёки ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида ҳимояланган алоқа каналлари воситасида беш иш куни ичида тақдим этиши шарт»;

3) қуйидаги мазмундаги **13¹-модда** билан тўлдирилсин:

«13¹-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш

Мижознинг банк олдидаги мажбуриятлари қонунчиликда белгиланган тартибда учинчи шахслар томонидан бажарилганда ёки банкка тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) бошқа шахсга ўтганда (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилганда) ёки қонунга асосан бошқа шахсга ўтганда банк сирини ташкил этувчи маълумотлар учинчи шахсларга бажарилган мажбурият доирасида ёхуд ўтган ҳуқуқ (талаб) доирасида тақдим этилади».

6. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги ЎРҚ–163-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил,

№ 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 10, 1079-модда) **2-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонун банкларни санация қилиш ва тугатишга доир муносабатларга нисбатан махсус қонунчиликка зид бўлмаган ҳолларда қўлланилади»; **иккинчи қисм учинчи қисм** деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январда қабул қилинган **«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»**ги ЎРҚ–457-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 2-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш, давлат хизматини ўташ, референдумлар, сайловлар ўтказиш, мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида, шунингдек тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият, суд ишини юритиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, банкларни санация қилиш ва тугатиш соҳасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди».

8. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) **33-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«банкларнинг активлари ва мажбуриятларини, шунингдек балансдан ташқари моддаларини баҳолашдан ўтказиш».

9. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган **«Давлат харидлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–684-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 289-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 11, 1288-модда) **2-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Қонуннинг амал қилиши банкларни санация қилиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди».

10. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган **«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–763-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,

2022 йил, № 4, 338-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 8, 823-модда, № 10, 1073-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **180-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд мажбурий тугатилаётган банкни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ишни Марказий банк томонидан тайинланган тугатувчи томонидан ариза тақдим этилганда кўриб чиқиш учун қабул қилади»;

2) **181-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор банк кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаган тақдирда юзага келадиган муносабатлар ҳамда банкларнинг тўловга қобилиятсизлиги билан боғлиқ масалалар «Банкларни санація қилиш ва тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади».

11. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 7, 627-модда, № 9, 964-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **100-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, ташкилотда бош бухгалтер лавозими мавжуд бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифаларини амалга оширувчи ходим (бундан буён матнда бош бухгалтер деб юритилади) билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинган ҳолларга нисбатан ҳам татбиқ этилади, бундан банклар санація қилинган тақдирда меҳнат шартномасининг бекор қилиниши мустасно»;

2) **173-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«иш берувчининг ташаббусига кўра, бундан шартнома ходимнинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ асослар бўйича ҳамда банк санація қилинаётганлиги сабабли бекор қилинганлиги мустасно».

12. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 3 июлда қабул қилинган **«Рақобат тўғрисида»**ги ЎРҚ–850-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 7, 533-модда; 2024 йил, № 9, 955-модда) **22-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алоҳида ҳолларда, табиий офатлар, ҳалокатларнинг оқибатларини тугатиш ва эпидемияларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда фавқулодда вазиятлар даврида, шунингдек банкларни санація қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиши ва ҳаракатларни амалга ошириши мумкин».

79-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Марказий банк ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

Марказий банк ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ичида:

ушбу Қонун 16-моддасининг тўққизинчи қисмида назарда тутилган санация қилиш режасини ишлаб чиқиш тартибини ва унинг мазмунига доир талабларни белгиласин;

ушбу Қонун 18-моддасининг ўн учинчи қисмида назарда тутилган баҳолашни ўтказиш тартибини белгиласин;

ушбу Қонун 19-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган баҳоловчиларни дастлабки танланган баҳоловчилар рўйхатига киритиш тартибини, баҳоловчиларга қўйиладиган талабларни, шунингдек баҳоловчиларни баҳолаш қоидаларини белгиласин;

ушбу Қонун 22-моддасининг ўн бешинчи қисмида назарда тутилган санация қилинаётган банкка махсус бошқарувчини тайинлаш тартибини ва махсус бошқарувчининг фаолияти билан боғлиқ қоидаларни белгиласин;

ушбу Қонун 25-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган активлар ва мажбуриятларни ўтказиш (сотиш) воситасининг қўлланилиш тартибини белгиласин;

ушбу Қонун 29-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган оралик банкни ташкил этиш, унинг фаолиятини амалга ошириш ва уни тугатиш тартибини белгиласин;

ушбу Қонун 34-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳисобдан чиқариш ва (ёки) конвертация қилиш воситасини қўллаш, шу жумладан капитал воситаларининг ва мажбуриятларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва (ёки) конвертация қилиниши лозим бўлган суммасини аниқлаш, шунингдек истисно этиладиган мажбуриятларни аниқлаш шартлари ва тартибини белгиласин;

ушбу Қонун 35-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган қайта ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, шунингдек уни баҳолаш тартибини белгиласин;

ушбу Қонун 39-моддасининг ўн тўртинчи қисмида назарда тутилган санация қилиш жамғармасини бошқариш тартибини белгиласин;

ушбу Қонун 43-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган компенсациялар тўлаш тартибини, шунингдек зарарларни баҳолашни ўтказиш қоидаларини, баҳоловчига қўйиладиган талабларни ҳамда баҳоловчиларни танлаб олиш шартлари ва тартибини белгиласин;

ушбу Қонун 47-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган банк фаолиятини тугатиш ва банкни ихтиёрий ёки мажбурий шаклда тугатиш тартибини белгиласин.

80-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

81-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 23 июнь,
ЎРҚ–1070-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

318**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча
ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
18 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 28 майда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, шу жумладан аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил равишда фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил равишда кенг фойдаланишни ва зарур ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек ортиқча ундирилган солиқ суммасини солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлари ҳисобидан ҳисобга олиш тартибини янада соддалаштириш, айрим тоифадаги шахсларга солиқ имтиёзларини бериш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига солиқ муносабатларидаги электрон ҳужжатда ҳужжатни имзолаган шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усулларида фойдаланишга тааллуқли ўзгартиришлар, шунингдек ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлари ҳисобидан ҳисобга олиш тартибини янада соддалаштиришга, айрим тоифадаги шахсларга солиқ имтиёзларини бериш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун солиқ муносабатларидаги электрон ҳужжатларда имзо сифатида ҳужжатни имзолаган шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлашнинг бошқа усулларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун ва «Маҳалла сервис» компаниялари ўз фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратишга, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни рағбатлантиришга, шунингдек сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботларини автоматик

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 26 июнда эълон қилинган.

тарзда шакллантириш тартибини жорий этиш орқали солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 19-модда:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ муносабатларида фойдаланиладиган электрон ҳужжатларда ҳужжатни имзолаган шахснинг розилигини ифодалайдиган ҳамда мазкур шахснинг идентификация ва аутентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усуллари орқали электрон ҳужжатни тасдиқлаш ҳам электрон рақамли имзога тенглаштирилади»;

олтинчи қисми еттинчи қисм деб ҳисоблансин;

еттинчи қисмидаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 103-модданинг биринчи қисми «ушбу солиқ» деган сўзлардан кейин «ёки бошқа солиқлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 105-модданинг бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ортиқча ундирилган солиқ суммасини солиқ тўловчининг солиқ қарзини узиш ҳисобидан ёки ўша солиқ тури бўйича ёхуд ушбу Кодекс 103-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобидан ҳисобга олиш ушбу Кодекс 104-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида ортиқча тўланган солиқ суммаларини ҳисобга олиш учун белгиланган тартибда солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Бунда бошқа солиқлар бўйича келгуси тўловлар учун ҳисобга олиш солиқ тўловчининг ёзма ёки электрон тарздаги аризасига кўра солиқ органлари томонидан уч кун ичида амалга оширилади»;

4) 304-модда қуйидаги мазмундаги **6²-банд** билан тўлдирилсин:

«6²) «Маҳалла сервис» компаниялари томонидан маҳаллаларни обод қилиш билан боғлиқ ишларни бажаришдан ҳамда маҳаллалар аҳолисига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган айрим турдаги ижтимоий аҳамиятли пулли хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар»;

5) **378-модда** қуйидаги мазмундаги **24** ва **25-бандлар** билан тўлдирилсин:

«24) Чернобиль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган) фуқароларнинг, шунингдек уларнинг хотинининг (эрининг) даромадлари. Мазкур солиқ имтиёзи тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг маълумотномасига, ногиронлик тўғрисидаги маълумотномага, Чернобиль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномасига, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатларга асосан берилади;

25) «Маҳалла сервис» компаниялари ходимларининг фаолияти натижа-сида олинган, уларнинг солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи тарзидаги даромадлари»;

6) **380-модда биринчи қисмининг 3-банди** «I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлардан кейин «бундан Чернобиль АЭСдаги ҳалокат оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **403-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Маҳалла сервис» компанияларининг маҳаллаларни обод қилиш билан боғлиқ ишларни бажараётган ҳамда маҳаллалар аҳолисига қонунчиликда белгиланган айрим турдаги ижтимоий аҳамиятли пулли хизматлар кўр-са-таётган ходимларига меҳнат ҳақи тўлашга доир харажатлари»;

8) **411-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) «Маҳалла сервис» компаниялари эгалигида бўлган маҳаллаларни обод қилиш билан боғлиқ ишларни бажариш ҳамда маҳаллалар аҳолисига қонунчиликда белгиланган айрим турдаги ижтимоий аҳамиятли пулли хизматларни кўрсатишга мўлжалланган бинолар»;

9) **426-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

«16) «Маҳалла сервис» компаниялари эгалигида бўлган маҳаллаларни обод қилиш билан боғлиқ ишларни бажариш ҳамда маҳаллалар аҳоли-с-га қонунчиликда белгиланган айрим турдаги ижтимоий аҳамиятли пулли хизматлар кўрсатишга мўлжалланган бинолар жойлашган ер участкала-ри»;

10) **447-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжаликларида сув ре-сурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботлари «Suv hisobi» ахборот тизимининг ва сув ресурслари ҳисобини юритувчи ваколатли органларнинг маълумотлари асосида солиқ органлари томонидан автоматик тарзда шакл-лантирилади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

11) **483-модда:**

қирқ бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга оширилдиган лойиҳалар доирасида, шунингдек давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан инфратузилма лойиҳалари (электр, газ ва иссиқлик таъминотига, сув таъминоти ва канализацияга, сув хўжалигига, йўл-транспорт инфратузилмасига, алоқа ва телекоммуникацияларга, агрологистикага, санитария жиҳатдан тозалашга, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришга доир лойиҳалар) учун халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи (бундан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштирилдиган ёки қайта кредитландиган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари мустасно), техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга оширилдиган лойиҳалар доирасида сотиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан 2028 йил 1 январга қадар озод қилинади. Бунда мазкур имтиёз лойиҳа иштирокчиларига нисбатан ҳам қўлланилади»;

қуйидаги мазмундаги **етмиш учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов ва Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманларида ташкил этилган чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекциялари ҳамда ушбу саноат зоналарида ташкил этилган корхоналар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, юридик шахслардан олинadиган ер солиғини ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан 2025 йил 1 январдан эътиборан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 10-банди ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 1-моддаси 4, 5, 7, 8, 9-бандларининг, 11-банди бешинчи хатбошисининг қоидалари 2025 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 июнь,
ЎРҚ-1071-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

319 «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қамоққа олинганларга нисбатан қийноққа солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
21 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 17 мартда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтиришга, шу жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг қийноққа солиниши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш чоғида гумон қилинувчи ва айбланувчи тергов ҳибсхонасига жойлаштирилишидан олдин уларни тергов ҳибсхоналарининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини жорий этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига жойлаштирилишидан олдин улар тергов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Ушбу Қонун гумон қилинувчи ва айбланувчиларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги ЎРҚ–298-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 251-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 9, 964-модда, № 12, 1285-модда) қуйидаги мазмундаги **27¹-модда билан** тўлдирилсин:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 27 июнда эълон қилинган.

«27¹-модда. Қамоққа олинганларни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш

Қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига жойлаштирилишидан олдин тергов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилади.

Мажбурий тиббий кўрик қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига олиб келинган пайтдан эътиборан икки соат ичида тиббий ходим томонидан ўтказилади.

Қамоққа олинганни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказишда тергов ҳибсхонасининг у билан бир жинсда бўлган ходими иштирок этади.

Мажбурий тиббий кўрикни ўтказишда қамоққа олинганнинг розилиги билан унинг адвокати ҳам иштирок этиши мумкин.

Мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган намунадаги тиббий маълумотнома расмийлаштирилади.

Тиббий маълумотноманинг бир нусхаси мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилган қамоққа олинган у билан имзо қўйдириб таништирилганидан кейин унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади, иккинчи нусхаси мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилган қамоққа олинганни олиб келган ходимларга топширилади.

Тиббий маълумотноманинг кўчирма нусхаси қамоққа олинганнинг ёки унинг адвокатининг талабига асосан тегишинча қамоққа олинганга ёки унинг адвокатига тақдим этилади.

Мажбурий тиббий кўрик чоғида қамоққа олинганнинг танасида жароҳатлар, шикастланишлар ва яралар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда қайд этилиб, бу ҳақда қамоққа олинганга маълум қилинади ва зудлик билан прокурорга хабар берилади.

Тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган қамоққа олинганлар бошқа жойга ўтказилганда ёки процессуал ҳаракатлар ўтказиш учун олиб чиқилиб, тергов ҳибсхонасига қайтарилганда улар ушбу моддада назарда тутилган тартибда мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 июнь,
ЎРҚ–1072-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****320 Мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3594-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ, Солиқ кодексида белгиланган алоҳида солиқлар бўйича имтиёзлар Тошкент вилоятидаги 4 ва 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларига ҳам татбиқ этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармони билан тасдиқланган Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодий тармоқлари рўйхатига «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш» йўналиши киритилсин.

II. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 23 июнь,
ПФ–97-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 25 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 23 июндаги
ПФ–97-сон Фармони
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3594-сон Фармонида:

(а) 2-банддаги «Тошкент вилоятидан» сўзлари «Тошкент вилоятининг 1 — 3 тоифадаги туман ва шаҳарларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) 3-банддаги «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) илова қуйидаги мазмундаги 23-банд билан тўлдирилсин:

«23. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–52-сон қарорининг 1-банди қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шу жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликларига чорвачилик соҳасига озуқабоп экинларни етиштириш учун олти ой муддатда қайтариш шарти билан ҳар бир гектарига 15 миллион сўмгача Марказий банкнинг асосий ставкасидан юқори бўлмаган ставкада (шундан 2 фоизи банк маржаси) имтиёзли кредит маблағлари ажратилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

321 Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти
вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар
ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида*

Сўнги йилларда халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг (кейинги ўринларда — маҳаллий Кенгашлар) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатларининг такомиллашётганлиги, шунингдек, янгиланган Конституцияда маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, «Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким» тамойилини рўёбга чиқариш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) маҳаллий даражада халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш, жумладан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш;

(б) фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлаш, ижро ҳокимияти органларининг маҳаллий халқ вакиллари олдигаги ҳисобдорлигини ошириш;

(в) ҳудудий бошқарувни «аҳоли манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида номарказлаштириш ва Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари ваколатларини мувоzanатли тақсимлаш, ҳар бир бўғиндаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш;

(г) ҳудудлараро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш.

**II. Дастурий ҳужжатлар ва уларни амалга ошириш
механизмлари**

2. Қуйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 25 июнда эълон қилинган.

(б) Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ташаббускорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги ваколатларни Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиш бўйича таклифларга розилик берилсин:

(а) давлат қўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини белгилаш;

(б) дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини ва дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш;

(в) ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш;

(г) йўлларнинг айрим қисмларида ҳаракатланиш тезлигини оширишга ёки камайитиришга (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) рухсат бериш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

(а) бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда маҳаллий бюджет харажатларининг муайян қисмини маҳаллий Кенгаш депутатларининг бевосита ташаббуси асосида шакллантириш амалиёти йўлга қўйилади;

(б) Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги ёшлар парламентлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, жамоатчилик асосида маҳаллий Кенгашлар қошида Ёшлар гуруҳлари ташкил этилади;

(в) маҳаллий Кенгаш ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда илмий доиралар вакилларида иборат жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Маслаҳат гуруҳлари ташкил этилади;

(г) маҳаллий Кенгашлар котибиятлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан мустақил молиявий ҳисоб-китоб тизими жорий этилади;

(д) Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси ўринбосари институти ташкил этилади.

5. Концепция доирасида қуйидаги таклифларни амалга оширишга розилик берилсин:

(а) вилоят, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлигига номзодларни тегишли маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиш, Кенгаш сессияларида номзодлар томонидан ўз йўналишлари бўйича ҳудудни ривожлантириш дастурларини тақдим этиш тартибини жорий этиш;

(б) маҳаллий Кенгашларда депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш бўйича «Кенгаш соати» институтини жорий қилиш;

(в) маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларини маҳаллий бюджет параметрларида алоҳида кўрсатиш орқали меҳнатга ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш шартларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият даражасидан паст бўлмаган ҳолда белгилаш;

(г) маҳаллий Кенгашларнинг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияларига Кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланадиган, тайинланадиган, лавозимга тайинланишида Кенгаш розилиги олинмадиган мансабдор шахслар томонидан одоб-ахлоқ нормаларини бузганлик бўйича ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқини бериш;

(д) Маҳаллий Кенгаш қарорларини қабул қилиш жараёнларининг очиқлигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг сессия ишини бевосита кузатиш имкониятини яратиш. Бунда маҳаллий Кенгаш сессияларида фуқароларнинг сессия ишига аралашуш ҳуқуқисиз кузатувчи сифатида иштирок этиши тартибини белгилаш.

III. Ахборот ва дастурий таъминот

6. Рақамли технологиялар вазирлиги босқичма-босқич «Е-Kengash» электрон платформасини «қулайлик — соддалик — хавфсизлик» тамойили асосида доимий такомиллаштириб борсин. Бунда «Е-Kengash» электрон платформасида қуйидаги асосий имкониятлар бўлиши назарда тутилсин:

(а) маҳаллий Кенгашлар фаолиятига доир ҳужжатларни хавфсиз электрон архив платформасида (blockchain) сақлаш имкониятини жорий этиш;

(б) катта ҳажмли маълумотлар билан ишлашда жамланган намунавий ҳужжатлар, таҳлилий маълумот, ҳисобот ва ахборотлардан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида тезкорлик ва қулайлик яратиш;

(в) «Е-Kengash» электрон платформасини турли ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва киберҳужумларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш;

(г) «Е-Kengash» электрон платформасида ҳужжатларни тасдиқлаш ва имзолашда Кенгаш раисини биометрик идентификациялаш (Face ID) технологияларини жорий этиш;

(д) сунъий интеллект технологиялари асосида маҳаллий Кенгашлар қарор лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»нинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

8. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу Концепция доирасида амалга ошириладиган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 23 июнь,
ПФ–98-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 23 июндаги
ПФ–98-сон Фармони
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат
ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга
қадар ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари (кейинги ўринларда — маҳаллий Кенгашлар) фаолиятини самарали трансформация қилиш, маҳаллий Кенгашларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (кейинги ўринларда — Олий Мажлис Сенати) ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида жамоатчиликнинг кенг иштирокини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги ПФ–28-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Концепция Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсад ва устувор вазифалари, истиқболдаги йўналишларини белгилайди

ҳамда соҳага оид чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

2-боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат бошқаруви ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш, вакиллик органлари назоратининг самарали ва таъсирчан механизмларини йўлга қўйиш борасида изчил ишлар олиб борилди.

Халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида маҳаллий Кенгашларга ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ташвишга солиб келаётган долзарб масалаларни ҳал этиш ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича қатор қўшимча ваколатлар берилди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкилий, ахборот-таҳлилий ва техник қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йилда маҳаллий Кенгашларда доимий асосда фаолият юритувчи котибиятлар фаолияти йўлга қўйилди.

Янгиланган Конституцияга асосан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўз фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатларидан бири сифатида белгиланди. Сенат таркибида Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия, Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ташкил этилди. Улар томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида ташкилий, ҳуқуқий, услубий ва бошқа маслаҳат ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда.

Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган 20 дан ортиқ қарорлар қабул қилинди ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди.

Маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятига оид 700 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, 300 дан ортиқ функцияларни мақбуллаштириш чоралари кўрилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги ПФ–28-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янги модел — «Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким» тамойили асосида ислоҳ қилишга қаратилган қатор қоидалар белгилаб берилди.

Жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш, халқнинг бевосита ихтиёри асосида қарор қабул қилиш талаб этиладиган жами 33 та ваколат маҳаллий Кенгашлар ихтиёрига ўтказилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан фуқаролар

ўртасида электрон мулоқот майдонини яратиш, норма ижодкорлиги фаолиятини соддалаштириш мақсадида «E-Kengash» электрон платформаси жорий этилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилди ҳамда ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий тамойилнинг маҳаллий даражада ҳам белгиланишига эришилди.

2024 йил октябрь ойидаги сайлов якунлари бўйича шаклланган навбатдаги чақириқ Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида биринчи маротаба Кенгаш раислари сайланди.

Амалга оширилган юқоридаги ислохотлар билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мазкур қоидаларни амалиётга фаол татиқ этиш, мамлакатимиз демократик тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгилаб олинган мақсадлар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи институтга айлантиришни, маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларини аниқ тақсимлаган янги моделни йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Айни пайтда эришилган натижалар билан бир қаторда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига доир ўз ечимини қутаётган қуйидаги долзарб муаммолар белгиланган мақсадларни амалга оширишга салбий таъсир этмоқда:

биринчидан, маҳаллий Кенгашларнинг амалдаги мақоми ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашда янгиланган Конституциянинг ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини тўлақонли равишда амалга ошириш имконини бермаяпти;

иккинчидан, маҳаллий бюджет, ҳудудларни ривожлантириш, инвестиция дастурларини шакллантириш, уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширишда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ролини ошириш тақозо этилмоқда;

учинчидан, маҳаллий Кенгашлар томонидан вазирлик ва идораларнинг қуйи бўғинлари, айниқса, туман ва шаҳар бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш, уларга нисбатан таъсир чораларини белгилашнинг ҳуқуқий асослари етарли эмас;

тўртинчидан, маҳаллий Кенгашлар ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича қарор лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш, тасдиқлаш бўйича ягона тартибни белгилаш эҳтиёжи мавжуд;

бешинчидан, қонун ижодкорлиги жараёнида маҳаллий Кенгашларнинг фаоллигини ошириш лозим;

олтинчидан, ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар ҳамда Олий Мажлис Сенатининг ҳамкорлигини янада кучайтириш, ҳудудий муаммоларни Сенат орқали

Ҳукумат даражасига олиб чиқиб ҳал этиш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд;

еттинчидан, маҳаллий Кенгаш депутати фаолиятини амалга оширишнинг кафолатлари, уларни ижтимоий ҳимоялаш механизмлари етарлича тартибга солинмаган;

саккизинчидан, маҳаллий Кенгаш депутатларининг малака ва амалий кўникмасини ошириб борадиган, ўзаро тажриба алмашадиган тизим мавжуд эмас;

тўққизинчидан, маҳаллий Кенгашларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар ресурсини мустаҳкамлашга эҳтиёж мавжуд.

3-боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари

1-§. Маҳаллий Кенгашлар, уларнинг органлари ҳамда депутатларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш, бюджет ва ҳудудларни режалаштириш жараёнларидаги иштирокини кучайтириш

Маҳаллий Кенгашлар, уларнинг органлари ҳамда депутатларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш, бюджет ва ҳудудларни режалаштириш жараёнларидаги иштирокини кучайтириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) маҳаллий Кенгашларда депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотини эшитиш бўйича «Кенгаш соати» институтини жорий этиш;

2) вилоят, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлигига номзодларни тавсия этишда тегишли маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ҳулосасини олиш ҳамда Кенгаш сессияларида улар томонидан ўз йўналишлари бўйича ҳудудни ривожлантириш дастурларини тақдим этиш тартибини жорий этиш;

3) маҳаллий Кенгашлар назорат тадбирлари якунлари бўйича ҳоким ва ижро ҳокимияти органлари мансабдор шахсларига қўлланиладиган таъсир чораларини кучайтириш;

4) маъмурий, бюджет ва фискал номарказлаштириш асосида ҳудудларнинг маъмурий ва молиявий мустақиллигини янада ошириш орқали улар ташаббускорлигини кучайтириш. Бунда туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларига айрим турдаги давлат божлари, мажбурий йиғимлар, тўловлар, жарималар ва ажратмаларни йўналтириш масаласини кўриб чиқиш;

5) маҳаллий Кенгашларда бюджет маблағлари назоратини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, жумладан, республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ҳудудларга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш;

6) маҳаллий бюджетни шакллантириш жараёнига депутатларни фаол

жалб этиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

7) маҳаллий Кенгашлар назорат ваколатларини амалга ошириш тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш;

8) маҳаллий Кенгашларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тизимини такомиллаштириш, бунда ҳисоботларни (ахборотларни) эшитишнинг даврийлигини қайта кўриб чиқиш, айримларини заруратга кўра эшитиш тартибига ўтказиш.

2-§. Аҳоли муаммолари ва ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишни «маҳалла еттилиги» — туман (шаҳар) Кенгаши — вилоят Кенгаши — Сенат» таъминлаш асосида кучайтириш

Аҳоли муаммолари ва ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишни «маҳалла еттилиги» — туман (шаҳар) Кенгаши — вилоят Кенгаши — Сенат» таъминлаш асосида кучайтириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) республика даражасида ҳал этиладиган ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалаларни Олий Мажлис Сенати муҳокамасига олиб чиқиш тартибини (ижро муддати, ижро учун масъуллар, амалга ошириш шакли) белгилаш;

2) маҳаллий Кенгашларнинг қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларини Олий Мажлис Сенатига киритиш тартибини ишлаб чиқиш;

3) қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш;

4) маҳаллий Кенгашларнинг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини оширишда Олий Мажлис Сенати Кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигини кенгайтириш;

5) маҳаллий Кенгашлар раисларининг Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларига раислик қилиш ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятида коррупцияга қарши курашишни самарали ташкил этишга қўмаклашиш ваколатини таъминлаш бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш;

6) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича дастурларни шакллантиришда депутат ва «маҳалла еттилиги»нинг иштирокини таъминлаш тизимини жорий этишни назарда тутиш.

3-§. Маҳаллий Кенгашларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш, қарорлар ишлаб чиқишда кенг жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш

Маҳаллий Кенгашларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш, қарорлар ишлаб чиқишда кенг жамоатчиликнинг кенг

иштирокини таъминлаш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда илмий доиралар вакиллари салоҳиятидан фойдаланишнинг самарали механизмини яратиш;

2) маҳаллий Кенгаш қарорларини қабул қилиш жараёнларининг очиқлигини таъминлаш мақсадида фуқароларга сессия ишини бевосита кузатиш имкониятини йўлга қўйиш;

3) сайлов ҳуқуқига эга бўлган камида минг нафар фуқаролар туман (шаҳар) Кенгашига, камида 5 минг нафар фуқаро вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига кўриб чиқилиши шарт бўлган электрон мурожаат киритиши ҳуқуқини бериш.

4-§. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини янада кучайтириш

Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини янада кучайтириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) маҳаллий Кенгаш депутатининг депутатлик фаолиятининг кафолатларини бир йил давомида такроран бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

2) маҳаллий Кенгаш депутатининг депутатлик фаолияти билан боғлиқ ишлар билан шуғулланиши учун унинг асосий иш жойи бўйича иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш. Бунда ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан депутатликка сайланган ходимларига маҳаллий Кенгаш сессияси, доимий комиссиялари, партия гуруҳлари мажлисларида иштирок этиш, сайловчилари билан учрашувлар, фуқаролар қабулларини ўтказишга тўсқинлик қилишига йўл қўйилмаслигини белгилаш;

3) «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси нормаларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;

4) маҳаллий Кенгаш депутатининг тегишли вилоят, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар ҳудудида жойлашган, монеликсиз кириши мумкин бўлган корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар доирасини ва кириш тартибини аниқ белгилаш;

5) маҳаллий Кенгаш депутати учун одоб-ахлоқ қоидаларида депутатларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид аниқ нормаларни белгилаш.

5-§. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий-институционал асосларини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий-институционал асослари-

ни такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига сайлаш тартибини такомиллаштириш;

2) халқ депутатлари вилоятлар Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда туман (шаҳар) Кенгашлари ваколатларини аниқ тақсимлаш. Бунда ҳар бир бўғиндаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда такрорланишларнинг олдини олиш;

3) маҳаллий Кенгашлар сессиялари оралиғида тезкор масалаларни ҳал этиш мақсадида Кенгаш раёсати институтини жорий этиш ва раёсат томонидан кўриб чиқиладиган масалалар доирасини аниқ белгилаш;

4) халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси ўринбосари институтини жамоатчилик асосида жорий этиш ҳамда унинг ваколатларини белгилаш;

5) маҳаллий Кенгашларнинг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясига Кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланадиган, тайинланадиган, лавозимга тайинланишида Кенгаш розилиги олинadиган мансабдор шахслар томонидан одоб-ахлоқ нормаларини бузганлик бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколатини бериш;

6) маҳаллий кенгашлар қошида Ёшлар гуруҳларини ташкил этиш;

7) маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари котибиятларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан мустақил молиявий ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш;

8) маҳаллий Кенгаш котибиятлари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни рағбатлантириш турларини кенгайтириш;

9) маҳаллий Кенгашларнинг босқичма-босқич моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

10) маҳаллий Кенгаш депутатлари ва уларнинг котибиятлари мутахассисларининг малака ва кўникмаларини тизимли ошириб бориш дастурларини жорий қилиш.

6-§. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ўзаро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ўзаро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш;

2) маҳаллий Кенгашлар депутатларининг уюшма ёки бирлашмаларга бирлашишининг ҳуқуқий асосини яратиш;

3) маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини белгилаш;

4) маҳаллий Кенгашларнинг халқаро даражадаги вакиллик органлари уюшмаларига аъзолигини йўлга қўйиш масаласини ўрганиш;

5) маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг трансчегаравий ҳамкорлигини кучайтириш.

**7-§. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тўлиқ
рақамлаштириш, «E-Kengash» электрон платформасини
такомиллаштириш**

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, «E-Kengash» электрон платформасини такомиллаштириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1) маҳаллий Кенгашлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида «E-Kengash» электрон платформасидан фойдаланиш функцияларини босқич-ма-босқич соддалаштириб бориш;

2) маҳаллий Кенгашлар сессияларида овоз бериш тизимини босқич-ма-босқич рақамлаштириш;

3) маҳаллий Кенгашлар фаолиятида электрон ҳужжат айланиш тўлиқ «E-Kengash» платформасида юритилишини йўлга қўйиш;

4) кенг жамоатчилик ва ОАВга маҳаллий Кенгашлар сессияларини кузатиш имкониятини кенгайтириш мақсадида сессияларни «E-Kengash» платформасининг маҳаллий Кенгашлар саҳифалари орқали онлайн трансляция қилиш амалиётини тизимли йўлга қўйиш;

5) маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу кўрсаткичлар асосида «E-Kengash» электрон платформасида уларнинг электрон рейтинги юритилишини ташкил этиш;

6) маҳаллий Кенгаш қарорларини ижрочиларга етказиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш жараёнларини рақамлаштириш;

7) маҳаллий Кенгашлар сессия ҳамда мажлислари давомида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон стенограмма юритиш ва автоматик баённомаларни шакллантириш имкониятини яратиш.

**4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган
натижалар**

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилгача ривожлантиришда қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

маҳаллий Кенгашлар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг назорат фаолияти самарадорлигини оширишга эришилади;

маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудуд манфаатларига оид ҳамда аҳоли томонидан кўтарилаётган муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича имкониятлар кенгайтирилади;

маҳаллий Кенгаш қарорларини қабул қилиш жараёнларида очиқлик ва шаффофлик таъминланади;

маҳаллий Кенгашларнинг норма ижодкорлиги фаолияти сифати ошади;

маҳаллий Кенгаш фаолиятида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқа-

роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда илмий доиралар вакилларининг фаол иштироки таъминланади;

маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва котибияти ходимларининг малакасини тизимли равишда ошириб бориш тизими йўлга қўйилади;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари яратилади;

рақамлаштириш орқали маҳаллий Кенгашлар фаолияти янада такомиллаштирилади, соҳада сайловчилар ва депутатлар ўртасидаги муносабатларда қулайликка эришилади, бюрократиянинг олди олинади;

маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятининг кафолатлари кучайтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

322 Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан замонавий хизматларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда молия тизимида жорий этилган замонавий хизматлар ҳисобига ёшга доир пенсияларнинг 62 фоизи проактив шаклда тайинланишига, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг 90 фоиздан ортиғи банк карталари орқали тўланишига ҳамда бюджет ташкилотларининг молиявий ҳужжатларини электрон тарзда расмийлаштиришга эришилди.

Бу борада Фазначилик хизмати қўмитаси ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг штат бирликлари сони охирги икки йилда 1 940 тага ёки 45 фоизга қисқартирилди ҳамда келгуси йилда қуйи бўғин ходимлари сонини 4 баробаргача қисқартириш кўзда тутилган.

Фуқаролар ҳамда корхона ва ташкилотлар учун пенсия ва фазначилик хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш орқали улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий йўналиш ва мақсадлар

1. Қуйидагилар пенсия ва фазначилик фаолиятига замонавий хизматларни жорий этишнинг асосий йўналиш ва мақсадлари этиб белгилансин:

(а) фазначилик ва пенсия таъминоти тизимларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали ҳудудларда ихчам хизмат кўрсатиш офисларини ташкил этиш;

(б) фуқароларга кўрсатиладиган хизматларни тўлиқ электрон ва проактив шаклга ўтказишга эришиш;

(в) молиявий операцияларда шаффофликни таъминлаш учун сунъий интеллект ва замонавий технологиялардан фойдаланиш;

(г) тежаб қолинган бюджет маблағларини соҳавий самарадорликни ошириш учун мақсадли йўналтиришни таъминлаш.

II. Замонавий хизматлар орқали ихчам бошқарув тизимини жорий этиш

2. 2027 йил 1 январдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасининг (кейинги ўринларда — Фазначилик қўмитаси) ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) туман (шаҳар) бўлимлари ишини рақамлаштириш ҳисобига уларнинг фаолияти тугатилсин. Бунда Фазначилик қўмитаси ва Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаларида ҳар бир туман

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 28 июнда эълон қилинган.

ва шаҳарлардаги бизнес жараёнларни ва функцияларни қамраб олувчи 1 — 3 штат бирлигидан иборат ихчам хизмат кўрсатиш офислари ташкил этилади.

3. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 июлдан бошлаб ғазначилик тизимидаги жараёнларни автоматлаштириш ҳисобига қуйидагиларни назарда тутувчи Рақамли ғазна тизими жорий этилади:

(i) бизнес интеллект (Business intelligence) технологияларидан фойдаланган ҳолда маълумотларни таҳлил қилиш, ликвидлиликини таъминлашда қисқа ва узоқ муддатли прогнозларни ишлаб чиқиш ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ғазначилик операцияларини амалга оширишда инсон омилини камайтиришга эришиш;

(ii) чет эл валютасидаги операцияларни рақамлаштирган ҳолда амалга ошириш учун Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимини Бутунжаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти (SWIFT) тизимига интеграция қилиш;

(iii) давлат харидлари ва тўлов операцияларини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қонунчилик бузилиши билан боғлиқ молиявий хавфларни «E-risk» дастурий мажмуасида автоматик аниқлаш ва аниқланган хавфлар асосида огоҳлантириш ҳамда хабардор қилиш механизмини жорий қилиш;

(б) 2026 йил 1 декабрдан бошлаб пенсия тизимида қуйидаги жараёнларни автоматлаштириш орқали:

(i) фуқароларнинг мавжуд иш стажи ва иш ҳақлари тўғрисидаги электрон маълумотларга асосан пенсия миқдорларини олдиндан аниқлаш бўйича «Менинг пенсиям» онлайн хизмати жорий этилади;

(ii) пенсия таъминотида оид барча хизматлар тўлиқ проактив, электрон ҳамда интерактив шаклга ўтказилади.

4. Белгилансинки, Ғазначилик қўмитаси ва Пенсия жамғармасида рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда туман (шаҳар) бўлимларидаги айрим вазифаларни ҳудудий бошқармаларга ўтказиш натижасида бошқарув штат бирликлари сони 1 080 тага мақбуллаштирилади. Бунда:

(а) Ғазначилик қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимларидаги 594 та штат бирлиги, жумладан:

(i) 2025 йил 1 августдан бошлаб 178 та штат бирлиги ғазначилик операцияларини электронлаштириш ва автоматлаштириш;

(ii) 2026 йил 1 январдан бошлаб 208 та штат бирлиги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни нақд пул шаклида олиш жараёнини рақамлаштириш;

(iii) 2026 йил 1 июлдан бошлаб 208 та штат бирлиги давлат харидлари соҳасидаги шартномаларни тузиш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш амалиётини рақамлаштириш ҳисобига қисқартирилади;

(б) Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидаги 486 та штат бирлиги, жумладан:

(i) 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб 241 та штат бирлиги ёшга доир ва ногиронлик пенсияларини проактив усулда тайинлаш;

(ii) 2026 йил 1 январдан бошлаб 104 та штат бирлиги пенсияларни тўлашда электрон имзо ва биометрик идентификация қилиш (Face-ID) тизимини йўлга қўйиш;

(iii) 2026 йил 1 декабрдан бошлаб 141 та штат бирлиги «call-марказ» фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш ҳамда маълумотларни тўлиқ рақамлаштириш эвазига қисқартирилади.

III. Рақамлаштириш ҳамда янгича ёндашув асосида ишни ташкил этиш

5. Фуқароларнинг пенсияга оид маълумотларини тўлиқ рақамлаштириш мақсадида:

(а) 2025 йил 1 октябрга қадар Мажбурий ижро бюроси (М. Эгамбердиев) мажбурий ижро жараёнида ундирувни пенсия тўловларига қаратишдан аввал дастлаб фуқароларни хабардор қилиш тизимини жорий этсин;

(б) 2025 йил 1 ноябрга қадар Мудофаа вазирлиги (Ш. Халмухамедов) мудофаа ишлари органларида рўйхатда турган ва пенсия тайинланаётган фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўтаган даври тўғрисидаги маълумотларни «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Пенсия жамғармаси ахборот тизимига тақдим этиш бўйича интеграция қилиш чораларини кўрсин;

(в) 2025 йил июль — октябрь ойлари давомида ҳоким ёрдамчилари ҳар бир маҳалладаги «маҳалла еттилиги» билан биргаликда фуқароларнинг меҳнат дафтарчаси маълумотларини туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлимлари орқали рақамлаштириш бўйича тарғибот ишларини амалга оширсин;

(г) 2026 йил 1 августга қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов):

(i) фуқароларнинг олий таълим муассасаларидаги ўқиш даври тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ рақамлаштиради;

(ii) давлат хизматлари марказлари орқали фуқароларнинг олий таълим муассасаларидаги ўқиш даври тўғрисидаги маълумотларни вазирликнинг электрон базасига юбориш имкониятини яратсин.

6. 2025 йил 1 августдан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимида мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобига:

(а) ҳудудларни рақамлаштириш ва уларнинг мастер режаларини ишлаб чиқиш, реновация лойиҳаларини жадаллаштириш, ер ислохотлари стратегиясини такомиллаштириш, хизматлар соҳаси ва венчур молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш, саноатда қўшилган қиймат занжирини яратиш, «яшил» технологиялар ҳамда энергия самарадорлиги йўналишларида ишларни ташкил этиш ҳамда давлат тиббий суғуртаси тизимини самарали ташкил этиш учун 92 та штат бирлиги ажратилсин;

(б) Ҳазначилик қўмитаси раисининг рақамли трансформация ва стратегик ривожланиш бўйича ўринбосари лавозими киритилсин;

(в) Ҳазначилик қўмитаси ва Пенсия жамғармаси тузилмаларида 3 тадан

штат бирлигидан иборат рақамли ривожланиш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳа офиси ташкил этилсин. Бунда лойиҳа офиси раҳбари иш ҳақи шартларига кўра бошқарма бошлиғига тенглаштирилади;

(г) иқтисод қилинадиган маблағлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ойлик иш ҳақи миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатларга йўналтирилсин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) икки ой муддатда республика ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифа ва функцияларни рақамлаштириш ҳисобига уларнинг бошқарув ходимлари умумий чекланган сонини 15 фоизгача қисқартириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджет ташкилотлари ва давлат муассасалари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, пенсиялар банк карталари орқали тўлаб берилишини рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов) Ғазначилик қўмитаси ва Пенсия жамғармаси штат бирликлари сонининг мақбуллаштирилиши ҳисобига меҳнат шартномаси бекор қилинадиган ходимларни иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

12. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 июнь,
ПФ–105-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 26 июндаги
ПФ–105-сон Фармони
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармонида:

(а) 1-иловада:

(i) «Жами» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» устунларидаги «48 496» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «44 582» рақамлари тегишлича «48 995» ва «45 081» рақамлари билан алмаштирилсин;

(ii) «1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» бўлимида:

«Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» устунларидаги «5 764» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «5 729» рақамлари тегишлича «5 618» ва «5 583» рақамлари билан алмаштирилсин;

«Ғазначилик хизмати қўмитаси» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «1 134» ва «1» рақамлари тегишлича «960» ва «2» рақамлари билан алмаштирилсин;

(iii) «3. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» бўлими «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «3 234» рақами тегишлича «3 257» рақами билан алмаштирилсин;

(iv) «14. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» бўлимида:

«Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» устунларидаги «406» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «333» рақамлари тегишлича «402» ва «329» рақамлари билан алмаштирилсин;

«Инновацион ривожланиш агентлиги» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» устунларидаги «73» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «59» рақамлари тегишлича «70» ва «56» рақамлари билан алмаштирилсин;

«Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «111» рақами тегишлича «108» рақами билан алмаштирилсин;

(v) «17. Адлия вазирлиги» бўлимидан 2-позиция чиқариб ташлансин;

(vi) «26. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси» бўлими «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «134» рақами «157» рақами билан алмаштирилсин;

(vii) изоҳлар қисмининг 5.20-кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.20. Солиқ қўмитаси тизимида Ўйрик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси ва Рақамли маркировка қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси»;

(б) 2-иловада:

(i) 17.2.-кичик банди чиқариб ташлансин;

(ii) изоҳлар қисмида:

биринчи хатбошидаги «70» рақами «69» рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «27» рақами «26» рақами билан алмаштирилсин;

(в) 2а-иловадан 17.2-позиция чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–594-сон қарорида:

(а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–269-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилигини негизида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси (кейинги ўринларда — Фазначилик) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин»;

(б) 2-бандда:

(i) учинчи хатбошидаги «ягона фазначилик ҳисоб рақамида» сўзлари «ягона газна ҳисобварағида» сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) еттинчи ва ўнинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

(iii) саккизинчи, тўққизинчи ҳамда ўн биринчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишлича еттинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

(iv) ўн иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

(в) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирига, зарур ҳолларда, Фазначиликнинг марказий аппарати ва унинг бўлинмалари тузилмасига Фазначилик ходимларининг чекланган умумий сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.»;

(г) 4-бандда:

(i) иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фазначилик раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади»;

(ii) учинчи хатбошидаги «молия» сўзи тегишлича «иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Фазначилик марказий аппарати ходимлари тиббий ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартларига кўра Иқтисодиёт ва молия вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади»;

(д) 5-бандда:

(i) биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзи «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

(ii) иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлигининг ғазначилиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

(iii) учинчи хатбошидаги «молия» сўзи «иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

(е) 6-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Молия вазирлигининг» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

(ж) 7-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» ҳамда «Молия вазирлиги» сўзлари тегишлича «Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

(з) 9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

(к) 1 — 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги ПҚ–1252-сон қарори 2-бандида:

(а) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати ходимлари тиббий ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартларига кўра Иқтисодиёт ва молия вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади»;

(б) тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

323 **Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Заргарлик саноатини янада ривожлантириш ва республиканинг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш, шунингдек, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмларни (кейинги ўринларда — заргарлик буюмлари) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Асосий мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) қимматбаҳо металлларни қайта ишлашнинг йиллик ҳажмини 7 тоннага, заргарлик буюмларини экспорт қилиш кўрсаткичларини 300 миллион АҚШ доллариға етказиш;

(б) қимматбаҳо металллар ва заргарлик буюмларининг норасмий айланмасини камида 50 фоизга қисқартириш;

(в) заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш фаолиятини саноат даражасига олиб чиқиш, халқаро бозорларда рақобатбардош ва замонавий дизайнга эга заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш;

(г) заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасида самарали назорат тизимини жорий этиш.

II. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 июлдаги ПФ–104-сон Фармониға мувофиқ Давлат бюджетидан Тармоқларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган 100 миллиард сўм маблағлар ҳисобидан 1-иловада* кўрсатилган харажатларни ҳам қоплашға рухсат берилсин.

3. Белгилансинки, 2025 йил 15 июлдан бошлаб:

(а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 июлдаги ПФ–104-сон Фармонида назарда тутилган мақсадли ресурсларни банкларға депозитға жойлаштириш билан бир қаторда Марказий банкнинг асосий ставкасидан 3 фоиз бандға паст фоиз ставкасида 5 йилгача муддатға лизинг ташкилотларига кредит линияси сифатида ажратишға ҳам рухсат берилади.

(и) Бунда лизинг ташкилотлари ажратилган кредит линияси ҳисобидан заргарлик саноатида ишлатиладиган асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 йилгача бўлган муддат-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

га Марказий банкнинг асосий ставкасида, фоизларни қарздорлик қолдик қисмига ҳисоблаш тартибида лизингга беради;

(б) белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик саноатида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлари, бутловчи буюмлар ва сарфлов воситалари 2028 йил 1 июлга қадар божхона божидан озод этилади;

(в) «Навоий КМК» АЖ ва «Олмалик КМК» АЖ томонидан қимматбаҳо металлларни тўғридан-тўғри шартнома асосида ва кечиктириб тўлаш шarti билан сотиш тартиби 2030 йил 1 январга қадар узайтирилади.

(i) Бунда қимматбаҳо металлларни кечиктириб тўлаш шarti билан сотиб олиб, муддати ўтган қарздорликка йўл қўйган тадбиркорлик субъектларига қарздорлик тўлиқ ёпилмагунига қадар ушбу тартиб асосида қимматбаҳо металллар реализация қилинмайди.

4. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган ҳамда белгиланган талабларга жавоб берадиган мажмуаларга заргарлик маркази мақомини бериш ваколати Заргарлик саноатини ривожлантириш бўйича республика кенгашига (Ж. Қўчқоров) берилсин.

5. Белгилансинки, заргарлик марказларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига қуйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилади:

(а) қимматбаҳо металлларни кечиктириб тўлаш шarti билан сотишда 90 кун ичида амалга оширилган тўловлар қисмига фоиз ҳисобланмайди, 91-кундан бошлаб 180-кунгача амалга оширилган тўловлар қисмига — йиллик 3 фоиз миқдорида фоиз ҳисобланади;

(б) заргарлик марказларида «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси ва Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясининг филиаллари фаолияти (сайёр хизмат кўрсатиш) йўлга қўйилади ҳамда заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо тошларни тезкор диагностика қилиш лабораторияси ташкил этилади;

(в) заргарлик марказларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига аъзо бўлганда аъзолик бадалини 50 фоизлик чегирма билан тўлайди.

III. Заргарлик соҳасида хуфиёна иқтисодиёт улушини камайитириш

6. Белгилаб қўйилсинки, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(а) қуйидагилар бекор қилинади:

(i) қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ишлаб чиқарилган заргарлик буюмлари ва ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича айланмани қўшилган қиймат солиғидан озод қилишга оид имтиёз;

(ii) олтидан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим;

(б) заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ёки уларни сотиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари даромадидан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади;

(в) 2028 йил 1 январга қадар заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи-

лар қўшилган қиймат солиғи базасини заргарлик буюмлари ва ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш нархи ҳамда улар таркибидаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиқиб аниқлайди. Бунда:

(i) заргарлик буюмлари ва ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш нархидан фақат «Навоий КМК» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ ва биржа савдолари орқали бошқа субъектлардан сотиб олинган қимматбаҳо металллар нархини ҳамда импорт қилинган қимматбаҳо тошлар нархини чегириб ташлашга рухсат этилади;

(ii) заргарлик буюмлари ва ярим тайёр маҳсулотлар таркибидаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар нархи Солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориладиган нархлардан келиб чиқиб ҳисобланади;

(iii) қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда аффинаж корхоналарига қимматбаҳо металлларни биржа савдолари орқали реализация қилишга рухсат этилади;

(г) 2028 йил 1 январга қадар заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ёки уларни сотиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига улар томонидан бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг 80 фоизи ҳар ойнинг 25-санасигача автоматик равишда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қайтарилади.

(i) Бунда ушбу тартиб юқоридаги субъектлар томонидан солиқ даврида жами олган даромадининг камида 80 фоизи заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва улар билан чакана савдо қилишдан олинган тақдирда татбиқ этилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) 2025 йил 1 сентябрга қадар Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси томонидан хорижда ишлаб чиқарилган заргарлик буюмларининг асиллик даражасини текшириш ва уларни тамғалашда божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмайди. Бунда:

(i) мазкур банднинг «а» кичик бандига мувофиқ тамғаланган заргарлик буюмларини божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз реализация қилишга рухсат этилади;

(ii) 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясига хорижда ишлаб чиқарилган заргарлик буюмларининг, башарти улар бўйича божхона тўловлари амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, асиллик даражасини текшириш ва тамғалаш ман этилади;

(б) 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(i) якка тартибдаги тадбиркорларга заргарлик буюмларини сотиш фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилади;

(ii) Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси томонидан Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида заргарлик буюмларининг асиллик даражасини текшириш ва уларни тамғалаш бўйича сайёр хизмат кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилади;

(iii) қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликка оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида «Soliq» мобил иловаси орқали хабар берган шахсларга ундирилган жарима миқдорининг 50 фоизи миқдорида мукофот тўланади.

8. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтмасдан ёки хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя қилмасдан заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланаётган шахслар фаолиятини белгиланган тартибда расмийлаштиришга кўмаклашиш ва уларни олти ой муддатга уюшмага аъзолик бадалини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

IV. Заргарлик буюмлари импортини тартибга солиш

9. Белгилансинки, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб 2028 йил 1 сентябрга қадар:

(а) заргарлик буюмларини (ТИФ ТН 7113- ва 7114-товар позициясидаги маҳсулотларни) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божи 2 фоиз ставкада қўлланади;

(б) заргарлик буюмларини «эркин муомалага чиқариш» ва «экспорт» божхона режимларига жойлаштиришда божхона расмийлаштируви учун йиғим уларнинг божхона қийматидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ундирилади;

(в) импорт қилинган заргарлик буюмларини Давлат асиллик даражаси назорати инспекциясида тамғалаш учун ундирилаётган йиғим миқдори маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган миқдорга тенглаштирилади;

(г) божхона чегараси орқали олиб кирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган заргарлик буюмларини божхона тўловларини амалга ошириш ва божхона юк декларациясини тўлдириш орқали декларация қилишга рухсат берилади.

V. Самарали назорат тизимини жорий этиш

10. Эксперимент тариқасида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишнинг қуйидаги тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январга қадар:

(а) Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси ва солиқ органлари ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликка оид ҳуқуқбузарликлар аниқланганда улар биринчи марта огоҳлантирилади;

(б) огоҳлантиришдан сўнг бир ой муддатда ҳуқуқбузарлик бартараф этилмагани ёки такроран аниқлангани Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси ва солиқ органлари томонидан сайёр текширув ўтказишга асос бўлади;

(в) сайёр текширув фақат қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисидаги қонунчиликка оид ҳуқуқбузарликлар бўйича ўтказилади ҳамда

текширув бошлангандан сўнг 24 соат ичида «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали Бизнес-омбудсманни хабардор этиш тартибида амалга оширилади;

(г) сайёр текширув натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома ва қарор тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чораларини кўришга асос бўлади.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

11. Заргарлик саноатини ривожлантириш ва соҳада хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкама-сига таклифлар киритсин.

13. Давлат органлари тегишли қонуности ҳужжатлари ва идоравий кўрсатмалар қабул қилинишини кутмасдан мазкур қарор нормалари кучга кирган пайтдан эътиборан сўзсиз ва тўғридан-тўғри амалда қўлланишини таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

15. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 26 июнь,
ПҚ–207-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

324 Туризм объектлари ҳамда жойлаштириш воситаларида атроф-муҳитга салбий таъсири камайтирилган маҳсулот- лардан фойдаланиш ва экологик талабларга мувофиқ кўрсатилади- ган хизматларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2025 йил 30 январдаги ПФ–16-сон Фармонида мувофиқ туризм объектлари, шу жумладан, жойлаштириш воситаларида атроф-муҳитга салбий таъсири камайтирилган маҳсулотлардан фойдаланишни, шунингдек, соҳада экологик талаблар асосида кўрсатиладиган хизматларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги) 2025 йилдан бошлаб ҳар йили ноябрь ойида «Энг намунали яшил туризм объекти» танловини ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Танловни ўтказишнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда унинг чиқиндилар билан ифлослантирилишининг олдини олиш;

туризм объектларида пластик маҳсулотлардан фойдаланишни ҳамда пластик чиқиндиларни камайтириш;

туризм объектларида бир марталик пластиклардан экологик жиҳатдан зарарсиз (биопарчаланувчи) маҳсулотларга ўтиш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш;

экологик талаблар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги экологик мезонларга риоя этилишига эришиш;

туризм объектларида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган инновацион ечимлар ҳамда истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

3. «Энг намунали яшил туризм объекти» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) танлов туризм объектларида бир марталик пластик маҳсулотлардан фойдаланишда экологик жиҳатдан зарарсиз (биопарчаланувчи) маҳсулот-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 июнда эълон қилинган.

ларга ўтиш борасида яхши натижаларга эришган, шунингдек, соҳага оид илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ўз фаолиятида чиқиндилар ҳосил бўлишини камайитириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилади;

б) танлов ҳудудий саралаш ва республика якуний босқичларидан иборат бўлади;

в) танловни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссиялар таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари томонидан, республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби эса Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири томонидан тасдиқланади;

г) танловнинг республика якуний босқичи ғолиблари бир йўла тўланадиган қуйидаги миқдордаги пул мукофоти билан тақдирланади:

1-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари миқдорида;

2-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида;

3-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида;

д) танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш ҳамда уларга бир йўла тўланадиган пул мукофоти, шунингдек, танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Экология вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасининг бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

е) Республика комиссияси томонидан танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга давлат органлари ва ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ҳамда кенг жамоатчиликни жалб қилиш, тадбиркорлик субъектларининг танловга бўлган қизиқишини ошириш, уни ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади;

ж) танловнинг адолатли ва шаффоф ўтказилиши, шунингдек, номзодлар адолатли ва холисона танлаб олиниши, қўйиладиган талабларга уларнинг мувофиқлиги учун жавобгарлик Республика комиссиясига юкланади;

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари орқали ушбу қарор ижроси билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиб борсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 24 июнь,
385-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 24 июндаги 385-сон қарорига
ИЛОВА

**«Энг намунали яшил туризм объекти» танловини ташкил
этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туризм объектларида бир марталик пластик маҳсулотлардан фойдаланишда экологик жиҳатдан зарарсиз (биопарчаланувчи) маҳсулотларга ўтиш борасида салмоқли натижаларга эришган, шунингдек, соҳага оид илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ўз фаолиятида чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатган тадбиркорлик субъектлари ўртасида «Энг намунали яшил туризм объекти» танловини (кейинги ўринларда — танлов) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар танловни ўтказишнинг мақсадлари ҳисобланади:

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда унинг чиқиндилар билан ифлослантирилишининг олдини олиш;

туризм объектларида пластик маҳсулотлардан фойдаланишни ҳамда пластик чиқиндиларни камайтириш;

туризм объектларида бир марталик пластиклардан фойдаланишда экологик жиҳатдан зарарсиз (биопарчаланувчи) маҳсулотларга ўтиш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш;

экологик талаблар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги экологик мезонларга риоя этиш;

туризм объектларида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган инновацион ечимлар ҳамда истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

3. «Энг намунали яшил туризм объекти» танловини ўтказиш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари томонидан, республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби эса Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири томонидан тасдиқланади.

4. Танлов ушбу Низомга иловада келтирилган схемага* мувофиқ ўтказилади.

2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

5. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда — Туризм қўмитаси) ҳар йили 1 июлга қадар танловни ўтказиш ҳақида ўз расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон беради.

6. Танлов иштирокчилари Туризм қўмитасининг расмий веб-сайти орқали ҳар йили 1 августга қадар рўйхатдан ўтади.

7. Рўйхатдан ўтган танлов иштирокчилари ҳақидаги барча маълумотлар Туризм қўмитаси томонидан ҳар йили 10 августга қадар ҳудудий комиссияларга танловни ўтказиш учун юборилади.

Танлов иштирокчиларининг бошқача тарзда рўйхатдан ўтишига ёки ҳудудий саралаш босқичида иштирок этмасдан республика якуний босқичида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

8. Танлов ҳар йили сентябрь — ноябрь ойларида қуйидаги босқичларда: ҳудудий саралаш босқичи — сентябрь ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида;

республика якуний босқичи — октябрь-ноябрь ойларида ҳудудий саралаш босқичлари ғолиблари ўртасида республика миқёсида ўтказилади.

9. Танловнинг ҳудудий саралаш босқичини ўтказиш учун ҳар йили март ойида ҳудудлардаги экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳасидаги давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлардан иборат таркибда ҳудудий комиссиялар ташкил этилади.

Ҳудудий комиссияга тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари раислик қилади ҳамда комиссия экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлардан иборат таркибда тузилади.

10. Танловнинг республика якуний босқичини ўтказиш учун ҳар йили апрель ойида қуйидаги таркибда Республика комиссияси ташкил этилади:

раис — Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири;

раис ўринбосарлари — Туризм қўмитаси раиси, унинг ўринбосари ва маслаҳатчиси;

аъзолар — Туризм қўмитаси марказий аппаратининг ходимлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар.

11. Танловда ҳудудий комиссия аъзолари бир вақтнинг ўзида Республика комиссияси таркибидан қатнашиши мумкин эмас.

12. Республика комиссияси томонидан танловни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланади ҳамда танлов бошланишидан камида бир ой олдин ҳудудий комиссияларга юборилади.

13. Танловнинг ҳудудий саралаш ва республика якуний босқичлари натижалари балли тизим асосида баҳоланади.

14. Танлов иштирокчилари ўзаро тенг ҳуқуқли бўлиб, устунлик ёки имтиёзлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

15. Танлов адолатлилик, холислик, ошкоралик ва коллегиялик принциплари асосида оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари кузатуви остида ўтказилади ҳамда техник воситалар орқали қайд этиб борилади.

3-боб. Танловнинг ҳудудий саралаш ва республика якуний босқичларини ўтказиш тартиби

16. Танловнинг ҳудудий саралаш ва республика якуний босқичларида иштирокчилар балли тизим асосида баҳоланади.

17. Танлов натижаси бўйича тўпланган баллар қўшилиб, ҳар бир иштирокчининг якуний бали Республика комиссияси томонидан белгиланган баҳолаш мезонлари асосида шакллантирилади.

18. Танловнинг ғолиблари тўпланган баллар йиғиндисига кўра аниқланади.

19. Ҳудудий комиссияларнинг иштирокчиларни ғолиб деб топиш ҳақидаги қарори баённома шаклида расмийлаштирилади.

Унда танловда қатнашган иштирокчиларнинг, шу жумладан, республика якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ғолиб иштирокчиларнинг рўйхати келтирилади.

Танловнинг ҳудудий саралаш босқичида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар танловнинг республика якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Баённома ҳудудий комиссиялар аъзоларининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Республика комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

20. Танловнинг республика якуний босқичи ҳудудий саралаш босқичида унда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган иштирокчилар ўртасида ўтказилади.

21. Танловнинг республика якуний босқичи якуний натижалари Республика комиссиясининг қарори билан расмийлаштирилади.

4-боб. Танловнинг ғолибларини тақдирлаш

22. Танловнинг республика якуний босқичи ғолиблари ҳар йили ноябрь ойида қуйидаги тартибда тақдирланади:

1-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти;

2-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти;

3-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти.

23. Танловнинг республика якуний босқичида ғолиб деб топилган иштирокчилар қимматбаҳо совға билан рағбатлантирилиши мумкин.

Бунда танловда ғолиб деб топилган иштирокчилар келгусида уч йил давомида ўтказиладиган танловларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

24. Танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш ҳамда уларга бир йўла тўланадиган пул мукофоти, шунингдек, танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Туризм қўмитасининг бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

25. Туризм қўмитаси танлов ғолибларига бир йўла тўланадиган пул мукофотларини белгиланган муддатларда тўлаб бериш учун масъул ҳисобланади.

26. Танловда ғолиб деб топилган иштирокчилари бир йўла тўланадиган пул мукофотини олган кундан бошлаб уч йилдан кам бўлмаган муддатда Республика комиссияси томонидан белгиланган баҳолаш мезонлари асосида фаолият юритиши ҳамда ушбу давр мобайнида уларга риоя этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Туризм қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган талабларга риоя этилиши юзасидан мониторинг юритади. Бунда танловда ғолиб деб топилган иштирокчилар ушбу талабларга риоя этмаган тақдирда, улар талабларни бузган кундан бошлаб кейинги уч йил давомида ўтказиладиган танловларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

27. Ушбу Низомни қўллаш жараёнида юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ****325 Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомнинг 33-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сон буйруғи (рўйхат рақами 1806, 2008 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 178-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомнинг 33-банди «в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) ҳисобот йили бошига қуйидаги рейтинглардан бирига эга чет эл суғурта ташкилоти:

«Moody's Investors Services» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «Вaa3»дан паст бўлмаган;

«Standard & Poor's Corporation» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «BB+»дан паст бўлмаган;

«Fitch, Inc» (Буюк Британия) агентлиги таснифи бўйича «BB–»дан паст бўлмаган;

«A.M. Best Company, Inc.» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «В+»дан паст бўлмаган;

«Эксперт-РА» (Россия Федерацияси) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «BB+»дан паст бўлмаган;

«АКРА» (Россия Федерацияси) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «BB+»дан паст бўлмаган.».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 июнда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2025 йил 28 май,
6-сон

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 23 май

**Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари**

Ж. УРУНОВ

2025 йил 27 май

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI ELEKTR ENERGIYASI,
NEFT MAHSULOTLARI VA GAZDAN FOYDALANISHNI NAZORAT
QILISH INSPEKSIYASI BOSHIG'INING
BUYRUG'I

326 **Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishda
Inson hayoti va sog'lig'iga yuqori xavf soluvchi omillar
reyestriga kiritiladigan ma'lumotlar ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
23-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3633*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 30-avgustdagi PF-132-son "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlar bilan to'rtinchi ochiq muloqotida belgilangan vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni va Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-fevraldagi 66-son "Inson hayoti va sog'lig'iga yuqori xavf soluvchi omillar reyestrini shakllantirish va yuritish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishda Inson hayoti va sog'lig'iga yuqori xavf soluvchi omillar reyestriga kiritiladigan ma'lumotlar ro'yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Energetika vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil hamda O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Boshliq

I. NIMATULLAYEV

Toshkent sh.,
2025-yil 16-may,
7-son

Kelishildi:

Energetika vaziri

J. MIRZAMAHMUDOV

2025-yil 14-may

**Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo'yicha vakili o'rinbosari**

J. URUNOV

2025-yil 16-may

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 25-iyunda e'lon qilingan.

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 15-may

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni
nazorat qilish inspeksiyasi boshlig'ining 2025-yil 16-maydagi 7-son buyrug'iga
ILOVA

Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishda Inson hayoti va sog'lig'iga yuqori xavf
soluvchi omillar reyestriga kiritiladigan ma'lumotlar
RO'YXATI

T/r	Inson hayoti va sog'lig'iga yuqori xavf soluvchi nazorat sohasi nomi	Inson hayoti va sog'lig'iga yuqori xavf soluvchi omillar	Mazkur omilning yuqori xavf soluvchi omil etib hisoblanishiga asos	Nazorat qiluvchi organ nomi
1.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Qurilishi to'liq tugallangan issiqlik elektr stansiyalari, gidroelektr stansiyalari, quyosh elektr stansiyalari, shamol elektr stansiyalari, boshqa ko'rinishdagi alternativ va qayta tiklanuvchi tabiiy resurslardan elektr energiyasini ishlab chiqaruvchi hamda saqlovchi elektr stansiyalari, elektr va issiqlik tarmoqlari obyektlari, shuningdek energetika obyektlarining murakkabligiga qarab ularni ishga tushirish navbatlariga rioya qilmasdan foydalanishga qabul qilinishi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalarining 16-bandii.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi (bundan buyon matnda O'zenergoinspeksiya deb yuritiladi)
2.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Sinov tarzida ishga tushirishda uskunalar va texnologik sxemalarning ishlash qobiliyati, ularni ekspluatatsiya qilish xavfsizligi tekshirilmaganligi, barcha nazorat va boshqaruv tizimlari, shu jumladan, avtomatik rostdlash tizimlari, himoya va blokirovka tuzilmalari, signalizatsiya tuzilmalari va nazorat-o'lchov asboblari tekshirish va sozlash amalga oshirilmaganligi, uskunalarning kompleks sinab ko'rishga tayyorligi tekshirilmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalarining 21-bandii.	O'zenergoinspeksiya

3	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Eksploatatsiya qiluvchi va ta'mirlovchi xodimlar tayyorlanmaganligi va o'qitilmaganligi (bilimlari sinovdan o'tkazilmaganligi), eksploatatsiya qilish yo'riqnomalari, mehnatni muhofaza qilish yo'riqnomalari, tezkor sxemalar, hisobga olish va hisobot bo'yicha texnik hujjatlar ishlab chiqilmaganligi va tasdiqlanmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik eksploatatsiya qilish qoidalarining 21-bandii.	O'zenergoinspeksiya
4.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Aloqa tarmog'i bilan birga dispetcherlik va texnologik boshqaruv vositalari, yong'in haqida avtomatik ravishda xabar berish va o'chirish qurilmalari, avariyaiviy yoritish, ventilyatsiya tizimlari ishga tushirilmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik eksploatatsiya qilish qoidalarining 21-bandii.	O'zenergoinspeksiya
5.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Nazorat qilish va boshqarish tizimlari montaj qilingan hamda soz holatda bo'lmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik eksploatatsiya qilish qoidalarining 21-bandii.	O'zenergoinspeksiya
6.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Energetika obyektiini eksploatatsiya qilishga tayyorligi to'g'risida "O'zenergoinspeksiya"dan, agar boshqa nazorat organlari nazoratidagi obyektlar (qurilmalar) ishga tushirilyotgan bo'lsa, ushbu organlardan ham tegishlixa xulosa yoki ruxsat olinmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik eksploatatsiya qilish qoidalarining 21-bandii.	O'zenergoinspeksiya
7.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Texnik xizmat ko'rsatish va rejali ta'mirlash hajmi uskunalar, bino va inshootlarning haqiqiy texnik holatini va o'zgarib turuvchi ish sharoitlarini hisobga olgan holda ularni soz va ishga yaroqli holatda saqlanmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik eksploatatsiya qilish qoidalarining 99-bandii.	O'zenergoinspeksiya
8.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Elektr stansiyasining har bir sexida, podstansiyalarda, tarmoqlarning uchastkalarida, laboratoriyalarda va boshqa obyektlarda, shuningdek tezkor-chiqish brigadalarning avtomashinalarida dori-darmonlar va tibbiy vositalarning doimiy zaxirasi solingan birinchi yordam dori vositalari qutilari yoki sumkalari mavjud bo'lmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik eksploatatsiya qilish qoidalarining 212-bandii.	O'zenergoinspeksiya

9.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Xodimlar tomonidan bajariladigan ishlarning xususiyatiga qarab ular maxsus kiyim, maxsus poyabzal va shaxsiy himoyaning boshqa vositalari bilan ta'minlanmaganligi va ish davomida ulardan foydalanilmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalarining 212-bandi.	O'zenergoinspeksiya
10.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Elektr tarmog'i xo'jaligi obyektlarining muhofaza zonalarini elektr uzatish havo liniyalari bo'ylab (chetdagi simlardan, ularning og'magan holatida elektr uzatish liniyasining ikkala tomoni bo'ylab (havo elektr uzatish liniyasi tayanchi balandligiga mos bo'lgan balandlikdagi) quyidagi masofadagi parallel vertikal tekisliklar bilan chegaralangan yer uchastkasi va havo makoni qismi ko'rinishida o'rnatilmaganligi: bir kilovoltgacha kuchlanishli liniyalar uchun — 2 metr (binolarning devorlari, konstruksiyalar va boshqalar bo'ylab o'tkazilgan o'zini o'zi tutib turuvchi yoki izolyatsiyalangan simli liniyalar uchun muhofaza zonasi normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiq o'rnatilgan bunday liniyalardan ruxsat etilgan minimal masofalar bilan aniqlanadi); 6 — 20 kilovolt kuchlanishli liniyalar uchun — 10 metr (aholi punktlari chegaralarida joylashgan o'zini o'zi tutib turuvchi yoki izolyatsiyalangan simli liniyalar uchun 5 metr); 35 kilovolt kuchlanishli liniyalar uchun — 15 metr; 110 kilovolt kuchlanishli liniyalar uchun — 20 metr; 220 kilovolt kuchlanishli liniyalar uchun — 25 metr; 500 kilovolt kuchlanishli liniyalar uchun — 30 metr.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 18-oktabrdagi 609-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasining elektr stansiyalari va tarmoqlarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalarining 225-bandi.	O'zenergoinspeksiya

11.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Ta'mirlash maydonchasida, transformator ustaxonasida, elektr stansiyaning bosh korpusidagi maxsus yoki montaj maydonchasida transformatorlar va reaktordlardan moyni to'kish (yoki uni to'ldirish), moy xo'jaligining moy quvur o'tkazgichlarining markaziy ajratgichiga ko'chma shlanglarni ulash yo'li bilan, ushbu maqsadlar uchun nazarda tutilgan maxsus baklardan foydalanmaganligi. Transformatori (reaktorni) induksion isitish usuli bilan bak tubini qo'shimcha qizdirgan holda quritishda quyidagilarning bajarilmaganligi: bakni isitish uchun faqat asbestli mato yoki yonmaydigan boshqa materialni qo'llash; transformator (reaktor) baki ostida o'rnatish uchun faqat yopiq turdagi isitish pechlarini qo'llash va ularni yonmaydigan asosga o'rnatish; moy sirkulyatsiyasi uchun faqat moyga chidamli shlanglardan foydalanish; moyning oqib ketishining oldini olish uchun sirkulyatsion shlanglarning mustahkam biriktirilishini ta'minlash; agar 20 m radiusda birlamchi yong'in o'chirish vositalarining doimiy posti bo'lmasa, ishlash joyini qo'shimcha post bilan jihozlash va uning ishga yaroqliligini tekshirish; butun ish davrida yong'in sodir bo'lganda, ko'riladigan tadbirlar to'g'risida yaxshi yo'l-yo'riq berilgan xodimlardan navbatchilik tashkil qilish.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarining 62-bandi.	O'zenergoinspeksiya
12.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Transformatori (reaktor) baki ostida o'rnatish uchun faqat yopiq turdagi isitish pechlarini qo'llash va ularni yonmaydigan asosga o'rnatish; moy sirkulyatsiyasi uchun faqat moyga chidamli shlanglardan foydalanish; moyning oqib ketishining oldini olish uchun sirkulyatsion shlanglarning mustahkam biriktirilishini ta'minlash; agar 20 m radiusda birlamchi yong'in o'chirish vositalarining doimiy posti bo'lmasa, ishlash joyini qo'shimcha post bilan jihozlash va uning ishga yaroqliligini tekshirish; butun ish davrida yong'in sodir bo'lganda, ko'riladigan tadbirlar to'g'risida yaxshi yo'l-yo'riq berilgan xodimlardan navbatchilik tashkil qilish.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarining 63-bandi.	O'zenergoinspeksiya
13.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Transformator va moyli reaktordlarni ishonchli ekspluatatsiya qilish va ularning yong'in xavfsizligi quyidagilar orqali ta'minlanmaganligi: texnik ekspluatatsiya qilish qoidalariga muvofiq nominal va ruxsat etilgan ish rejimlariga rioya qilish; moyning sifat me'yorlariga va uning izolyatsiya xossalari hamda harorat rejimlariga rioya qilish;	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarining 355-bandi.	O'zenergoinspeksiya

		sovitish, rostlash va uskunani himoya qilish tuzilmalarini soz holatda saqlash; asosiy va yordamchi uskunalarni, avtomatika va himoya tuzilmalarini ta'mirlashni sifatli bajarish.		
14.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Transformatorlar va reaktorlar ostidagi moy qabul qiluvchi tuzilmalar, moyni chiqarish (yoki maxsus drenajlar) avariya paytida moyning oqib ketishi, kabel kanallari va boshqa inshootlarga tushishining oldini olish uchun soz holatda saqlanmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarining 356-bandi.	O'zenergoinspeksiya
15.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	To'kilgan shag'alni yuvish bilan birgalikda transformatorlarda yoki moyli reaktorda yong'inni avtomatik ravishda o'chirish statsionar qurilmalari (agar u mavjud bo'lsa) moy chiqarib yuborish tizimini ishlatishtirish va avariya yong'in moy saqlash sig'imini to'ldirish yo'li bilan tekshirilmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarining 358-bandi.	O'zenergoinspeksiya
16.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Transformator, moyli reaktor va uzgichlar osti va atrofidagi shag'al yotqizilgan joyda yoki moy qabul qilgichda yangi moy tomchilari payqalganda ularning paydo bo'lishi sabablarini aniqlash hamda bartaraf qilish va ishlayotgan moy bilan to'ldirilgan uskunalarining xavfsizlik talablariga rioya qilgan holda yangi moy tushishining oldini olish (flanetslarni tortish, yoriqlarni kavsharlash va boshqalar) choralarini ko'rilmaganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarining 367-bandi.	O'zenergoinspeksiya
17.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Loyihada ko'zda tutilgan yong'inni avtomatik ravishda o'chirish qurilmasining ishga tayyorligi ta'minlanmasdan elektr stansiyalar va podstansiyalarda transformator va moyli reaktorlar ishga tushirilganligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarining 371-bandi.	O'zenergoinspeksiya
18.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Quyidagi binolar, xonalar, qurilmalar va inshootlar avtomatik yong'in o'chirish qurilmalari bilan jihozlanmaganligi: 500 kV va undan yuqori kuchlanishli hamda quvvatidan qat'i nazar transformatorlar va reaktorlar, shuningdek 220 — 330 kV kuchlanishli birlamchi quvvati 200 MVA va undan yuqori bo'lgan transformatorlar;	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarining 372-bandi.	O'zenergoinspeksiya

		elektr stansiya va podstansiyalarning yopiq taqsimlovchi qurilmalarida va ichkari kirishga ega yopiq podstansiyalarning kameralarida oʻrnatilgan 63 MVA va undan yuqori quvvatli hamda 110 kV va undan yuqori kuchlanishli transformatorlar; gidroelektr stansiya binolari yonida oʻrnatilgan 110 kV va undan yuqori kuchlanishli, birlamchi quvvati 63 MVA va undan yuqori boʻlgan transformatorlar.		
19.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Akkumulyator batareyalari xonalarining eshiklarida “Akkumulyator xonasi”, “Yongʻindan xavfli”, “Olov bilan kirmang”, “Chekish taqiqlanadi” yozuvlari boʻlmasligi, shuningdek zarur taqirolovchi va ogohlantiruvchi xavfsizlik belgilari oʻrnatilmaganligi.	Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yongʻin xavfsizligi qoidalarining 374-bandi.	Oʻzenergoinspeksiya
20.	Elektr energiyasi ishlab chiqarish, uzatish va taqsimlash sohasi	Akkumulyator batareyalarining asosiy va yordamchi xonalarida isitish tuzilmalari, yoritgichlar, ventilyatsiyaning elektr dvigatellari va elektr simlarini almashtirganda yoki taʼmirlashda portlash xavfi boʻlgan zonalarida ularni montaj qilish, oʻrnatish hamda ekspluatatsiya qilish talablari hisobga olinmaganligi.	Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 711-son qarori bilan tasdiqlangan Energetika tashkilotlari uchun yongʻin xavfsizligi qoidalarining 375-bandi.	Oʻzenergoinspeksiya
21.	Neft va gaz sohasi	Neft-gaz obyektlari, temir yoʻl va avtomobil toʻkish-quyish estakadalari, quyiladigan, qadoqlanadigan, tarqatiladigan va boshqa binolar, inshootlar hamda asbob-uskunalar amaldagi qurilish normalari, qoidalari va standartlari talablariga javob bermasligi.	Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori 2-ilovasi, 2023-yil 17-noyabrda 606-sonli qarori va 2014-yil 23-iyundagi 164-son qarori bilan tasdiqlangan Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan foydalanish qoidalarining 18-bandi.	Oʻzenergoinspeksiya
22.	Neft va gaz sohasi	Neft va gazni qayta ishlash zavodlari, shuningdek, qabul qilish, saqlash, tarqatish va foydalanish bilan shugʻullanuvchi korxonalar tomonidan mahsulotlarni quvur yoʻllari, temir yoʻl vagonlari-sisternalari (konteyner-sisternalar) va avtomobil sisternalari orqali qabul qilish, saqlash va tarqatish operatsiyalari, neft mahsulotlari va gazni hisobga olish bogʻlanmalariga qoʻyilgan talablarga rioya qilinmasligi.	Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori 2-ilovasi, 2023-yil 17-noyabrda 606-sonli qarori va 2014-yil 23-iyundagi 164-son qarori bilan tasdiqlangan Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan foydalanish qoidalarining 21-bandi.	Oʻzenergoinspeksiya

23.	Neft va gaz sohasi	Obyektlarda yong'in holatida vagon-sisternalarni, shuningdek avtomobil sisternalarni texnologik tarmoqdan uzib qo'yish va yong'in hududidan uzoqlashtirish imkonining mavjud emasligi.	O'zbekiston Respublikasi Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori 2-ilovasi, 2023-yil 17-noyabr 2023-yil 17-noyabr dagi 606-sonli qarori va 2014-yil 23-iyundagi 164-son qarori bilan tasdiqlangan Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan foydalanish qoidalarining 22-bandi.	Vazirlar	O'zenergoinspeksiya
24.	Neft va gaz sohasi	Neft-gaz tarmoqlari va qurilmalarida zichlik ta'minlanmaganda, shuningdek, temir yo'l va avtomobil sisternalar qopqog'i germetik zich (prokladlarda) holda yopilmasligi, neft mahsuloti va gazni qabul qilish, saqlash va tarqatish jarayonlarida mahsulotni oqishi yoki ortiqcha sizib chiqishi.	O'zbekiston Respublikasi Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori 2-ilovasi, 2023-yil 17-noyabr 2023-yil 17-noyabr dagi 606-sonli qarori va 2014-yil 23-iyundagi 164-son qarori bilan tasdiqlangan Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan foydalanish qoidalarining 32-bandi.	Vazirlar	O'zenergoinspeksiya
25.	Neft va gaz sohasi	Neft-gaz obyektlarida, shuningdek, sisternalar va to'kish-quyish qurilmalaridagi qotib qolgan neft mahsulotlarini qizitish zaruriyati bo'lganda, bug', issiq suv yoki elektr isitgichlar qo'llanmasdan, ochiq alangadan foydalanilishi.	O'zbekiston Respublikasi Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori 2-ilovasi, 2023-yil 17-noyabr 2023-yil 17-noyabr dagi 606-sonli qarori va 2014-yil 23-iyundagi 164-son qarori bilan tasdiqlangan Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan foydalanish qoidalarining 38-bandi.	Vazirlar	O'zenergoinspeksiya
26.	Neft va gaz sohasi	Neft mahsulotlari va gazni berish (quyish) belgilangan tartibda ko'rikdan o'tkazilgan avtomatlashtirilgan quyish tizimi, avtomatik tarzda quyish estakadalari va yakka ustunlar orqali, shuningdek maxsus ko'chma haydash vositalaridan foydalanmasligi hamda neft-gaz mahsulotlarini quyish uchun texnik ko'rikdan o'tmagan va bunday neft mahsulotlarini tashish uchun ularning yaroqliligi e'tirof etilmagan sisternalardan foydalanish.	O'zbekiston Respublikasi Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori 2-ilovasi, 2023-yil 17-noyabr 2023-yil 17-noyabr dagi 606-sonli qarori va 2014-yil 23-iyundagi 164-son qarori bilan tasdiqlangan Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan foydalanish qoidalarining 41-bandi.	Vazirlar	O'zenergoinspeksiya
27.	Neft va gaz sohasi	Neft mahsulotlarini quyish rukavaning uchlarida zarba bo'lganda uchqun hosil bo'lishiga yo'l qo'ymaydigan metall 2023-yil 17-noyabr dan tayyorlangan uchliklar bilan hamda yerga ulangan sinining bo'lm 2023-yil 17-noyabr asligi va rukavalari quvurlarini sisternalarning tubigacha to'liq tushirgan holda suyuq qatlam bilan, sachratmasdan amalga oshirilmasligi.	O'zbekiston Respublikasi Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori 2-ilovasi, 2023-yil 17-noyabr 2023-yil 17-noyabr dagi 606-sonli qarori va 2014-yil 23-iyundagi 164-son qarori bilan tasdiqlangan Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan foydalanish qoidalarining 44-bandi.	Vazirlar	O'zenergoinspeksiya

28.	Neft va gaz sohasi	Neft-gaz obyektlarida texnologik uskunalar, quvurlar, rezervuarlar, berkitish armaturasi, soz holatda bo'lmisligi, neft mahsulotlarini to'kish, qoidaga ko'ra, yopiq (germetik) usulda sisternalarning pastki to'kish priborlari va pastki to'kish qurilmalari orqali amalga oshirilmasligi.	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-maydagi 319-son qarori 2-ilovasi, 2023-yil 17-noyabrda 606-sonli qarori va 2014-yil 23-iyundagi 164-son qarori bilan tasdiqlangan Neftni qayta ishlash mahsulotlaridan foydalanish qoidalarining 34-bandi.	O'zenergoinspeksiya
-----	--------------------	--	--	---------------------

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRINING
BUYRUG'I

327 Karantin ostidagi mahsulotni olib qo'yish, qaytarib yuborish va yo'q qilish tartibi to'g'risidagi nizomning 1-bandiga o'zgartirish kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
24-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3191-3*

O'zbekiston Respublikasining "O'simliklar karantini to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'simliklar karantini davlat inspeksiyasi boshlig'ining 2019-yil 14-oktabrdagi 8-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3191, 2019-yil 31-oktabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 31.10.2019-y., 10/19/3191/3985-son) bilan tasdiqlangan Karantin ostidagi mahsulotni olib qo'yish, qaytarib yuborish va yo'q qilish tartibi to'g'risidagi nizomning 1-bandi ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"o'simliklar karantini obyekti (karantin ahamiyatiga ega bo'lgan zararli organizm) — O'zbekiston Respublikasi hududida mavjud bo'lmagan yoki cheklangan tarzda mavjud bo'lgan, tarqalishi katta iqtisodiy zarar keltirishi mumkin bo'lgan va karantin ahamiyatiga ega bo'lgan zararli organizmlarga qarshi kurashish obyekti hisoblangan zararli organizm;"

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

I. ABDURAXMONOV

Toshkent sh.,
2025-yil 17-iyun,
33-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 25-iyunda e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

328 Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi
yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
24-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2773-12*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 11-fevraldagi 77-son "Bojxona ma'muriyatchiligi tartib-taomillarini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo'mitasining 2016-yil 29-fevraldagi 01-02/15-07-son qarori (ro'yxat raqami 2773, 2016-yil 6-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 14-son, 133-modda) bilan tasdiqlangan Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 23-may,
260-son

Kelishildi:

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 12-may

**Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo'yicha vakil o'rinbosari**

J. URUNOV

2025-yil 14-may

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 26-iyunda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
23-maydagi 260-son buyrug'iga
ILOVA

**Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi
yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 22-bandning 43-kichik bandida:
o'ninchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
"TR.XX.KK.OO.YYYY.SUMMA";
quyidagi mazmundagi o'n birinchi — o'n beshinchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

"Masalan:

300 000 000.00 so'm miqdoridagi bojxona bojini bo'lib-bo'lib to'lash imkoniyati 3 oyga taqdim etilganda va to'lov sharti bo'yicha dastlabki to'lanadigan bojxona boji iyun oyidan boshlansa, bo'lib to'lash oyining tartib raqami, bojxona to'lovi turi, bo'lib to'lash muddati, har bir oy uchun bo'lib to'lash summasi quyidagi tartibda ko'rsatiladi:

1. 20 01.06.2025, 100 000 000;
2. 20 01.07.2025, 100 000 000;
3. 20 01.08.2025, 100 000 000.";

o'n birinchi — o'n yettinchi xatboshilar tegishli ravishda o'n oltinchi — yigirma ikkinchi xatboshilar deb hisoblansin;

quyidagi mazmundagi o'n yettinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"TR — bo'lib-bo'lib to'lanadigan bojxona to'lovlari turini to'lash oyining tartib raqami;"

o'n yettinchi — yigirma ikkinchi xatboshilar tegishli ravishda o'n sakkizinchi — yigirma uchinchi xatboshilar deb hisoblansin.

2. 25-bandda:

a) 32-kichik bandning to'rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"keyingi ikkita raqam — Bojxona rejimlari tasniflagichiga muvofiq avvalgi bojxona rejimi kodi (bundan bojxona tranziti bojxona rejimi mustasno). Agar avvalgi bojxona rejimi mavjud bo'lmasa yoki tovar avval faqat bojxona tranziti bojxona rejimiga rasmiylashtirilgan bo'lsa "00" ko'rsatiladi;"

b) 35-kichik bandda:

o'ttiz ikkinchi — o'ttiz to'rtinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Agar tovar bojxona rejimiga joylashtirilmasdan transport vositasi sifatida "Avtotransport vositasini qaytarib olib chiqish to'g'risida majburiyatnoma" (bundan buyon ushbu bandda majburiyatnoma deb yuritiladi) rasmiylashtirilgan holda olib kiritilgan bo'lsa, grafada majburiyatnoma haqida quyidagi ma'lumotlar ko'rsatiladi:

avvalgi hujjatning kodi — ushbu holatda "MB";

majburiyatnomaning ro'yxat raqami (99999/99.99.9999/MB999999999999 — post kodi/sana/majburiyatnomaning tartib raqami). Bunda, majburiyatnomaning tartib raqamidagi harflar lotin alifbosida yoziladi;"

o'ttiz beshinchi — o'ttiz sakkizinchi xatboshilar chiqarib tashlansin;

d) 43-kichik bandda:

o'n birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“TR.XX.KK.OO.YYYY.SUMMA”;

quyidagi mazmundagi o'n ikkinchi — o'n oltinchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“Masalan:

300 000 000.00 so'm miqdoridagi bojxona bojini bo'lib-bo'lib to'lash imkoniyati 3 oyga taqdim etilganda va to'lov sharti bo'yicha dastlabki to'lanadigan bojxona boji iyun oyidan boshlansa, bo'lib to'lash oyi tartib raqami, bojxona to'lovi turi, bo'lib to'lash muddati, har bir oy uchun bo'lib to'lash summasi quyidagi tartibda ko'rsatiladi:

1. 20 01.06.2025, 100 000 000;

2. 20 01.07.2025, 100 000 000;

3. 20 01.08.2025, 100 000 000.”;

o'n ikkinchi — o'n sakkizinchi xatboshilar tegishli ravishda o'n yettinchi — yigirma uchinchi xatboshilar deb hisoblansin;

quyidagi mazmundagi o'n sakkizinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“TR — bo'lib-bo'lib to'lanadigan bojxona to'lovlari turini to'lash oyining tartib raqami;”;

o'n sakkizinchi — yigirma uchinchi xatboshilar tegishli ravishda o'n to'qqizinchi — yigirma to'rtinchi xatboshilar deb hisoblansin.

3. 43-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“43. Tovarlarini bojxona ombori bojxona rejimiga joylashtirishda deklaratsiyalovchi shaxs tomonidan BYDning quyidagi grafalari to'ldiriladi: 1, 2, 3, 5, 7 (post kodi), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15a, 17, 17a, 18, 19, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54 va “C”.”.

4. 45-bandda:

a) birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“45. BYDning 9, 11, 24, 44, 45, 46, 49, 50 va “C” grafalarini to'ldirilishi quyidagi o'ziga xos xususiyatlarga ega:”;

b) 1-kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ushbu grafa tovarlarni “erkin muomalaga chiqarish (import)” bojxona rejimiga rasmiylashtirmasdan keyinchalik tashqi savdo kontrakti asosida xorijga sotish nazarda tutilgan hollarda to'ldiriladi;”;

v) 1¹-kichik bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ushbu grafa tovarlarni “erkin muomalaga chiqarish (import)” bojxona rejimiga rasmiylashtirmasdan keyinchalik tashqi savdo kontrakti asosida xorijga sotish nazarda tutilgan hollarda to'ldiriladi;”;

g) 1²-kichik band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1²) 24-grafa. “Bitim xususiyati”.

Grafaning chap bo'lmasida mazkur Yo'riqnomaning 9-ilovasida keltirilgan Bitim xususiyatlari tasniflagichiga muvofiq bitim xususiyatining kodi ko'rsatiladi.

Grafaning o'ng bo'lmasida Valyutalar tasniflagichiga muvofiq yetkazib

berilayotgan tovar uchun kontragent bilan hisob-kitob valyutasining raqamli kodi ko'rsatiladi.

Hisob-kitob valyutasi deganda BYDni 9-grafasida ko'rsatilgan shaxsning tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) bo'yicha hisob-kitob amalga oshirilgan yoki amalga oshiriladigan valyuta, tashqi savdo kontrakti (shartnomasi, kelishuvi) mavjud bo'lmagan holatlarda tovarning kuzatuv hujjatlarida ko'rsatilgan valyuta tushuniladi.

Ushbu grafa tovarlarni "erkin muomalaga chiqarish (import)" bojxona rejimiga rasmiylashtirmasdan keyinchalik tashqi savdo kontrakti asosida xorijga sotish nazarda tutilgan hollarda to'ldiriladi;"

d) quyidagi mazmundagi 1³-kichik band bilan to'ldirilsin:

"1³) 44-grafa. "Qo'shimcha ma'lumotlar/taqdim etilayotgan hujjatlar".

Grafa tovarlarni olib chiqishda mazkur Yo'riqnomaning 22-bandida, olib kirishda — 25-bandida belgilangan tartibda to'ldiriladi.

Grafada quyidagilar ko'rsatiladi (ma'lumotlarning har biri yangi satrdan boshlanadi):

tovarning kuzatuv hujjatlarining raqamlari (ro'yxat raqamlari);

tovarlarni bojxona omboriga joylashtirayotgan shaxs bilan bojxona ombori egasi o'rtasidagi bitim raqami va sanasi;

bojxona rasmiylashtiruvi uchun zarur bo'lgan boshqa hujjatlar va ma'lumotlar (bojxona to'g'risidagi qonun hujjatlari buzilganligi to'g'risidagi bayonnomalar, tovarlarni bojxona ombori maqomiga ega bo'lmagan binolar va (yoki) ochiq maydonlarga joylashtirilganda vakolatli shaxsning arizasi va bojxona to'lovlari to'lanishi ta'minlanishini tasdiqlovchi hujjat nomi, raqami, sanasi, summasi va qonunchilik hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa hujjatlar);

905 tartib raqami ostida tovarni bojxona ombori bojxona rejimi ostida saqlanishi sabablariga oid quyidagi kodlardan biri ko'rsatiladi:

"001" — agar tovarning saqlanish sababi tegishli sertifikat olish bilan bog'liq bo'lsa;

"002" — agar tovarning saqlanish sababi tegishli ruxsatnoma va litsenziya olish bilan bog'liq bo'lsa;

"003" — agar tovarning saqlanish sababi bojxona to'lovlari bo'yicha imtiyoz olish bilan bog'liq bo'lsa;

"004" — agar tovarning saqlanish sababi tegishli shartnoma bilan bog'liq bo'lsa;

"005" — agar tovarning saqlanish sababi moliyaviy mablag' yo'qligi bilan bog'liq bo'lsa;

"006" — agar tovarning saqlanish sababi keyinchalik tovarni O'zbekiston Respublikasi hududidan qaytarib olib chiqib ketilishi kutilayotganligi bilan bog'liq bo'lsa;

"007" — agar tovarning saqlanish sababi tovarni boshqa shaxsga o'tkazilishi kutilayotganligi bilan bog'liq bo'lsa;

"008" — agar tovarning saqlanish sababi tovarga nisbatan taqiq qo'yilganligi bilan bog'liq bo'lsa;"

e) 6-kichik bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“tovarlarni “erkin muomalaga chiqarish (import)” bojxona rejimiga rasmiylashtirmasdan keyinchalik tashqi savdo kontrakti asosida xorijga sotish nazarda tutilgan hollarda, 1 raqami ostida tashqi savdo kontraktining (shartnomasining, kelishuvining) Tashqi savdo operatsiyalari yagona elektron axborot tizimidagi identifikatsiya raqami;”.

5. Quyidagi mazmundagi 64¹-band bilan to'ldirilsin:

“64¹. Bojxona hududida qayta ishlash bojxona rejimida qayta ishlanib, erkin omborga joylashtirilgan tovarlar keyingi qayta ishlash maqsadida “bojxona hududida qayta ishlash” bojxona rejimiga joylashtiriladi.”.

6. 78-bandning 1-kichik bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1) 42-grafa. “Tovarning faktura qiymati”.

Grafada eksport kontrakti bo'yicha 31-grafada deklaratsiyalanayotgan tovarni qayta ishlash bo'yicha xizmat qiymati ko'rsatiladi.

Beg'araz asosda qayta ishlashda grafada “0” ko'rsatiladi.

Import kontrakti asosida qayta ishlash uchun olib kiritilgan tovarlarni deklaratsiyalashda tovarning qiymati ko'rsatiladi.

Tovarlar va xizmatlar qiymati matematik qoidalarga ko'ra verguldan keyingi ikki belgigacha aniqlikda yaxlitlanadi;”.

7. 81-bandning 1-kichik bandi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1) 42-grafa. “Tovarning faktura qiymati”.

Grafada eksport kontrakti bo'yicha 31-grafada deklaratsiyalanayotgan tovarni qayta ishlash bo'yicha xizmat qiymati ko'rsatiladi.

Beg'araz asosda qayta ishlashda grafada “0” ko'rsatiladi.

Import kontrakti asosida qayta ishlangan tovarlarni eksporti kontrakti asosida olib chiqishda tovar qiymati ko'rsatiladi.

Tovarlar va xizmatlar qiymati matematik qoidalarga ko'ra verguldan keyingi ikki belgigacha aniqlikda yaxlitlanadi;”.

8. 4-ilova mazkur o'zgartirish va qo'shimchalarning ilovasiga muvofiq tahrirda bayon etilsin.

9. 12-ilova quyidagi mazmundagi 14¹-pozitsiya bilan to'ldirilsin:

“

14 ¹ .	Yangi (tovar bojxona chegarasi orqali olib o'tilgandan keyin taqdim etilgan) invoys (hisob, hisob-faktura)	224	NOV INV
-------------------	--	-----	------------

”.

Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi
to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan
o'zgartirish va qo'shimchalarga
ILOVA

“Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi
to'g'risidagi yo'riqnomaga
4-ILOVA

**Bojxona postlari
TASNIFLAGICHI**

T/r	O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasining hududiy boshqarmalari postlarining nomi	Post kodi
Qoraqalpog'iston Respublikasi bo'yicha boshqarmasi		
1.	“Nukus aeroporti” chegara bojxona posti	35001
2.	“Nukus” TIF bojxona posti	35002
3.	“Xo'jayli” chegara bojxona posti	35003
4.	“Dovut-ota” chegara bojxona posti	35004
5.	“Qoraqalpog'iston” temir yo'l chegara bojxona posti	35010
Andijon viloyati bo'yicha boshqarmasi		
6.	“Do'stlik” chegara bojxona posti	03002
7.	“Andijon aeroporti” chegara bojxona posti	03003
8.	“Mingtepa” chegara bojxona posti	03005
9.	“Qorasuv” chegara bojxona posti	03006
10.	“Xonobod” chegara bojxona posti	03007
11.	“Pushmon” chegara bojxona posti	03008
12.	“Madaniyat” chegara bojxona posti	03009
13.	“Andijon” TIF bojxona posti	03011
14.	“Keskanyor” chegara bojxona posti	03013
15.	“Savay” temir yo'l chegara bojxona posti	03014
16.	“Asaka” TIF bojxona posti	03015
Buxoro viloyati bo'yicha boshqarmasi		
17.	“Buxoro aeroporti” chegara bojxona posti	06001
18.	“Buxoro” TIF bojxona posti	06006
19.	“Qorako'l” TIF bojxona posti	06009
20.	“Olot” chegara bojxona posti	06010
21.	“Xo'jadavlat” temir yo'l chegara bojxona posti	06011
Jizzax viloyati bo'yicha boshqarmasi		
22.	“Uchto'rg'on” chegara bojxona posti	08003
23.	“Jizzax” TIF bojxona posti	08004
24.	“Qo'shkent” chegara bojxona posti	08007
Qashqadaryo viloyati bo'yicha boshqarmasi		
25.	“Nasaf” TIF bojxona posti	10002
26.	“Qamashi-G'uzor” TIF bojxona posti	10007
27.	“Qarshi-Kerki” chegara bojxona posti	10008

28.	“Qarshi aeroporti” chegara bojxona posti	10012
Navoiy viloyati bo'yicha boshqarmasi		
29.	“Navoiy aeroporti” chegara bojxona posti	12002
30.	“Navoiy” TIF bojxona posti	12003
31.	“Zarafshon” TIF bojxona posti	12008
Namangan viloyati bo'yicha boshqarmasi		
32.	“Namangan aeroporti” chegara bojxona posti	14002
33.	“Uchqo'rg'on” chegara bojxona posti	14003
34.	“Kosonsoy” chegara bojxona posti	14004
35.	“Pop” chegara bojxona posti	14005
36.	“Namangan” TIF bojxona posti	14010
Samarqand viloyati bo'yicha boshqarmasi		
37.	“Samarqand aeroporti” chegara bojxona posti	18001
38.	“Jartepa” chegara bojxona posti	18002
39.	“Samarqand” TIF bojxona posti	18005
40.	“Ulug'bek” TIF bojxona posti	18007
Surxondaryo viloyati bo'yicha boshqarmasi		
41.	“Termiz aeroporti” chegara bojxona posti	22002
42.	“Sariosiyo” chegara bojxona posti	22003
43.	“Sariosiyo” temir yo'l chegara bojxona posti	22004
44.	“Termiz” TIF bojxona posti	22005
45.	“Denov” TIF bojxona posti	22006
46.	“Gulbahor” chegara bojxona posti	22007
47.	“Daryo porti” TIF bojxona posti	22011
48.	“Boldir” temir yo'l chegara bojxona posti	22015
49.	“Ayritom” chegara bojxona posti	22017
50.	“Termiz xalqaro savdo markazi” TIF bojxona posti	22022
Sirdaryo viloyati bo'yicha boshqarmasi		
51.	“Xovosobod” chegara bojxona posti	24002
52.	“Sirdaryo” chegara bojxona posti	24004
53.	“Oq oltin” chegara bojxona posti	24006
54.	“Guliston” TIF bojxona posti	24009
55.	“Malik” chegara bojxona posti	24014
Toshkent viloyati bo'yicha boshqarmasi		
56.	“Yallama” chegara bojxona posti	27001
57.	“Navoiy” chegara bojxona posti	27008
58.	“S. Najimov” chegara bojxona posti	27009
59.	“Oybek” chegara bojxona posti	27011
60.	“Bekobod avto” chegara bojxona posti	27013
61.	“Chirchiq” TIF bojxona posti	27014
62.	“Olmaliq” TIF bojxona posti	27015
63.	“Yangiyo'l” TIF bojxona posti	27016
64.	“Nazarbek” TIF bojxona posti	27019
65.	“Keles” TIF bojxona posti	27020
66.	“G'ishtko'prik” chegara bojxona posti	27021
67.	“Farhod” chegara bojxona posti	27023

68.	“Bekobod” temir yo‘l chegara bojxona posti	27024
69.	“Angren” TIF bojxona posti	27028
Farg‘ona viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
70.	“Farg‘ona aeroporti” chegara bojxona posti	30001
71.	“Qo‘qon” TIF bojxona posti	30002
72.	“Farg‘ona” chegara bojxona posti	30004
73.	“Andarxon” chegara bojxona posti	30005
74.	“Rishton” chegara bojxona posti	30006
75.	“Rovot” chegara bojxona posti	30008
76.	“Vodiy” TIF bojxona posti	30009
77.	“O‘zbekiston” chegara bojxona posti	30010
78.	“So‘x” chegara bojxona posti	30012
Xorazm viloyati bo‘yicha boshqarmasi		
79.	“Shovot” chegara bojxona posti	33001
80.	“Do‘stlik” chegara bojxona posti	33004
81.	“Urganch” TIF bojxona posti	33007
82.	“Urganch aeroporti” chegara bojxona posti	33011
Toshkent shahri bo‘yicha boshqarmasi		
83.	“Toshkent-tovar” TIF bojxona posti	26002
84.	“Ark buloq” TIF bojxona posti	26003
85.	“Chugursoy” TIF bojxona posti	26004
86.	“Keles” temir yo‘l chegara bojxona posti	26009
87.	“Sirg‘ali” TIF bojxona posti	26010
88.	“Chugursoy texnik idora” temir yo‘l chegara bojxona posti	26013
“Toshkent-AERO” ixtisoslashtirilgan bojxona kompleksi		
89.	“Islom Karimov nomidagi “Toshkent” xalqaro aeroporti” chegara bojxona posti	00101
90.	“Avia yuklar” TIF bojxona posti	00102
91.	“Elektron tijorat” TIF bojxona posti	00107

”.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2025 йил 28 майдаги 6-сон “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомнинг 33-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2025 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1806-6.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi boshlig‘ining 2025-yil 16-maydagi 7-son “Elektr energiyasi, neft mahsulotlari va gazdan foydalanishda Inson hayoti va sog‘lig‘iga yuqori xavf soluvchi omillar reyestriga kiritiladigan ma‘lumotlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 23-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3633.

3. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi vazirining 2025-yil 17-iyundagi 33-son “Karantin ostidagi mahsulotni olib qo‘yish, qaytarib yuborish va yo‘q qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 1-bandiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 24-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3191-3.

4. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 23-maydagi 260-son “Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2025-yil 24-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2773-12.

